





**БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ**



**ШАРҚ  
КАМАЛАГИ**



**Янги сонетлар  
Шарқ гулдастаси  
Қуёш фарзанди  
Тож Маҳал**



**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ—1975**

**Бойқобиллов Б.**

Шарқ камалаги. Янги сонетлар. Шарқ гулдастаси. Қуёш фарзанди. Тож Маҳал. (Сўнг сўз Миртемирники) Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

288 б.

Ўзбекистон Ленин Комсомоли мукофоти лауреати, шоир Барот Бойқобилловнинг ушбу янги китоби икки Шарқ мавзусига бағишлангандир.

Сонетлардан тузилган «Қуёш фарзанди» дostonи яшнаётган Ўзбекистонни мадҳ этса, «Тож Маҳал», «Шарқ гулдастаси» туркумлари уйғонаётган Хорижий Шарқ ҳаётидан ҳикоя қилади.

Ўз2

Б  $\frac{70403-030-84}{35\ 2\ (06)\ 75}$  28-75

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 й.



# ЯНГИ СОЊЕТЛАР



## ОЛТИН ТУҒИ



(Сонетлар гулчамбари)

### I

Бир улуғ диёр бор ер куррасида  
Мен учун қуёшдай азиз, ягона.  
Бошида бир умр бўлгум парвона,  
Қалбимнинг қони бор ҳар заррасида.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат,  
Шу икки оламдан иборат дунё.  
Икки олам аро қуёшдай танҳо,  
Бир диёр яқиндир қалбимга фақат.

На бирор сайёра, на бир мамлакат  
Меҳри юрагимга бўлолмас ҳоким.  
Кўкрагимга сиғмай талпиннар қалбим,  
Шу диёр ҳақида сўз кетса фақат.

Шу диёр туфайли гўзал бу жаҳон,  
Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон.

## II

Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон,  
Момиқдек кўксига қўйиб бошини,  
Мўм янглиғ эритиб қайғу тошини,  
Шодлик уммонида уради тугён.

Шу Диёр Инқилоб ёғдусин сочиб,  
Зим-зиё дунёни қилди мунаввар.  
Октябрь байроғин тутди музаффар,  
Эрк деганга иқбол эшигин очиб.

Унда Ленин тузган буюк Иттифоқ,  
Дунёни ҳайратга солди дафъатан,  
Барча миллат бўлиб бир жону бир тан,  
Мангуга йўқолди низо ва нифоқ.

Ишчию деҳқоннинг тор кулбасида  
Бахт қуёши болқди тонг палласида.



### III

Бахт қуёши болқди тонг палласида,  
Ғам қушини мангу учириб бошдан.  
Шу диёр мамнундир дўсту қардошдан,  
Советларнинг буюк оиласида.

Шу диёр — ҳудудсиз Ватаним маним,  
Инсон бўлиб топган нону насибам.  
Субҳидам битилган шеъру қасидам,  
Дунёда топилмас чаманим маним.

Шу диёр сарҳадсиз шодлик уммоним,  
Толенмдек кулган илҳом маскани.  
Бахту саодатим, завқим чамани,  
Дунёга кашф этган ёруғ жаҳоним.

Шу диёр қуёшдай болқди-ю хандон,  
Еғдусидан қалблар бўлди чароғон.

#### IV

Егдусидан қалблар бўлди чароғон,  
Уйқудан уйғотди я.ги асрни,  
Пўлат сафда кўриб улуғ наслни,  
Яшаргандай бўлди бу кекса жаҳон.

Жангу жадалларни кечириб бошдан,  
Оташда пўлатдек тобланди девкор.  
Қўндирмади ҳатто қалбига ғубор,  
Нур эмиб, Лениндай улуғ қуёшдан.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра,  
Сайёралар инсон изига зордир,  
Мамлакатлар ичра бир диёр бордир,  
Мен учун дунёда якка-ягона.

Бир буюк нидо бор унинг сасида,  
Шу диёр — олтин тўй арафасида.

## V

Шу диёр — олтин тўй арафасида,  
Кўзни сеҳрлайди кўркам жамоли,  
Ҳар уйдан эсмоқда тўйнинг шамоли,  
Арафа қувончи ўт нафасида.

Тўйга қуруқ қўл-ла бормайди бизда,  
Тўёна элтмоқлик расми-одатдир,  
Одатга киргани зўр саодатдир,  
Шу қутлуғ анъана Ватанимизда.

Шу одатни барча этмасдан канда,  
Зарбдор жабҳалар жанги аро банд,  
Тоғни қалқон қилар Фарҳодга монанд,  
Қадоқ қўлларини ишга урганда.

Тўёна ишқи-ла яшар ҳар одам,  
Шодлигига бугун тор келур олам.

## VI

Шодлигига бугун тор келур олам,  
Саодат мулкида сурса ҳам даврон.  
Улуғ рус халқидай топиб бир сарбон,  
Нурли уфқларга қўймоқда қадам.

Букк Иттифоқдош республикалар  
Ғайрат камарини боғлаган тўйга,  
Бугун меҳмон кутар ҳашамдор уйда,  
Қон-қардош ва сафдош ака-укалар.

Тонг билан қуёшдай келган меҳмонни  
Мезбонлар эъозлаб нону туз билан,  
Уйини кўрсатиб ёруғ юз билан,  
Бошига кўтарар азиз инсонни.

Дўстлик улкан бўлса, қалблар донмо  
Қардошлик шаънига ўқир қасида.

## VII

Қардошлик шаънига ўқир қасида,  
Арафа чоғида дўстини йўқлаб,  
Бир сўз ила унинг кўнглини хушлаб,  
Роз айтар умрининг васиқасига.

Шу дўстлик нуридан уйлар мунаввар,  
Бошимиз кўкда-ю, кўкрагимиз тоғ,  
Кўнгиллар ободу димоғимиз чоғ,  
Ҳар лаҳза бахш этар улкан бир зафар.

Зафарлар тошқини мисли бир тўлқин  
Улуғ пойтахт сари сқар дарёдай,  
Кўзни қамаштириб олтин зиёдай,  
Миллионлаб қалбларни сеҳрлар бугун.

Галаба нашъасин сурмоқда бу дам.  
Дунёни лол қилган инсонни аъзам.

## VIII

Дунёни лол қилган инсони аъзам  
Ақлу идрокига олам берди тан,  
Мазлумлар ҳолини сўраб дафъатан,  
Дарди-ю, ғамини кўролди баҳам.

Адолат байроғин кўтариб баланд,  
Эркпарвар юртларга сарбон бўлди у,  
Жаҳон тинчлигига посбон бўлди у,  
Қалбларни қалбига этолди пайванд.

Арафа чоғида унинг дўстлари,  
Ўз она юртида қуриб анжуман,  
Шу диёр ҳуснига бўлиб орзуманд,  
Дунё бўйлаб янграр олқиш сўзлари.

Дўстлик билан эрур умри зиёда,  
Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда.

## IX

Бугун дўсти кўпдир унинг дунёла,  
Ой каби танҳомас, юлдуздай кўпдир,  
Октябрь қасрига безакдир, зебдир,  
Номлари порлайди олтин лавҳада.

Дўстлар қувончининг чеки йўқ асло,  
Ва лекин душманлар ҳоли эрур танг.  
Шу диёр кўксига солай дея чанг,  
Қафасдай кўринар кўзига дунё.

Тўйдан дўст қувонар, куйинар душман.  
Бу ҳикмат аёндир қадимдан бизга.  
Бахт кулиб боққанда заминдан бизга,  
Дўстлик боғин яна этурмиз гулшан.

Ёв кўксига тигдай ботиб ҳар сўзи,  
Қуёшдай ярқирар толе юлдузи.

## Х

Қуёшдай ярқирар толе юлдузи  
Сирли сайёралар туркуми ичра,  
Саодат ёғдусин тўлқини ичра,  
Сеҳрдан қамашар одамзод кўзи.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат,  
Бир инсон сингари порлар ҳар юлдуз,  
Заминдан бахт излаб кечаю кундуз  
Не жонлар эл аро чекар азият.

Кўк ичра қурса ҳам қуёш салтанат  
Мазлумлар дардига топмади чора.  
Ҳатто киролмади жонига оро  
Ўзлари туғилиб ўсган мамлакат.

Ва лекин топажак бахтин дунёда,  
Ленин кўз нуридек азиз зиёда.



## XI

Ленин кўз нуридек азиз зиёда  
Товланиб, боладек жилмаяр олам.  
Олам ҳам одамсиз яшолмас бир дам,  
Одам билан ахир олам зебо-да!

Бор нарса муаллақ самода, балки,  
Янги сайёралар пайдо бўлмагай,  
Янги юлдузлар ҳам порлаб кулмагай,  
Лекин шунга менинг қалбим аминки,

Қуёш атрофида айлангандек ер  
Озод мамлакатлар келиб дунёга,  
Одамлар парвона бўлиб зиёга,  
Инқилоб қуёшин менинг бахтим дер.

Шу олам қўйнида бўлиб қирмизи,  
Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

## XII

Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи,  
Олам ранг олмоқда Қизил байроқда,  
Олам нур олмоқда Москва ёқдан,  
Пешонасин ўпиб иқбол юлдузи.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра,  
Юлдуздек бесаноқ заминда инсон.  
Шунчалик инсонлар ичра бегумон  
Бир инсон буюқдир бу жаҳон аро.

Олтин тўй кунда — Қизил Майдонда,  
Москвада барча дўстлар бўлар жам.  
Сафларини этиб яна мустаҳкам,  
Мамнун таъзим этар ўша Инсонга,

Қалбларда жўш уриб ўтли қасида,  
Ленин сўзи янграр дўстлар сасида.

### XIII

Ленин сўзи янграр дўстлар сасида,  
Ватан бўйлаб янграр бу буюк нидо,  
Жаҳон бўйлаб янграр бу буюк нидо,  
Олтин тўйнинг ҳар бир дақиқасида.

Қон-қардош дўстларни кўриб ёнма-ён,  
Нуроний юзида акс этиб офтоб,  
Қалбидан отилиб оташин хитоб,  
Тўй билан қутлайди Ленин шодумон.

Олтин тўйга бўлиб ўзи тўйбоғчи,  
Қардош дўстлар бошин силайди Ленин,  
Бизга бахту иқбол тилайди Ленин,  
Мангу болқигандек умид қуёши.

Бу қуёш чулғанар эрк шуъласига  
Дунё боғин барча минтақасида.

## XIV

Дунё боғин барча минтақасида  
Ҳаётнинг мангуга бўлиб йўлдоши,  
Қалбларни ёритиб Ленин қуёши  
Порлайди замонлар силсиласида.

Бу қуёш зиёси тушмаган уй кам,  
Ёғдусидан баҳра олмаган қалб йўқ,  
Нурига орзуманд бўлмаган алп йўқ,  
Бу нурга маҳлиё ҳаттоки олам.

Бу қуёш сўнмагай токи бор жаҳон,  
Дўстлик рамзи бўлиб порлайди мангу,  
Бизни Коммунага чорлайди мангу,  
Қуёшдай жилмайиб энг улуғ Инсон.

Туташдай, унинг қалб аортасига  
Бир улуғ диёр бор ер куррасида.

## МАГИСТРАЛ

\*

Бир улуг диёр бор ер куррасида,  
Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон.  
Бахт қуёши болқди тонг палласида,  
Ёғдусидан қалблар бўлди чароғон.

Шу диёр — олтин тўй арафасида,  
Шодлигига бугун тор келур олам.  
Қардошлик шаънига ўқир қасида,  
Дунёни лол қилган инсони аъзам.

Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда,  
Қуёшдай ярқирар толе юлдузи.  
Ленин кўз нуридек азиз зиёда,  
Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

Ленин сўзи янграр дўстлар сасида,  
Дунё боғин барча минтақасида.

1972, сентябрь.

\* \* \*

Ўн беш оға-ини — ўн беш ўлкадан,  
Ленин ҳузурида турар таъзимда.  
Тенг ҳуқуқли ўн беш республикадан  
Меҳмондир ўн беш дўст шаҳри азимда.

Миллионлаб халқ меҳрин жойлаб юракка  
Мавзолейга қўймиш ўн беш гулчамбар.  
Ленин орденини тақиб кўкракка,  
Ўн беш дўст кўкси ҳам ўсмиш тоғ қадар.

Элик йил зафарин айлаб саркитоб,  
Нурли чеҳраларда акс этиб офтоб,  
Доҳийга ҳисобот бермиш қардошлар.

Ҳаяжондан қалблар мисли бир симоб,  
Сўзлар оҳангида оташин хитоб,  
Лениндан қуёшга етгандек бошлар.

I. IX. 72.



\* \* \*

Доҳийнинг қошига келгунча она  
Дасталаб гул терди чаман боғлардан.  
Шаҳри Самарқанду, Урганч, Фарғона,  
Чотқолу Қурама, Боботоғлардан.

Сир билан Амудай йўл босиб ўктам,  
Эл меҳрин қалбига жо этди она.  
Қайси бир даргоҳга қўймасин қадам,  
Шодлик чироғига бўлди парвона.

Гулшан водийларда чарх уриб наҳор,  
Дарёдай ошиқди она-пойтахтга.  
Субҳидам доҳий-ла кўришиб дийдор,  
Мушарраф бўлди ул энг буюк бахтга!

Шу бахтдан кўнглида йўқ бугун армон,  
Бугун чиқди она тамом хумордан.

1973



\* \* \*

Булулар пода-пода, бўйнида маржон шода,  
Базми жамшид самода — келибди фасли наврӯз.  
Ҳушбӯй анқир ҳавода, қушлар тили навода,  
Тӯй бўлгандек маъвода—келибди фасли наврӯз.

Ариқ бўйида ялпиз, қулоғин чӯзиб ёлғиз,  
Кимгадир муштоқ ҳаргиз—келибди фасли  
наврӯз.  
Йигитни тинглаб сӯзсиз, юзлари бўлиб қирмиз,  
Севги дарсин тинглар қиз — келибди фасли  
наврӯз.

Қуртак отиб нав-ниҳол, бошига қўниб иқбол,  
Пиёлада тутиб бол — келибди фасли наврӯз.  
Тонгни кутиб не аёл, қозон бошида хаёл,  
Сумалакдан татиб қол — келибди фасли наврӯз.

Қирғоқдан тошиб тўлқин, дарёдан эсиб эпкин,  
Наврӯз келибди дуркун — менинг қалбимга  
букун.

22. III. 72.

\* \* \*

Қорлар эриб, тоғ бошидан дарёлар оқаётир,  
Дарёларда гувлаётир шаршаралар садоси.  
Чўққилар ҳам чаккасига лолалар тақаётир,  
Тоғлар ошиб келаётир турналарнинг подаси.

Юзга тортиб ҳарир парда олмазор боқаётир,  
Боларилар мастонадир, бошда асал савдоси,  
Бсбодехқон она ерга чигитни қадаётир,  
Яшил сирға тақаётир ишкомда ток новдаси.

Булутларнинг ёшин тўкиб кўк чақмоқ чақаётир,  
Қирғоғидан тошаётир Сир ва Аму дарёси.  
Камалакнинг жилосидан ерга ранг оқаётир,  
Табиатнинг фусунидан лолдир одам боласи.

Тоғдан ажиб шамол билан соф ҳаво келаётир,  
Юртим бўйлаб бугун фасли келинчак елаётир.

16. III 73.

\* \* \*

Шеърият ҳам катта майдондир,  
Бу майдоннинг йўқ чегараси.  
Шоирларга мангу макондир,  
Бунда бордир заргар, чегачи.

Биров отлиқ, биров яёвдир,  
Биров эса чаптаст чавандоз.  
Бировининг қалби оловдир,  
Бировида эса синган соз.

Бири олиб кетар улоқни,  
Бири эса қайтар қуп-қуруқ.  
Бири пуфлар чўғсиз ўчоқни,  
Бирин кутар шудгорда қуйруқ.

Бири умрин яшаса бу кун,  
Бири яшар келажак учун!

1974.

\* \* \*

Андижон кўксида Навоий боғи,  
Шоир орзусидай гўзал ва кўркам.  
Қадрдон дўстларнинг висол чорбоғи,  
Саҳнида табиат нафосати жам.

Ҳавзи мусамманнинг сўлим қирғоғи,  
Бургут масканидан узилмас қадам.  
Боғ аро порлаган ҳаёт чироғи,  
Ҳофизлар навоси жонингга малҳам.

Боғнинг мезбонидай шоири аъзам,  
Азиз меҳмонини қилгали эъзоз.  
Дарвоза олдида турибди пешвоз.

Навоийга таъзим айлаб ҳар одам,  
Пойнга солгандек гулдан поёндоз,  
Боғ саҳнига қадам қўяр қишу ёз!

2. IX. 72.

\* \* \*

Андижондан изладим Бобир изини не бор,  
Кўзларимга тўтиё қилмоқ бўлдим хокини.  
Асрларнинг қаъридан тинглаб чеккан оҳини,  
Игна санчилган каби кўнглим бўлди ярадор.

Андижондан изладим Бобир изини не бор,  
Бир қисим тупроқ эди — умидларим ҳокими,  
Эҳсон этолмади лек ҳатто луқмон ҳакими,  
Яна кезиб кўча-кўй эл аро бўлдим афгор.

Андижондан изладим Бобир изини не бор,  
Ҳар изига тонг чоғи экиб висол гулидан  
Шоирнинг ҳижрон дардин қилмоқчи эдим ашъор.

Андижондан изладим Бобир изини не бор,  
Изин топмаган билан лекин халқин дилидан  
Шоир ғазалин топиб, кўнглим бўлди бахтиёр.

2. IX. 72.

\* \* \*

Ўғлига сеп йиғди она неча йил,  
Келин орзусида билмади ғамни.  
Чинордек гуркираб улғайган ўғил,  
Гўзалроқ кўрсатди унга оламни.

Ўглининг қалбига назар солгач ул  
Зиёсин кўролди ишқ ёққан шамни.  
Она ташвишларин унутиб буткул  
Кўргани отланди ўшал санамни,

Бошига бахт қуши қўнгандай ўғил  
Номозшом қаршилаб олди онани.  
«Қўл етмас юлдузни танлабсан» деб ул  
Совчиликка танлаб қолди одамни.

Она қувончидан деярди фақат:  
— Келин олиб келар уйга фазилат.

26. VIII. 72.

\* \* \*

Уч космонавт ҳалок бўлди дафъатан,  
Дафъатан юзлардан кулги йўқолди,  
Яраланган филдай тўлғонди Ватан,  
Олимлар сочларин чангаллаб қолди.

Уч уйнинг бошига тушган кулфатни  
Ўз ғами деб билди барча хонадон.  
Даврадан йўқотиб учта улфатни  
Бошин қуйи солди дўсту қадрдон.

Бу мангу айрилиқ ханжари гўё  
Волидалар қалбин тиглаб юборди.  
Хотинлари сочин юлиб шу асно,  
Оламни титратиб йиғлаб юборди.

Фарзандлар кўзидан милт-милт томиб ёш,  
Космосга қарашар... яна шу қуёш..

30. VI. 71,

\* \* \*

Пахтазор қўйнига чўкмиш фараҳли бир тун,  
Эгатлар оралаб эсар сарин шаббода.  
Чаноқлар жилмайиб унга лаб очар беун,  
Лабида инжудек шабнам гўёки бода.

Чаноқлар лабига боқиб, япроқлар секин  
Шивирлаб сирлашар терим завқини гўё.  
Қуёшдан қарз олган нурын ой сочар мамнун,  
Пахтазор оғушин айлаб кундуздай рўшно.

Юлдузлар суқ билан боқар Арши Аълодан,  
Чаноқлар жилвасин кўриб, тинар кўзлари.  
Пахтазор бир инъом кутар субҳи сабодан,  
Қуёшни кутгандай интиқ деҳқон қизлари.

Чаноқлар чирсиллаб бир-бир очилар хандон,  
Субҳидам эгали ўзин инсонга эҳсон.

1972



\* \* \*

Сир ва Аму учрашмас асло,  
Бир уммонга қуйилар лекин.  
Уммон ичра уларни, аммо  
Бир-биридан ажратиш қийин.

Тоғ тоғ билан учрашмас асло,  
Гар осмонга бўлса-да, устун.  
Яшаса-да заминда, аммо  
Ундан оёқ узиши қийин.

Ой ва қуёш учрашса, аммо  
Қуёш юзи қораяр бирдан.  
Зулумотга чўккандай дунё  
Мунгли садо чиқади ердан.

Одам билан учрашса одам  
Табассумдан ёришар олам!

16. 1. 1973.

\* \* \*

Ҳигит дея олганимда ном  
Олам аро туздим бир лашкар.  
Қалбим айлаб унга қўмондон,  
От сурдим то Деҳлига қадар.

Қийғизмадим дубулға, қалқон,  
Ғилофига солмадим ханжар,  
Тутқизмадим па ёй, на камон,  
Боғламадим ўқдонли камар.

Унга бердим фақат бир қурол:  
Бу қаламдир — умрим сарвари,  
Қалам билан топмагай завол,  
Амримга шай — сухан лашкари.

Уша лашкар тутса қаламим,  
Забт этурман қалблар қалъасин!

15. I. 73.

\* \* \*

Бир йигит қирқ йилда бўлади бино,  
Одам бўлиш қийин бир савдо экан.  
Унинг дардларини уқса гар дунё,  
Бу дунё жаннатдай бир дунё экан.

Уқмаса, бу дунё чархи бегардун,  
Боғи Эрам эмас, дўзахи оташ.  
Унинг нағмасига ўйнаган мардум —  
Бахт кўкида ногоҳ тутилган қуёш.

Қуёш тутилмасин десангиз агар  
Адоват меҳрга солмасин соя.  
Кўнглини кўтармоқ учун тоғ қадар

Инсонга яхши сўз ўзи кифоя,  
Қалбга ҳамдам бўлса шу эзгу гоё,  
Инсон дардин уқар дунё муқаррар.

14. VIII. 72.

\* \* \*

Мен сенга бир тахт яратдим,  
Остонаси тиллодан.  
Шу тахтда бир бахт яратдим,  
Топилмас ҳеч дунёдан.

Бу бир тахтким, бир умрга  
Бошингдан ҳеч тушмас тож.  
Бу бир бахтким, ўраб дурга  
Сенга тўлар қалб хирож.

Қалб хирожи — севги эрур,  
Севгимга сен бўл паноҳ.  
Севги тахти мангу турур,  
Шу тахтга сен бўлгил шоҳ.

Шоҳ бўлмасанг, унга, жоним,  
Забт этар бир кун ғаним.

10.1.73.

\* \* \*

Сен юлдуз бўлсанг гар Арши Аълода,  
Мен сени бошимга кўтарган ерман.  
Васлинг умиди-ла келиб дунёга,  
Дунёдан армон-ла кетмасам, дерман.

Сен моҳтоб бўлсанг гар мулки маъвода,  
Мен сенинг ҳуснингга маҳлиё ерман.  
Мен учун танҳосан ёруғ дунёда,  
Ойда доғ бўлса ҳам, сенда йўқ, дерман.

Сен қуёш бўлсанг гар нилий самода,  
Мен сенинг тегрангда айланган ерман.  
Нурингдан баҳраманд бўлиб дунёда,  
Мен сени бир умр қуёшим, дерман.

Мен учун қуёш бўл, севгим туфайли,  
Куйиб, кул бўлсам ҳам ўтингда, майли!

12. I, 73.

\* \* \*

Кундуз ҳам тун янглиғ қорадир сенсиз,  
Қора тунда кўнгил порадир сенсиз.  
Сенсиз на қилай мен икки жаҳонни,  
Ҳажр ўқидин кўнгил ярадир сенсиз.

Сен учун оғудир шароб ҳам менсиз,  
Уммонда куймагай ҳубоб ҳам менсиз,  
Менсиз қаро тун ҳам бўлмагай рўшно,  
Нур сочмас бошингга офтоб ҳам менсиз.

Баҳор ҳам куз янглиғ заъфарон сенсиз,  
Ёз ҳам ёз эмасдир, қаҳратон сенсиз.  
Сенсиз қуриб қолар чашмаи ҳаёт,  
Курраи олам ҳам зимистон сенсиз.

Сен учун бу дунё фонийдир менсиз,  
Мен учун бу дунё осийдир сенсиз.

27. I. 73.

\* \* \*

Кўзингдан сачраган севги учқуни  
Оташ мисол кирди қалбимга.  
Ганжи муқаддасдай асрабон уни  
Машъал этдим ҳаёт қасримга.

Керак бўлса, жондан кечурман, лекин  
Сўндирмасман алангасини.  
Бол ўрнида оғу ичурман, лекин  
Алишмасман оламга сени.

Сенсиз менга кенг дунё хам тор,  
Жисмим тарк этар жон — ишқинг ўтисиз.  
Ҳатто қуёш сўнганга ўхшар.  
Нафас олсам сенинг муҳаббатингсиз.

Севгинг оташини қалбимда асраб.  
Маъжусийдай сиғиндим, моҳтоб!

22—23, I. 73.

\* \* \*

Уйим сенсиз — кулбаи хароб,  
Қимсасиз бир вайрона — сенсиз.  
Сенсиз — кулдир ул хоки туроб,  
Уйим уймас, ғамхона—сенсиз.

Сенсиз — унда ёнмагай чироқ,  
Ғурбатдадир парвона — сенсиз.  
Сенсиз ой ҳам боқмайди, бироқ,  
Тонгдан йўқдир нишона—сенсиз.

Сенсиз ёнар унда ҳажри ашк,  
Жисми-жоним сўзона — сенсиз,  
Оддий тошдир дурдона — сенсиз.

Сенсиз — ишқ ҳам уйим этар тарк,  
Кўнгил шўрлик девона — сенсиз,  
Ўз уйим ҳам бегона—сенсиз.

6. II. 73.



\* \* \*

Севги деган сеҳрли уммон  
Оғушида мангу ғалаён.  
Ғалаёнга беролмасанг дош,  
Қирғоқ сари отар бегумон.

Бу уммонда на гавҳар, на дур,  
Ва на бордир ақиқ, жавоҳир.  
Лекин унда баридан ноёб —  
Ошиқларнинг қалби бор, ахир.

Шафқат қилмай шу қалб жонига,  
Илинтириб севги домига,  
Сўйгра уни тутқун сингари  
Ғарқ этгандир ишқ уммонига.

Шу уммонга мепи ҳам қалбим  
Ғарқ этдию, тинчиди, балким...

25. I. 73.

\* \* \*

Лнджонда битта уй бор,  
Менга азиз ва қадрдон.  
Дарвозасин олди гулзор,  
Саҳни гилос, олмага кен.

Узум билан ўрик, анор  
Айвон олдин этган жонон.  
Уй четидан оқар анҳор,  
Мирзатерак унга посбон.

Ҳовли саҳни мисли жаннат,  
Унда кўнглим қилар роҳат,  
Армонларим йўқдир маним.

Ушал уйда илк муҳаббат  
Умримга бахш этди зийнат,  
Сен туғилган унда, жоним!

2. IX. 72.

\* \* \*

Ўзбекистон бўйлаб кезар куз бобо,  
Деҳқонлар белига тол хивич боғлаб.  
Олтин саватида ҳосил бир дунё,  
Ул кезар, энг сўнгги бурчини оқлаб.

Кечаги гавжум боғ қолган ҳувиллаб,  
Боғбонлар кўймоқда тоқлар зангини.  
Пахтазорда зангор кема гувиллаб,  
Куну тун қизитар терим жангини.

Саришталаб барча ишин куз бобо,  
Очиқ чеҳра билан жилмаяр қишга.  
Қиш ҳам қучоқ очиб дейди: «марҳабо!»  
Нуқта қўйилгандай бўлар ташвишга.

Одамзод умрига куз тушса агар,  
Афсуски, бор иши тугамай қолар.

1970

\* \* \*

Қадаҳдаги шароб эмас, гулобдир,  
Тоғ гулларин сувларидан қилинган.  
Гулоб эса майлар ичра ноёбдир,  
Ҳадеганда топилмайди элимдан.

Бу ичимлик Ургутда ҳам камёбдир,  
Бир пиёла олгин, дўстим, қўлимдан.  
Бу илҳомрез сонияга хитобдир,  
Мушки кетмас бир умрга тилинган.

Чорчинорда қуриб олиб чордона,  
Даврамизнинг гули бўлиб, эй соқий,  
Шароб эмас, гулобдан сун, мардона,

Ургутни деб келмиш бугун ал Шоший!<sup>1</sup>  
Тоғлар бизнинг теграмизда парвона,  
Умримиз ҳам тоғдай бўлсин тик, боқий!

❦

---

<sup>1</sup> Фафур Фулом Ургутни севар эди.



# ШАРҚ ГУЛДАСТАСИ



## ҲИНДИСТОН ДАРВОЗАСИ

\*

Қуёш чиқар томонда фил қудрат бир диёр бор,  
Эртақ қилиб сўйласа арзигулик мамлакат.  
Бу мамлакат боғига бир умрлик баҳор ёр,  
Бу мамлакат бошида қуёш қурган салтанат.

Бу диёр боғларини қилсанг агар саёҳат,  
Руҳингга қанот бўлур Деҳлавийнинг «Хамса»си.  
Лаъл қалъада сайр этиб кўнглинг топганда роҳат,  
Ақлу ҳушинг ўғирлар ҳинд қизларин ғамзаси.

Ганг дарёси шовуллаб унга қўшиқ куйлайди,  
Ошиқ йигит боққандай севгилисин кўзига.  
Арабия дардини ёлғиз унга сўйлайди,  
Қалькутта сурмасидан хол қўйгани юзига.

Хурмозорлар бошига тутиб олиб соябон,  
Қадди самбит қизлардек қиё боқар қуёшга.  
Мажнунтолдай эгилиб, заминни ўпар банян,<sup>1</sup>  
Она-ер муҳаббати гавфо солгандек бошга.

Бенгалия боғлари қўшиқ айтиб хиромон,  
Буюк Тағор изини кўксида ардоқлайди.

---

<sup>1</sup> Мажнунтолга ўхшаш даракт.

Бобир Мирзо ғазали қалбларда қурмиш ошён,  
Кашмир иқболин Голиб сабодан суроқлайди.

Икки ҳайкал қўйилмиш муҳаббатга бу элда,  
Муҳаббатдай пок бўлган Ҳиндистон мрамаридан.  
Жамна ҳайқириб оққан икки нурли соҳилда,  
Икки ёдгорлик қолмиш Ҳиндистон сарваридан.

Гангдай оғир йўл босиб, Ҳимолайдай бардошни  
Дилга тугиб отланмиш иқбол қаққашонига.  
Денгиздай қудрат билан баланд кўтариб бошни  
Гандидек содиқ қолди эътиқод — имонига.

Мустамлака кишанин чилпарчин қилиб абад  
Осиё овозига мағрур берди акс садо.  
Озодлик суруридан кўнгиллар бўлиб обод,  
Қуёшдек кулиб боқди толеи кулган само.

Саодат нурин сочар энди қуёш беармон,  
Лаъл қалъа узра порлар Ҳиндистоннинг байроғи.  
Иқбол қўшигин тинглаб, доврўғин қилиб дoston,  
Шарқ уфқини қизартмиш Ҳиндистоннинг чароғи.

Афсонавий диёрдай қалбларга солиб туғён,  
Оламини тутиб кетди Ҳиндистон овозаси.  
Қилич билан келганин айлар ер билан яксон.  
Дўстга эса очиқдир Ҳиндистон дарвозаси!

Деҳли.  
28. 10. 70.



## ФИЛ

\*

Дунёда энг улкан мавжудотдир фил,  
Кучу қудратда ҳам тенгсиз, паҳлавон,  
Сабру тоқатига ҳайрон қолур эл,  
Азмидан ҳаттоки тоғ бўлур талқон.

Филга ватан бўлмиш мулки Ҳиндистон  
Қаноат, бардошни олгандир филдан.  
Муқаллас тупроғин қилган-чун бўстон,  
Ҳиндистон мамнундир филқудрат элдан!

2. III. 71.

## БАХТ УСТУНИ<sup>1</sup>

\*

Деҳлида бахт устуни бордир,  
Минг йилларни кечирган боши.  
Унга висол айёми ёрдир,  
Кулиб боққан толе қуёши.

Ироқлардан келиб одамлар  
Ҳар кун уни қилар зиёрат.  
Зиёратсиз ўтмайди дамлар,  
Зиёратсиз кунлар унга ёт.

Устун ўзи қора темирдан,  
Вайронада турибди мағрур.  
Воқиф бўлмай ундаги сирдан,  
Ҳамма уни қучоқлар бир-бир.

Ким қучоқлаб, қўли етса гар  
Бир умрга бахтли бўлармиш.  
Қучоғига сиғмаса агар,  
Сўнг худодан бахтин тилармиш.

О, мунча ҳам содда одамлар,  
Ҳар нарсага ишонса, наҳот,

---

<sup>1</sup> Стуни Ашоқа

Ўтса ҳамки не-не замонлар  
Бахт устунин қилса зиёрат.

Бу устунга топинган инсон,  
Бахтин топмай овора лекин,  
Зиёратга бўлиб ошиён,  
Одамлардан бахтли бу устун!



## СЕВГИ ХУДОСИ

\*

Севги туғён солса ошиқ кўнглига,  
Дерлар, йўқдир унинг сира давоси.  
Баъзан хурсанд, баъзан ўхшар мунглига,  
Елғиз шифо бермиш севги худоси.

Деҳлида кўрдим мен севги худосин, —  
Оқ мрамор рамзида кўҳлик бир санам.  
Хусни-ла ёритиб севги дунёсин,  
Ошиқлар изига ёқиб қўймиш шам.

Севги худосининг қошида ҳар кун  
Тиз чўкиб, ошиқлар топинар унга.  
Пойига қизил гул қўйишиб мамнун,  
Таъзим-ла чекинар ортига сўнгра.

Севги худосини зиёрат этган  
Ошиқлар бошида кулармиш висол.  
Қришнани<sup>1</sup> зиёрат этмасдан кетган  
Ошиқлар севгида топармиш завол.

---

<sup>1</sup> К р и ш н а — «Махабхарата» эпосидаги севги худоси.

Бу жуда қадимдан қолган афсона,  
Ҳар бир қалбга солар тугён ва оташ.  
Севги худосига бўлиб парвона,  
Шу вайдан ошиқлар аста эгар бош.

Севги худосининг ҳайкалин мен ҳам  
Ҳинд дўстларим янглиғ этдим зиёрат.  
Пойига бир даста гул қўйиб хуррам,  
Бир лаҳза бош эгдим қошида фақат.

Вафо достонини пичирлаб маъсум,  
Муҳаббат қудратин англадим бугун,  
Умрим бино бўлиб сиғинмагандим,  
Севги худосига топиндим лекин.

29. 10. 70.

## ВИСОЛ ДАРИЧАСИ

✱

Лаъл қалъада висол даричаси бор,  
Дарича пойнда оқ мармар айвон.  
Тонгда қуёш билан кўришиб дийдор,  
Халқ ҳолин сўраркан ҳар кун шоҳ Жаҳон.

Бугун эса ўша мармар айвондан,  
Ошиқлар ёрини чорлар висолга,  
Тонг билан узишиб гулу райҳондан,  
Тутишар ишқи пок соҳибжамолга.

1970.

## ЖАМНА

\*

Шоир каби чўмиб хаёлга  
Жамна оқар сокин, осуда.  
Дардларини сўйлаб шамолга,  
Қирғоқларга битар қасида.

Не савдони кўрмаган боши,  
Кўзларида зангори осмон.  
Қипригида тўлқинлар ёши,  
Тошларида асрлик достон.

Қирғоғида Бобир излари,  
Айрилиқнинг кўзидаги гард.  
Тўлқинида шоир сўзлари,  
Ҳижрон каби давосиз бир дард.

Тож Маҳалга бир умр бедор  
Алла айтар бу мушфиқ она.  
Бешигини тебратиб хумор,  
Мангуликка бўлур парвона.

Лаъл қалъага термулиб нигор  
Деҳли бошин силар жафокаш.  
Боғлар аро кашф этиб баҳор,  
Водийларга аста қўяр бош.

Не кунларни кўрмади Жамна,  
Сувин ичди дўст ҳам, душман ҳам.  
Ҳиндга кимлар қилмади ҳамла,  
Кимларга Ҳинд бермади илҳом.

Инглизлардан юраги вайрон  
Бўлиб Жамна тошди қирғоққа.  
Боғларини айлашиб пайхон  
Булбуларин солди қийноққа.

Ҳаммасига гувоҳ шу дарё,  
Юрагида сўнгсиз бир армон.  
Яралгандан буён шу дунё  
Фарзандлари бошида посбон.

Боши узра кулдию иқбол,  
Бахт ва толе ёр бўлди унга.  
Қучоқ очиб нурли истиқбол,  
Мамнун боқди бахтиёр кунга.

Жамна оқар, оқади мангу  
Ҳинд мулкига бахш этиб ҳаёт.  
Шундоқ қилиб уни беуйқу  
Яратибди она табиат.

29. 10. 70.



## МАРМАРГА УИИЛГАН ДОСТОН

\*

Қошимда — мармардан буюк кошона,  
Кўзимни сеҳрлаб, ақлим этди лол.  
Қуёшга бош тутмиш мағрур, шоҳона,  
Оппоқ сийнасини ўпгандай иқбол.

Мағрур боқишида мунгли бир ўкинч  
Мармар тошлар ичра пинҳондир ҳамон.  
Мумтоз Султонбегим бунда ётар тинч,  
Аврагзеб зулмидан нотинч шоҳ Жаҳон.

Асрлар нидосин тинглар Тож Маҳал,  
Пойнга бош урар Жамна шовуллаб.  
Қуёш унга ҳар кун бергали сайқал,  
Тонг билан ишқида ёнар ловуллаб.

Мумтозбегим руҳин қилмоқ учун шод,  
Бу санъат гултожин қурдирди Жаҳон.  
Севгисига содиқ қолиб умрбод,  
Фурбат қалъасида у бўлди хазон.

Шоҳ Жаҳон бўлсин деб умридан ризо  
Тож Маҳалга қўйди халойиқ уни,  
Ҳиндистонни сўраб турган бу сиймо  
Кўролмасдан кетди эзгулик кунни.

Сўл қирғоқда — қора мрамор пойдевор.  
Шоҳ Жаҳон қисмати янглиғ қорадир.  
Мунғайиб, Жамнага термулар бедор,  
Аврагзеб дастидан бағри порадир.

Унинг ўксик бошин силаб не аср  
Тож Маҳал қошида бўлар парвона.  
Агра кўкси узра кулган бу қаср  
Дунёда тенги йўқ мумтоз, ягона.

Кўрганим санъатми ва ёки рўё,  
Бу не ўзи? Сўйла, она табиат?  
Сеҳрми, алдоқми бу, кекса дунё  
Ё бир тилсимотми? Ё қасри жаннат?

Наҳотки, зулматда яшаган инсон,  
Ақлу заковати буюк шу қадар.  
Сўйла, эй она-Ер, сўйла, эй осмон,  
Наҳотки, эш бўлса ақл ва ханжар?

Ханжар тигли бўлса, ақл эрур паст,  
Ақл ўткир бўлса, ханжар ҳам тигсиз.  
Ақлу ханжар қачон бўлгану пайваст,  
Бир қалбдан қай маҳал туғилган эгиз?

Ақл устун келган кунни ханжардан  
Қалбга ҳоким бўлди Севги худоси.  
Ишқ деб садо чиқди кумуш мрамардан,  
Қуёшдан нур эмди вафо дунёси.

Дунё бини бўлиб, шу кунга қадар  
Ким бермиш муҳаббат рамзига сайқал.  
Ишқига бўлса-да содиқ, вафодор,  
Ким қўйган ёрининг шаънига ҳайкал?

Бу кекса дунёнинг кўрки мисоли  
Тож Маҳал — севгидай пок ва дурдона.  
Севгидай йўқ асло унинг тимсоли,  
Тож Маҳал — севгидай эрур ягона.

Севги ҳар бир қалбга бўлгандай меҳмон,  
Ҳар юракни асир айлар Тож Маҳал,  
Тож Маҳал — мрамарга ўйилган дoston  
Ва севги мулкига қўйилган ҳайкал.

Агра.  
30. 10. 70.

## СУРАИЕ ЮЛДУЗИГА

\*

Эй, Агра осмонининг

дилафруз маликаси,

Киприкларим йўлингда

кўприк бўлди бу кеча.

Қаҳқашон чаманида

юлдузларнинг эркаси,

Сенга кўз нурим элтган

киприк бўлди бу кеча.

Бу кеча тонгга қаҳар

сенга термулдим бедор,

Дардимни ашъор қилиб,

ёлғиз сенга сўзладим.

Бир қиё боқишингга

тунлар бўлиб интизор,

Сенинг йўлингда қолди

менинг бедор кўзларим,

Ер билан осмон аро

бўз тўрғайдай бўзласам

Кўнглимнинг оҳ-ноласи

етгайми қулоғингга.

Ҳиндистон боғларидан

сенга бир гул узмасам

Субҳидамда не қилай

бош қўймай оёғингга.

Сен мөндан юксакдасан,  
                  мен сендан қуйидаман.  
Қўлларимни чўзсам ҳам  
                  етмайди кокилингга.  
Сен менга бепарвосан,  
                  мен сенинг кўйингдаман,  
Ошиқ бўлиб қалбимни  
                  берай дейман қўлингга.  
Орамизда на тоғ бор,  
                  на дарё-ю на ўрмон,  
Лекин ракета учса  
                  толиққудек масофа.  
Кўз илғамас маскандан  
                  сен боқурсан нигорон.  
Бечора ошиқ ҳолин  
                  қилган каби томоша.  
Эй, Сурайё юлдузи,  
                  тушсанг-чи қуйироққа.  
Бугун ўзга диёрда  
                  айлайлик сайри висол.  
Менинг Сурайё деган  
                  ёрим қолган йироқда.  
У гўзал жамолингдан  
                  ҳуснига олган тимсол.  
Бугун мен ҳам Бобирдек  
                  айрилиқнинг домида,  
Еру диёр висолин  
                  кўролмайн доғдаман.  
Севгига сажда қилиб  
                  садоқат меҳробида,

Жамнанинг қирғоғида  
бир кунлик қўноқдаман.  
Еримнинг дийдорини  
кўрай десам бу кеча,  
Орамизда Ҳиндиқуш  
осмон ўпиб ётибди.  
Бобирни Шайбонийхон  
кутса қилич тутганча,  
Мени эса дўстларим  
зор-зор кутиб ётибди.  
Масканингни тарк этиш  
сенга душвор бўлса гар,  
Мен ҳам еримни ташлаб,  
боралмайман ёнингга.  
Тошкент деган шаҳарда  
ёрим менга интизор,  
Бу кеча соғинчимни  
етказ ўшал жонимга.  
Балки, ул ҳам мен каби  
сенга термулиб бедор,  
Кўнгил розини айтур  
етказгил деб ёримга.  
Юлдузгинам, бизларни  
мунча қилмай интизор.  
Бу кеча тўйиб боққил  
кўзлари хуморимга.  
Ҳижрон тоғидан ошиб,  
қайтарман эрта-индин.  
Висол бодасин сенга  
ёрим билан тутурман.

Жажжи фарзандларимни  
бағримга босиб мамнун.  
Ерим билан сени мен  
тонг отгунча кутурман.  
Эй, Сурайё юлдузи,  
битта илтимос сендан,  
Бу кеча ёдлаб олгин  
мен айтган каломимни.  
Жонажон диёримга  
қўшиқ элтгину мендан,  
Бу кеча айтиб қўйгин  
ёримга саломимни.

Агра.  
31. X. 70.



## БОҒИ ОРОМ<sup>1</sup>

✱

Сайри дилкушодан қайтардим мамнун  
Баҳримни ёзарди Жамна шамоли.  
Ногаҳон ўзига қилди-ю мафтун,  
Хаёлимни тортди бир боғ жамоли.

Дарахтлар қирғоққа ташлашиб соя,  
Майдек сипқорарди қуёш ёғдусин.  
Жамна тўлқинидап тинглаб ҳикоя,  
Ғазалга соларди кўнгил туйғусин.

Мармардан қилинган нилуфар — фонтан  
Гулзор чиройига бахш этар оро.  
Кўм-кўк либос кийиб мунғайган банян,  
Интиқар, отилса дея фаввора.

Посбон ҳужралари бўм-бўш ва холи,  
Боғнинг атрофида қизғиш деворлар.  
Бугун сўнган боғнинг файзу камоли,  
Мармар шийпонлардан сўнган виқорлар.

Ҳеч кимса кўринмас Баҳридорида<sup>2</sup>,  
Тахти Тоусла<sup>3</sup> ҳам сукут ҳукмрон.

1 Бобир Мирзонинг боғи.

2 Мушоира шийғони.

3 Бобир Мирзонинг оқ мармар қорпоеси.



Бир вақтлар бу боғда, ҳинд диёрида  
Ғазал тинглагандир Ҳумоюн, Комрон.

Бобир ғазаллари кабутар мисол  
Шу боғдан чарх урган Хуросон сари.  
Ҳинду афғон уни тинглаган хушҳол,  
Боғи Ором ичра Маъсума пари.

Мушоира қилиб аҳли шуаро  
Ҳинд мулкин тавсифин олган қаламга.  
Ғазал билан бериб дилларга оро,  
Ҳинд мулкин довруғин ёйган оламга.

Бобир Мирзо эса кезиб боғ аро  
Ҳижрон дардларига излаган даво.  
Фарғона васлини қўмсаб бечора,  
Дардини Ҷамнага сўйлаган, аммо...

Асрларни бошдан кечирган бу боғ,  
Бугун ҳинд мулкида энг азиз ёдгор,  
Ҳамон боши узра порлайди чароғ,  
Ҳамон боғда Бобир хотираси бор.

Бобир Мирзо қабрин излари унда,  
Боғ аро кезади шоир нафаси.  
Ҷамна қирғоғини ўпган тўлқинда,  
Қалбимга урилар Бобирнинг саси.

Боғи Оромни мен қилиб зиёрат,  
Бир лаҳза шод этдим шоир руҳини.

Дилбар ғазалларин бир-бир этиб ёд,  
Англадим ҳижронда чеккан оҳини.

Шоир изларини суртиб кўзимга,  
Оромим йўқолди Боғи Оромда,  
Таскин бериб дилга, дедим ўзимга:  
— Юртингдан азиз ер йўқдир оламда!



## УЛИК ШАҲАР

\*

(Баллада)

Шуми қисмат, оқибат сенга,  
Қайга кетди тахту салтанат?  
Чироғингни ўчирди нега,  
Мозийдаги улуг мамлакат?

Сенга ахир мрамар пойдевор  
Қўйганди-ку, Акбар беармон.  
Ўн олти йил этиб жон нисор,  
Тикилганди сенга Ҳиндистон.

Бир йил даврон сурдингу хуллас,  
Сени мангу тарк айлади бахт.  
Шоҳга қанча бўлма муқаддас,  
Кўчирилди Лаҳорга пойтахт.

Недир ахир ўзи гуноҳинг,  
Е толеинг эдими қаро?  
Йўқ эдими бошда паноҳинг,  
Нечун қолдинг икки йўл аро?

Йўқ, толеинг эмасди қаро,  
Қулган эди иқбол юлдузинг.  
Ўғил ато қилиб Акбарга  
Толеингдан шод эдинг ўзинг.

Жаҳонгирнинг шаънига Акбар  
Бунёд қилди сени мрамрдан.  
Бошинг узра тўкди сийму зар,  
Кам бўлма, деб ҳеч бир шаҳардан.

Ҳатто мрамр деворингга ҳам  
Нақш этилди ўғлин сурати.  
Севинчига тор келиб олам,  
Олтин билан ёзилди оти.

Бугун эса қалбинг вайрона,  
Оғушингда мангу сукунат.  
Не сайёҳлар бўлиб парвона,  
Тарихингги тинглашар фақат.

Ун олти йил чумоли мисол  
Тош ташиди сенга не филлар,  
Ун олти йил сен учун беҳол  
Тош тарошлаб берди не қўллар.

Ун олти йил шўрлик халойиқ  
Қирчанғидай тер тўкди сенда.  
Ун олти йил — лаҳза тиним йўқ,  
Меъмор кўздан нур тўкди сенда

Ун олти йил чекилган заҳмат  
Кули кўкка соврилди нечун?  
Бир йил ҳукм сурган айш-ишрат  
Қилдими ё толенг нигун?

Нигун бўлса толенг агар  
Сенда зафар қучмасди Бобир.

Тиз чўкмасди қошингда Акбар,  
Туғилмасди сенда Жаҳонгир.

Ундоқ бўлса, гуноҳинг нима,  
Ҳувиллайсан кимсасиз нечун?  
Табиатдан қилгандай гина,  
Нега менга боқасан беун?

Хазинасин сочиб ҳавога,  
Етмадими қадрингга Акбар?  
Шаҳаншоҳни солиб гавғога,  
Ким кўтарди бошингда ханжар?

Пирини<sup>1</sup> дафн этмасди, Сикри<sup>2</sup>  
Етмаганда қадрингга агар,  
Сенга ханжар кўтарарди ким  
Ҳиндни сўраб турганда Акбар.

Сенда сира йўқ эди гуноҳ,  
Йироқ эдинг Жамнадан лекин.  
Инсонларга бўлиб бир паноҳ,  
Тирикчилик қилардинг ҳар кун.

Бино бўлиб, баланд тепадан  
Водийларга боқардинг уйгоқ.  
Эзгу кунлар кўриб, дунёдан  
Мамнун эдинг, шод эдинг, бироқ.

---

1 Салим Чештий — Акбаршоҳнинг пири.

2 Фотеҳпур Сикри — Аградан 20 чақирим жанубдаги вайрона шаҳар.

Чанқоқликдан лабларинг қақраб,  
Қуриб қолди ҳавзи мусамман.  
Фавворалар тинди, зор қақшаб,  
Ҳазон бўлди анвои чаман.

Сени сувга этмоққа сероб  
Топилмади ҳеч қандай имкон,  
Акбаршоҳни алдади сароб,  
Қилмишидан бўлди пушаймон.

Азиз бўлма унга нақадар  
Кетди сени ноилож ташлаб.  
Сигингали пирига Акбар  
Келиб турди кўзларин ёшлаб.

Тўрт юз йилдир, бир ҳовуч сувга  
Юзларингни юволмай доғсан,  
Бошинг қўйиб мангу уйқуга  
Қоядаги сўнган чароғсан.

Табиатдан кутгандай эҳсон,  
Ёлворасан қуёшга гўё.  
Мозийдаги шуҳратинг ҳамон  
Кўзларингга сочмоқда зиё.

Ўша зиё порласин абад,  
Ёғду сочсин истиқболга ҳам.  
Сенда сувсиз сўнса ҳам ҳаёт,  
Остонанга бош қўяр одам.

1970.

## АРАБИЯ ДЕНГИЗИГА

\*

Салом денгиз, эй мовий диёр!  
Эй, тўлқинли сўнгсиз мамлакат!  
Сенга эди кўнглим интизор,  
Бугун етдим васлингга фақат!

Сени истаб, сени сўроқлаб,  
Ҳиндиқушдан ошиб келдим мен.  
Сенинг меҳринг дилда ардоқлаб,  
Зарафшондай тошиб келдим мен.

Самарқанднинг гўзал боғлари  
Сенга мени кузатиб қолди.  
Тиёншону Помир тоғлари  
Гулларини узатиб қолди.

Ўзбекистон деган диёрдан  
Сенга бугун келтирдим салом.  
Васлинг кўриб, чиқдим хумордан,  
Менга бердинг бир дунё илҳом.

Бошини қўйиб пойимга маним  
Оғушига олди тўлқинлар.  
Уфқларни қучган елканям,  
Қўшиқ айтиб қолди тўлқинлар.

Гаввос бўлиб сенинг қаърингдан  
Марваридлар изладим шодмон.  
Кўз илғамас, сўнгсиз бағрингдан  
Бугун мен ҳам тополдим макон.

Тўлқинларинг тулпор сингари  
Олиб кетди мени йироққа.  
Элифанта ороли сари  
Суза-суза етдим қирғоққа.

Яна қанча ороллар мағрур  
Боқиб турар тўлқинларингга.  
Қўшиғингни тинглашар масрур  
Шайдо бўлиб оқ тунларингга.

Сенда бир кун қилдимۇ сайр  
Кўнглимда ҳеч қолмади ғубор.  
Кўришгунча яхши қол, хайр,  
Арабия, эй мовий диёр!

1970.

\*



## ВАТАН ҲАЖРИДА



(Хориждаги ўзбек йигитига)

\*

Хаёлида яшар бир жаннат диёр  
Ҳиндиқушдек юксак тоғлар сўнгиди.  
Шу диёр қалбида қўзғар ифтихор,  
Жамоли жонланар кўзи ўнгиди.

Тушларига кириб чиқар кечаси,  
Номи такрорланар тилида минг бор.  
Отаси туғилган шаҳар кўчаси  
Уни оғушига чорлайди хумор.

«Минг бир кеча»даги Боғи Эрамдай  
Шу диёр банд этган мурғак онгини.  
Қалби милт-милт ёнар тунлари шамдай,  
Умидвор кутади висол тонгини.

Шу диёр дийдорин кўриб кинодан  
Қанот боғлаб, унинг келар учгуси.  
Бир қултум сув ичиб Сирдек дарёдан,  
Она тупроғини келар қучгуси.

Тонг отгунга қадар китоб варақлаб,  
Ўзбек қомусини дилга этар жо.  
Она юрт меҳрини қалбда ардоқлаб,  
Жамолин кўрмакка интизор аммо.

Бир қисим тупроғин асраб тумордай,  
Нигорон кўзига этар тўтиё.  
Гўё отасидан гинаси бордай,  
Дарз кетган кўнглига излар мўмиё.

Ун саккиз баҳорни кўрган навқирон  
Қошимда турибди мунғайиб, маъюс.  
Дилда ҳижрон дарди кўтарар сурон,  
Давосин тополмай ғам чекар, афсус.

Бу йигит хорижда келган дунёга,  
Кўз очиб кўролган ўзга тупроқни.  
Бир ниҳол сингари етгач вояга,  
Англади бошига тушган фироқни.

Инқилобдан чўчиб Афғону Эрон  
Даштида отаси кезган дарбадар.  
Ҳеч қайдан ўзига топмаган макон,  
Санқиб Истамбулдан Байрутга қадар.

Отаси ҳам ўтиб кетмиш оламдан,  
Энди азобдадир ўғли бечора.  
Юрагини эзган дарду аламдан  
Чўп бўлиб, дардига излайди чора.

Мунғайиб, тинглайди ҳикоямни жим,  
Кўксига сиғмасдан талпинар қалби.  
Кўзига ёш олиб, энтикар маъсум,  
Сўзлайман дейди-ю, қалтирар лаби.

Битирган бўлса ҳам коллежни гарчанд  
Иш тополмай гаранг шўрликнинг боши,  
Хор-зорлик умрига гашлаган каманд,  
Юрагида эса айрилиқ тоши.

Бу тошни мўм каби эритмоқ учун  
Қалбингда қуёшнинг ёнмоғи керак.  
Бошингдан ғам қушин аритмоқ учун  
Керакдир тоғ каби бардошли юрак.

Хаёлин чулгаган ул жаннат диёр,  
Довруғи дostonдир жаҳонга бугун.  
Унда кезиб юрар мангу бир баҳор,  
Одамлар умридан, бахтидан мамнун.

Осмон ўпар тоғдан учиб ўтгали  
Укажон, толиқмас қанот керакдир.  
Иқбол қуёшидан ёғду кутгали  
Покиза юрагу сабот керакдир.

Сен ҳали кўрмасдан юртинг жамолин  
Унинг ёди билан тунлар бедорсан,  
Ўзга бир диёрда тилаб камолин  
Тиз чўкиб, тупроғин ўпишга зорсан.

Лекни унутмабсан она тилингни,  
Ватан меҳри билан яшайсан ҳамон.  
Шу меҳр ёритар сенинг йўлингни,  
Шу меҳр висолга чорлар бегумон.

Висол тонги отиб, мисоли қуёш  
Жамолин кўрсатар сенга ҳур диёр.  
Ушанда таъзим-ла аста эғиб бош  
Кўришарсан она юрт билан дийдор.

Тўйиб-тўйиб йиғла ўшайда, укам,  
Дилингда қолмасин заррача ҳам доғ.  
Висол ёшларидан кўкарсин кўклам,  
Бешингда порлагай Бахт ёққан чироқ!

Бомбай.  
2. 11. 70.

## ЭЛИФАНТА

\*

Элифанта, эй, сўлим орол,  
Эй, денгизнинг эрка дилбари!  
Мени бир дам қучоғингга ол,  
Зилол сувга чўмилган пари!

Қокилларинг занжирин, майли,  
Банд этгали солгин бўйнимга.  
Эй, Мажнунин излаган Лайли,  
Тушиб қолдим сенинг кўйингга.

Соҳилингда турибман дардқаш,  
Оёғингга уриб бошимни.  
Нега парво қилмай, париваш,  
Оқизасан кўздан ёшимни.

Шамол ўйнаб қора зулфингни,  
Мушки анбар мени этар маст.  
Аста очиб кўнгил қулфингни  
Дилни дилга этасан пайваст.

Икки юзу тўқсон зинадан  
Тоғ бошига чорлайсан мани.  
Қўлларингга қўйган хинадан  
Топиларми, қайда чамани?

Банян билан Ним соясида  
Ошиқларга қурибсан маскан.  
Тош одамлар ҳикоясида  
Кўз ёшими кўли мусамман.

Элифанта, эй, қадим орол,  
Тош асрининг танҳо гувоҳи.  
Гўзаллик худосин эҳтимол  
Тушганмикан сенга нигоҳи.

Сени кўриб ақлим бўлди лол,  
Кўзларимга ишонмай қолдим.  
Учиб кетди бошимдан хаёл,  
Чиройингдан маст бўлди қалбим.

Элифанта, эй, сўлим орол,  
Эй, денгизнинг эрка дилбари!  
Соғинганда мени ёдга ол,  
Зилол сувга чўмилган пари!

1970.



## ШАМОЛ ҚАСРИ

\*

Рожистонда Шамол қасри бор,  
Бино бўлган қирмизи тошдан.  
Қўкни ўпиб турар пурвиқор  
Ёғду эмиб олтин қуёшдан.

Океанга чўмилиб қуёш  
Чўкканида дилафрўз оқшом,  
Шамол билан бўлиб суҳбатдош  
Ой нурида товланар эҳром.

Меҳмон бўлиб шамол бекаси  
Қаср ичра кезар хиромон.  
Океаннинг шўх маликаси  
Оғушида ором топар жон.

Ҳар ким севгим пок бўлсин дея  
Шамол қасрин этур зиёрат.  
Ошиқлардан тинглаб ҳикоя  
Қилмас экан ёрга хиёнат!

20. II. 71.

## БОМБАЙ

\*

Етти орол кифтида  
                    хаёл суради Бомбай,  
Етти оролдан тинглаб  
                    етти ажиб ривоят.  
Арабия денгизи  
                    шаробга тўла жомдай,  
Бомбайни сархуш айлаб,  
                    тинглар ундан ҳикоят.  
Бомбайнинг ҳикояти  
                    Алиф Лайлодай узун,  
Сўйласа адо бўлмас  
                    ҳатто минг бир кечада.  
Етти оролга боқиб,  
                    тунлари бўлиб маҳзун,  
Бомбайнинг дарди оқар  
                    дарё бўлиб кўчада.  
Утмишини ўйласа,  
                    жигар-бағри хун бўлиб,  
Мустамлака зулмидан  
                    қадди долдай эгилар.  
Саодатли кунлари  
                    гўё бирдан тун бўлиб.  
Жовдираган кўзидан  
                    алам ёши тўкилар.



Келажагин ўйласа,  
қаддин тутиб мисли ғоз,  
Арабия уфқидан  
мамнун кутар қуёшни.  
Истиқбол манзилига  
бургутдай қилар парвоз,  
Тараққиёт отида  
баланд кўтариб бошни.  
Инглизларнинг зулмини  
саксон йилча муқаддам  
Бомбайда кўрган эди  
Фурқат ҳижрон домида.  
Боғи муаллақ аро  
сайр айлаб субҳидам,  
Мен бўлдим озод халқнинг  
иззату икромиди,  
Советлар диёрининг  
меҳрин дилда жо айлаб,  
Буюк Ганди уйини  
зиёрат этдим бугун.  
Толстойнинг Гандига  
ёзган хатин авайлаб,  
Кўзга суртиб ўқидим,  
дўстлардан бўлиб мамнун.  
Мақсуд Шайхзода кезган  
Элифанта бағридан  
Пиримқул Қодир ўғли  
ўйчан боқди денгизга.  
Наср уммони янглиф  
Арабия қаъридан

Оёғига бош уриб,  
                  тўлқинлар кирди сўзга.  
Тўлқинлар розин тинглаб  
                  афсонавий Бомбайни  
Етти оролда ётган  
                  гўзалга қилдим қиёс.  
Арабия остида  
                  чилпарчин бўлган ойни  
Сув парисин кўзгуси  
                  деганлари балки, рост.  
Етти орол кифтида  
                  хаёл суради Бомбай,  
Етти оролдан тинглаб  
                  етти ажиб ривоят.  
Арабия денгизи  
                  шаробга тўла жомдай,  
Бомбайни сархуш айлаб,  
                  тинглар ундан ҳикоят!

27. II, 71.



## БЕНГАЛИЯ

\*

Бенгал тили янглиг нафис ва гўзал  
Оппоқ нилуфардай, эй, латиф диёр!  
Тагордан васфингни ўқигач тугал,  
Ҳуснингни кўрмоққа бўлдим интизор.

Эртакда — тенги йўқ Боғи Эрамдай,  
Хаёлим ўғирлаб олдинг дафъатан.  
Тагор қалби сенда милтиллаб шамдай,  
Қўйнингга чорлади, эй, сўлим ватан.

Бир қултум ичдиму висол жомидан,  
Узимни унутдим Ганг қирғоғида,  
Шеърят диёрин эҳтиромидан  
Қалбим парвонадир ишқ чироғига,

Дарё мавжларига боқиб беармон,  
Тўлқинлар куйини тингладим ёниб.  
Олма гулларидай бўлиб наформон,  
Соҳилларда боғлар ётар товланиб

Сув бетига қўнган капалак мисол  
Нилуфар чамани жилмаяр балқиб.  
Қумуш баргларида сузади хаёл,  
Қалб эса завқидан кетади қалқиб.

Еру кўкни чулғаб сеҳрли оҳанг,  
Боғлардан таралар ҳинд мусиқаси.  
Муסיқа авжига жўр бўлгандай Ганг,  
Дилни сархуш айлар тўлқинлар саси.

Товусдай товланиб майсазор аро  
Чарх уриб, раққоса ўйнар хиромон,  
Муסיқа авжига чиқар тобора,  
Жон олар рақсидан ором топар жон.

Хиёбон саҳнига тушганда салқин,  
Шеър янграйди бенгал талаффузида.  
Шоирлар кўзида порлайди ёлқин,  
Тинчлик ва адолат ҳар бир сўзида.

Юртинг санъатига кийдирган гултож,  
Сенми афсонавий жаннат диёри!  
Наҳотки, қалбингда шунча эҳтирос,  
Ё Гангдан олдингми қўшиқ, ашъорни!

Тагор бешигини тебратиб шодмон,  
Гангнинг қудратини бердингми унга?  
Ё ўксик қалбингда кўпмиди армон,  
Тушунтир, изоҳ эт, сўйлагин менга?

Сени кўрганимдан шодман нақадар,  
Кўнглим эриб кетди нафис тилингдан.  
Бошингдан сочмасам ҳамки олтин, зар,  
Кел, ўшай, тиз чўкиб сенинг қўлингдан.

## КАЛЬКУТТА ЧИРОҚЛАРИ

\*

Сўнгсиз осмон ёғду қилгандай нисор,  
Калькуттага сочмиш миллионлаб юлдуз.  
Чироқлар қўйнида қолган бу шаҳар  
Бу кеча мен билан турар юзма-юз.

Кўзим қамаштирар минг турли ранглар,  
Афиша бозори чиққан авжига.  
Хаёлим чулғайди мунгли оҳанглар,  
Энтикиб боқаман нурлар мавжига.

Енгил машиналар тошқин дарёси  
Жар солиб, тун бўйи оқар бетиним.  
Тунги ишратхона ҳазин садоси  
Раққоса қалбини айлайди тилим.

Бир шаҳар бўлинган икки дунёга,  
Иккига бўлинган бир юрак гўё.  
Бири кўз тикади сароб, рўёга,  
Бирисин қўлида ўйинчоқ дунё.

Бир кўча чароғон, бири қоронғу,  
Бирида севишчу бирисида ғам.  
Бирида май ичар, бирида оғу,  
Бирида тўй бўлса, бирида мотам.

Ҳашамдор уйларда яшайди бири,  
Бири расталарда ётар яланғоч.  
Бирисин ишратда ўтади умри,  
Бириси «бахшиш» деб санқир, қорни оч.

Қўрмасам бўларди бу манзарани,  
Ҳаёт нималигини англадим бугун.  
Ким хурсанд қилар, деб бир бечорани  
Қалбимдан қон сирқиб, эзилди бу тун.

Чироқлар парпираб ёнмоқда ҳамон,  
Ҳамон давом этар икки хил ҳаёт.  
Менинг қалбим эса кўтарар исён,  
Иккига бўлинса бир шаҳар, наҳот?!

Миллионлаб чироқлар ёнса ҳам лекин  
Зулмат гирдобиди ҳали бу шаҳар.  
Калькутта қўйнида толеи нигун —  
Қамбағал қалбига ҳам санчар ханжар.

Калькутта.  
1970.





## КАЛЬКУТТАДА ЛЕНИН ҲАЙКАЛИ



(Баллада)

I

Тагор бешигини тебратган шаҳар  
Бешикдай чайқалар ҳаяжонидан.  
Бўйнида ранго-ранг шокила чамбар —  
Саодат тухфаси Ҳиндистонидан.

Саодат тухфаси Ҳиндистонидан,  
Бу бахтга қай шаҳар бўлмиш мушарраф.  
Олти юз қирқ миллион эл эҳсонидан  
Пойига бош урар уммони шараф.

Пойига бош урар уммони шараф,  
Сўзлашиб, тўлқинлар анжуманидан.  
Унга қулоқ тутиб бутун Шарқ тараф  
Шаънига сўз излар «Рамаяна»дан.

Шаънига сўз излар «Рамаяна»дан<sup>1</sup>,  
«Махабхарата»ни<sup>2</sup> варақлар бедор.  
Чанқоғин қондириб Гангу Жамнадан  
Ленин ҳузурига ошиқар хумор.

Ленин ҳузурига ошиқар хумор,  
Гоҳ яёв, гоҳ учиб Ҳинд осмонидан.

---

1 2 Ҳинд халқ эпослари.



Деҳлию Бокаро, Бомбаю Жайпур,  
Панжобу Мадорас, Рожистонидан.

Панжобу Мадорас, Рожистонидан,  
Отланган кимсалар карвони сўнгсиэ.  
Бир байтдан ёд олиб эрк достонидан,  
Калькуттага елар кечаю кундуэ.

Калькуттага елар кечаю кундуэ,  
Доҳий мадҳин тинглаб сухандонидан.  
Шодликдан қалбида мавж урса денгиз,  
Ғаввосдек дур излар дил уммонидан.

Ғаввосдек дур излари дил уммонидан,  
Ҳашамдор филларда елиб соллона.  
Мушоира қилиб ҳинд девонидан  
Чимзор майдонларда қурар чордона,

Чимзор майдонларда қурар чордона,  
Кўзлари чақнайди дил армонидан.  
Яна отланади йўлга мардона,  
Нажот сўрагандай эрк сарбонидан.

Нажот сўрагандай эрк сарбонидан,  
Калькуттага оқар миллионлаб одам.  
Чеҳраси ёришиб қалб туғёнидан  
Ленин кўчасига қўяди қадам.

Ленин кўчасига қўяди қадам  
Гул териб мулки Ҳинд боғ-бўстонидан.

Тилсимин очгандай сеҳрли олам,  
Поёндоз солади бахт ошённдан.

Поёндоз солади бахт ошённдан,  
Энг буюк инсоннинг қошига чорлаб.  
Кўчанинг муқаддас хиёбонидан  
Бир ҳайкал кўринар қуёшдек порлаб.

## II

Севинч ёшларидан киприклари нам  
Интизор кўзларда порлайди ёғду.  
Қуёш васлин кўриб, сўнгандай шабнам,  
Қалбларни тарк этар асрлик қайғу.

Қалбларни тарк этар асрлик қайғу,  
Тонг отар уфқидай ёришар юзлар.  
Умид тулпорига босганча қамчи  
Қуёшдек порлаган ҳайкални кўзлар.

Қуёшдек порлаган ҳайкални кўзлар  
Саодат насимин эпкинидан маст.  
Дийдорин кўрмакка бўтадай бўзлар,  
Орзую армони жон ила пайваст.

Орзую армони жон ила пайваст,  
Халойиқ кўчага сиғмасдан оқур.  
Энг буюк Инсон-ла бўлгани ҳамдаст  
Доҳий ҳайкалидан кўз узмай боқур,

Доҳий ҳайкалидан кўз узмай боқур,  
Фикрлар онгида қилур инқилоб.  
Ғоялар кураши бир гулхан ёқур,  
Қалбига нур сочур иқболбахш офтоб.

Қалбига нур сочур иқболбахш офтоб.  
Умр иморатин айлаб чарогон.  
Қисмат китобидан очиб янги боб,  
Мангулик эркига келтирар имон.

Мангулик эркига келтирар имон,  
Нажотбахш қўлини узатиб Ленин.  
Жилмайиб қўяди тирикдай бу он,  
Халойиқ уммонин кузатиб Ленин.

Халойиқ уммонин кузатиб Ленин.  
Ҳиндистон уфқига боқур беармон.  
Ойдин йўл бошида мулки Ҳинд бугун,  
Сафари бехатар бўлур бегумон.

Сафари бехатар бўлур бегумон,  
Чунки содиқ дўсти — йўлдоши бордир.  
Барча мушкулини қилгувчи осон  
Советлар халқидай қардоши бордир.

Советлар халқидай қардоши бордир,  
Кўкси тоғ, кўнгли боғ бугун Ҳиндистон.  
Ленин йўли унга зўр бир шиордир,  
Изидан қайтмагай мисли арслон.

### III

Дарёга ўшайди Ленин кўчаси,  
Тўлқиндай мавж уриб оқар халойиқ.  
Бу дарё тўхтамас ҳатто кечаси,  
Кундуз эса унинг чек-поёни йўқ.

Кундуз эса унинг чек-поёни йўқ,  
Кўлларда шнорлар қалқир елкандай.  
Дарёни чулғаса жанговар қўшиқ,  
Кўзимга кўринар яна улкандай.

Кўзимга кўринар яна улкандай  
Мармар супадаги доҳий ҳайкали.  
Жаҳон минбарида сўзлаб тургандай,  
Мангулик умрнинг боқий ҳайкали.

Мангулик умрнинг боқий ҳайкали  
Меҳмони аъзамдай Шарқ сийнасида.  
Ҳиндистон халқига недир айтгали  
Камоли эҳтиром ўт сиймосида.

Камоли эҳтиром ўт сиймосида,  
Пойнда товланар анвойи гуллар.  
Мулки Ҳинд бормикан насибасида,  
Унга таъзим этар филқудрат эллар.

Унга таъзим этар филқудрат эллар.  
Порлоқ тонг отди деб Янги Деҳлидан.

Гўёки шу ерда бирлашиб йўллар  
Ленин билан Неру учрашди руҳан,

Ленин билан Неру учрашди руҳан,  
Севинчдан қалқиди қадим Осиё.  
Халос бўлган каби ғаму андуҳдан,  
Нуроний юзида болқиди зиё.

Нуроний юзида болқиди зиё.  
Тун бағрини ёриб, отган каби тонг.  
Ҳайрат бармоғини тишлади дунё,  
Ҳиндистон оламга урганида бонг!

#### IV

Калькуттанинг кўркам хиёбонида  
Унг қўлин улуғвор чўзиб илгари  
Ленин сўзлаётир эл уммонида  
Шарқдан чиқаётган қуёш сингари.

Шарқдан чиқаётган қуёш сингари  
Бу олам уйини қилмиш мунаввар.  
Эркпарвар элларнинг бўлиб сарвари  
Ленин сўзлаётир ғолиб, музаффар.

Ленин сўзлаётир ғолиб, музаффар,  
У дунё дардига нажот излайди.  
Мангу қолмасин деб зулмдан асар  
Жаҳон минбарида Ленин сўзлайди.

Жаҳон минбариди Ленин сўзлайди,  
Аср бошидамас, бугун сўзлайди.  
Бу олам сахнидан ўтса ҳам минг йил,  
Жаҳон минбариди Ленин сўзлайди!

Калькутта — Тошкент.  
1970 — 1973.

## ТАГОР УЙИДА

\*

Ҳамма нарса одмигина, жўн,  
Ҳатто уйнинг жиҳозлари ҳам.  
Хонтахтада қўлёзма беун,  
Соҳибига мунтазир қалам.

Оддийгина шиша сиёҳдон,  
Сукут ичра соат кафгири.  
Китобларга лиқ тўла жавон,  
Сатрларда Тагор кўз нури.

Бу жавонга назм ила наср  
Оддийгина териб қўйилган.  
Мушоира дарёси бир-бир  
Шу даргоҳга келиб қуйилган.

Тагор уйи оддий ва содда,  
Салобати босади лекин.  
Ҳамма нарса жўнгина, аммо  
Тагор тоғдай буюкдир бугун!

Калькутта.  
1970.

## РИҚШАЛАР

\*

Рикшалар мўлтирар Чаурингида,<sup>1</sup>  
Усти боши юпун ва яланг оёқ,  
Дунё қоронғидай кўзи ўнгида,  
Ғамдийда қалбида беаёв қийноқ.

Рикшалар югурар Чаурингида,  
Силласи қуриган қирчанғи каби.  
Ҳолдан тойиб қолиб манзил сўнгида  
Оёғи қалтираб, титрайди лаби.

Рикшалар тентирар Чаурингида,  
Омади келмаган сайёд сингари.  
Биргина йўловчи топиш дардида  
Аравасин қўйиб, елар сарсари.

Рикшалар мудрайди Чаурингида,  
Кўзлари киртайган, тани қоқсуяк.  
Шотига суяниб, раста ёнида,  
Ўткинчи йўлига қўйишар «тузоқ».

Рикшалар изғийди Чаурингида,  
Ўксик кўзларида синовчан назар.

---

<sup>1</sup> Калькуттанинг марказий кўчаларидан бири.



Аравага чорлаб ўнгу сўлингда  
Ювингга термулар мисли гуноҳкор.

Рикшалар дайдийди Чаурингида,  
Эртадан-кечгача билмасдан тиним.  
Аравасин судраб кўча чангида  
Шўрликлар бир лаҳза топмайди кўним.

Рикшалар ҳаммолдек Чаурингида,  
Тиним йўқ ҳаттоки ярим кечаси.  
Кўзлари ўхшайди ғоят мунглига,  
Рикша бозоридир шаҳар кўчаси.

Бир оқшом кездиму Чаурингида,  
Рости гап, бир умр тинчим йўқолди.  
Одамни санамай одам ўрнида  
Юрган кимсаларга ғазабим қолди.

Рикшалар ғамгусор Чаурингида,  
Бу аялч манзара тиглади қалбим.  
Ҳаёт аламини кўриб рангида  
Пегас қанотида йиғлади қалбим.

Тагор сайр этган Чаурингида  
Наҳотки, шунчалик қадрсиз инсон?  
Шунчалик хор-зорми одам умрида.  
Наҳот, чорасизсан мулки Ҳиндистон?

Ҳиндистон, дилафгор Чаурингида  
Мушфиқ она бўлиб кўриндинг менга.

Инглизлар зулмидан ёдгор ўрнида  
Иллат бўлиб қолмиш рикшалар сенга.

Эзгу умид билан Чаурингида  
Арабия уфқига боқяпсан бедор.  
Буюк истиқболнинг ёрқин тонгида  
Саодат қуёши сенга интизор.

Қуёшни қаршилаб Чаурингида  
Барча фарзандингни кўрурсан шодмон.  
Рикшалар гўёки тарих сўнгида  
Эртак бўлиб қолур бир кун, Ҳиндистон.

Калькутта.  
1970.

## ҚУТБ МИНОРДАГИ УЙЛАР

\*

Бошимда — сўнги йўқ мусаффо осмон,  
Ва нилий гумбазда сайр этган қуёш.  
Қошимда — осмондек сўнгсиз Ҳиндистон,  
Ва қуёш қалблилар мен билан сирдош.

Мармар минорадан — бир шеър ишқида  
Ҳиндистон ҳуснига боқиб турибман.  
Гўё меҳмон бўлиб дўстлик кўшикида  
Боғларда хаёлан кезиб юрибман.

Бу мармар минора — илҳом маскани,  
Юз йил бино бўлган юксак иморат.  
Бир соатга меҳмон этди-ю мани,  
Илҳоми — юз йиллик шеърдан иборат.

Юз йил агар тошга гул ўйсам яккаш,  
Юз йил панжа урсам сухан конига,  
Шеъринг мулкида бўлиб бир наққош  
Юз йил ғазал битсам Ҳинд девонига,

Мармар миноранинг нақшу нигоринг  
Кўчирсам шеъримнинг туроқларига.  
Балки шод этардим унинг меъмори,  
Бош эгиб Жамнанинг қирғоқларида,

Уйларим чарх урар мисли кабутар,  
Уфқда жимирлар Ҳинд океани.  
Боғларда анқийди бўйи муаттар,  
Қалбимни забт этган Тагор Ватани.

Юксак минорани тарк этиб гўё  
Кабутар сингари учиб юрибман.  
Мени қутлагандай ёрқин бир дунё,  
Дўстларни дил-дилдан қучиб юрибман.

Бобир кўролмаган даври давронни  
Мен кўрдим дўстликнинг салтанатида.  
Бобир тополмаган дўсту ёронни  
Мен топдим тинчликнинг салтанатида.

Деҳли  
30. 10. 70.

## ҲИНДИСТОН СОНЕТЛАРИ

\*

Яралгандан буён билмасдан уйқу  
Она каби мушфиқ алла айтар Ганг.  
Қалбида — эрк янглиғ олий бир туйғу,  
Тилида — юракни ўртовчи оҳанг.

Қўли етган ерни олтин қилиб у,  
Азиз тупроғига берди турфа ранг.  
Оби ҳаёт бўлиб, таратиб ёғду,  
Саратон қуёш-ла олиб борди жанг.

Юракка ўхшаган ярим оролга  
Қон бериб, жон бериб, шон бериб мангу,  
Умр кемасини тебратолди Ганг.

Ҳинд халқи ёр бўлгач бахту иқболга,  
Бошидан йўқолгач асрлик қайғу,  
Халқин мардлигидан ибрат олди Ганг.

Калькутта.

5. II. 72.

\* \* \*

Бугун дарду ғамдан холи Ҳиндистон,  
Шодлик наҳри тошар бугун қирғоқдан,  
Қуй билан чулғанган замини осмон,  
Бугун қўшиқ янграр она тупроқдан.

Бугун безангандир мулки Ҳиндистон,  
Қўзлар қамашади минг-минг чироқдан.  
Мушаклар нуридан чароғон осмон,  
Бугун эл мамнундир она тупроқдан.

Бугун зарҳал либос кийган қиз-жувон,  
Қўлларда хинаю лаблар узра хол,  
Ишваю ғамзадан ором топмас жон.

Бугун — Дивалидир<sup>1</sup>. Бугун ҳар инсон  
Дивали рақсидан сархушу хушҳол,  
Бугун тонгга қадар бедор Ҳиндистон!

Деҳли.  
29. 10. 70.

---

<sup>1</sup> Д и в а л и — ҳиндларнинг миллий байрами.

\* \* \*

Лаъл қалъа — Деҳлида қутлуғ бир маскан,  
Шарқ мулкида тенгсиз, мумтоз кошона.  
Гарчанд қурдирса-да, уни шоҳ Жаҳон,  
Бу ҳинд санъатидан битта нишона.

Қалъанинг доврӯғи оламга дoston,  
Қошида Фарбу Шарқ доим парвона.  
Меъморлар номини ёдлаб Ҳиндистон,  
Унга зебу зийнат бахш этди яна.

Мустақиллик олган куни бу диёр,  
Лаъл қалъада Неру нутқ сўзлаб наҳор,  
Давлат байроғини тикди қошига.

Шундан буён Лаъл қалъа бошида  
Озодлик байроғи порлаб музаффар,  
Ҳинд халқини бахтга айлар муяссар.

\* \* \*

Ҳиндистон қуёши мисоли тандир,  
Оташ ёғдусига беролмайсан тоб.  
Мен каби сайёҳлар аҳволи тангдир,  
Бошидан ўт пуркаб, «сийласа» офтоб.

Ер билан кўк аро оташин жангдир,  
Юрак қиндан чиқиб, бўлади хуноб.  
Чор атроф саробдай жимжима рангдир,  
Жон эса танинга бир қатра симоб.

Ташналик қалбингга қилганда хитоб,  
Тож Маҳал қошида тиниб кетар кўз,  
(Кўз билан қалбингни, эй сайёҳ, қондир).

Бу санъат тарихи бўлиб бир китоб,  
Меъмори шаънига топмай қолсанг сўз,  
Манго гулоби нақ роҳати жондир.



\* \* \*

Рожистонда филлар ороли бордир,  
Тоғлар қуршаб олган уни ҳар ёндан.  
Ойнақўл қирғоғи сўлим баҳордир.  
Филлар эрк топганмиш ушбу макондан.

Чўққи узра Кўзгу қалъаси хордир,  
У эртак сўйлайди олис замондан.  
Мармар остонаси меҳмонга зордир,  
Сайёҳлар тушгандек гўё осмондан.

Бу ернинг эзгу бир одати бордир,  
Меҳмонни ўтқазиб ҳашамдор филга,  
Қалъа қисматини сўзлайди жондан.

Бугун-чи, менга ҳам шу иқбол ёрдир,  
Филбондан жиловни олдимۇ қўлга,  
Бир қўшиқ тингладим мен Рожистондан.

Жайпур.

\* \* \*

Боғи муаллақда сўлим ҳаводир,  
Ҳавоси — қирқ йиллик дардга даводир,  
Денгиз бўйидаги бу гўзал маскан,  
Бомбайнинг жаннати — мулки маъводир.

Уни сархуш қилган тўлқин — наводир,  
Навоси — ҳар дилга ором, сафодир.  
Боғ сайри завқидан ошифта, мастман,  
Дўстлар тутган шароб — жоми вафодир.

Руҳим тоза этган субҳи сабодир,  
Денгизнинг туҳфаси менга танҳодир,  
Дунёда топилмас бу ноёб чаман.

Денгиз қошида бу — Арши Аълодир,  
Васлига етмаган тамом адодир,  
Адо бўлмай ҳар ким бир қўйсин қадам!

Бомбай.

\* \* \*

Деҳлида — Ҳумоюн мақбараси,  
Сукунат қўйнида унсиз ва бедор,  
Бобирнинг суянган кўз қораси,  
Соҳиби давлатин унда хоки бор.

Ҳамидабегимдан<sup>1</sup> бу сўнгги ёдгор,  
Вафодор маҳбуба дил пораси.  
Асрлар домида бўлса-да, афгор,  
Боғ аро кўз олар манзараси.

Мармарга битилган шажараси  
Тонг ила бошланиб, тугаган шомда,  
Умр лашкарини айлаб тору мор.

Аёл садоқатин айлаб бир шиор,  
Маъюс бир ҳиссиёт қўзғайди жонда,  
Деҳлида — Ҳумоюн мақбараси.

---

<sup>1</sup> Ҳамида Султонбегим — Ҳумоюн Мирзонинг рафиқаси, эри вафотидан сўнг унинг қабрига аргувоний мармардан юксак мақбара қурдирган.

\* \* \*

Бхилайди<sup>1</sup> икки дўст иноқ,  
Эритмоқда пўлатни мойдай,  
Қалблар аро чин дўстлик — чироқ,  
Бахти кулган нақ тўлин ойдаи.

Таржимонсиз сўзлашар қувноқ,  
Завқи тошар баҳорги сойдаи,  
Икки элдан бўлса-да, бироқ,  
Меҳри сархуш этади майдай.

Азиз дўстлар туриб ёнма-ён,  
Бунёд этди улкан корхона,  
Шарқ уфқида тенгсиз, ягона.

Рус билан ҳинд — икки қадрдон,  
Бхилайда ишлаб мардона,  
Бир-бирига эмас бегона.

---

<sup>1</sup> Бхилай металлургия комбинати Совет Иттифоқининг бевосита ёрдам туфайли қурилмоқда.

\* \* \*

Қуёш соатини кашф этган даҳо  
Уни бунёд этмиш оппоқ мрамардан.  
Расад бешигига термулиб само  
Боши узра ёғду сочар наҳордан.

Уч юз йилни бошдан кечирмиш, аммо  
Ҳануз кўрк кетмаган мрамар девордан.  
Зиёрат этгани ошиқар дунё,  
Қуёш илмин ўқир мозий ёдгордан.

Жайпурлик мунажжим эрта саҳардан  
Етти иқлим вақтин ўлчаб ҳар сафар,  
Дунё соатидан бераркан хабар.

Соат милини ҳам қилиб мрамардан,  
Йилнинг фасларин изоҳлаб берар,  
Қуёш соатини кашф этиб илк бор.

14. IX. 72.

## ҚАРОЧИ

\*

Қарочи денгизга бўлиб маҳлиё,  
Хурмозор қўйнида ётар энтикиб.  
Табиат шаънига ўқиб мадҳия  
Денгиз шовиллайди менга кўз тикиб.

Денгиз ғоят ҳадсиз, кўзим илғамас,  
Чайқалиб ётибди бу нотинч диёр.  
Кимнинг қалбин ахир севинч чулғамас,  
Денгиз қўшиқ айтиб, куйласа алёр.

Арабиянинг дилбар қўшигин тинглаб,  
Менга пешвоз чиқди Қарочи бугун.  
Қадрдон қирғоққа аста қўйиб лаб,  
Унинг пойин ўпар ларзакор тўлқин.

Юзларин сийпалаб денгиз шамоли,  
Баҳрини ёзади мусаффо ҳаво.  
Ўн тўрт кунлик ойдай гўзал жамоли,  
Дардчил юракка ҳам бағишлар даво.

Қуёш оташида ҳансираб, ёниб  
Нигорон боқади фараҳли шомга.  
Самодан сочилган ёғдуга қониб,  
Аста бош қўяди салқин оқшомга.

Неон чироқлари парпираб бирдан  
Баҳс бойлар осмоннинг юлдузи билан.  
Қарочи жилмайиб завқу сурурдан  
Денгизга боқади минг кўзи билан.

Қарочи юзида порлайди ёғду,  
Арабияда эса мудрар қаро тун.  
Тўлқинлар шовуллаб ётар беуйқу.  
Қарочи, ором ол, дегандай мэмнун.

Икки дунё унда ҳоким бўлса ҳам  
Денгиз алла айтар онадек бедор.  
Бири — сармоянинг домига қарам,  
Бири — саодатнинг ёғдусига зор.

Бу ҳолдан беҳабар эй, мушфиқ она,  
Қарочи бошида уйғоқсан тунлар.  
Фарзандинг қошида бўлиб парвона  
Дардини қўшиққа солмиш тўлқинлар!

Қарочи.  
4. XI. 70.



## ГУЛ ВА ХАНЖАР



Файз Аҳмад Файзга



Ғазалга минг йиллар мавзу бўлди гул,  
Балки, мавзу бўлар яна минг йиллар.  
Гул васлин кўрганча йиғлади кўнгил,  
Кўнгилдай, ғазални ёд этди тиллар.

Минг йилдир гул билан ҳамоҳанг ғазал,  
Ғазал билан кўнгил — эт билан тирноқ.  
Ғазал мавзуси ишқ — тақдир азал,  
Ва кўнгил мулкига ишқ эрур чироқ.

Сарҳад нималигин билмайди ғазал,  
У ҳатто айирмас инсон ирқини.  
Ишқи бор кўнгилни забт этиб ҳар гал,  
Уз қўлига олган инсон эркини.

Ғаним ҳамла қилса она юртга гар  
Ғилофин тарк айлар ханжар дафъатан.  
Адолат кўкида ярақлаб ханжар,  
Қонхўр душманига бичади кафан.

Ғазалинг эрка зор бўлган кўнгилни,  
Муқаддас Ишқ каби айлади обод.  
Ғаним гулбоғингга чўзганда қўлни,  
Ханжарга айланди ғазалинг, Аҳмад!



## ИҚБОЛ МАҚБАРАСИДА

✱

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,  
Анвон гулчамбар қабри бошида.  
Юзларга маъюслик чўккандай хиёл  
Одамлар бош эгар шоир қошида.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,  
Она-ерни қилиб мангулик макон.  
Қалбларни чулғайди минг турли хаёл,  
Шоирнинг бошида заъфарон девон.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,  
Бу дунё ғами-ю дардидан холи,  
Оташин юрагин ўргамас илҳом,  
Бошида чарх уриб ҳаёт шамоли.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,  
Мангулик сукунат чўккан қабрига.  
Эрка ташна инсон топгандай камол,  
Оёққа қалқиди шеърин зарбига.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,  
Шарқ бўйлаб таралар газали лекин.  
Унга ҳамдард бўлди бахтли истиқбол,  
Шоир эркпарварлар сафида бугун.

Лоҳур  
8. XI 70.

## ШАРҚ АФСОНАСИ



Соҳибжамол қиз турарди қоя устида,  
Йигит унга сўзлар эди қоя пастиди:

«Уйдаи тошни қулат, дединг, тошқин дарёга,  
Қулатгунча бошим тушди не-не савдога.

Севганимга энди тамом ишонсанг керак,  
Менга бошқа оғир шартинг йўқдир, эй малак?»

Қиз йигитга қилиб минг бир нозу карашма,  
Деди: «Тунга қадар ўша тошни тарашла».

Наққош йигит туни билан чекди-ю заҳмат,  
Тонг чоғида қиз олдига боролди фақат:

«Паризодим! Бу шартинг ҳам айладим адо,  
Ишонмасдан мени этма ишқингда гадо».

Қизнинг бирдан томирида ловуллаб қони,  
Ўзга шартни қўймоқ бўлди унинг виждони:

«Тунга қадар қўйган эдим сенга шартимни.  
Бажаролмай ерга урдинг менинг отимни,

Энди бошқа яна бир шарт қўяман сенга,  
«Севаман» деб тирноқ билан ёзасан унга».

Қиз олдидан йигит шўрлик қайтди-ю рангсиз.  
Тош олдида қолиб кетди не кеча-кундуз.

Охир олиб келиб қизни кўрсатди тошни,  
Тош ёзувдан маликанинг кўзи қамашди:

«Сен тошда ҳам кўрсатолдинг наққошлик кучин,  
Сўнгги шартим қўяй тамом ишонмоқ учун.

Юрак қонинг билан бўяб тирноқларимни,  
Тонгга қадар ўпгин оппоқ оёқларимни».

Маликанинг қўлини бўяб юрак қонига,  
Наққош йигит бошин қўйди унинг пойига.



## ҲАВЗИ МУСАММАН

\*

Ҳавзи мусамман бор сўлим Лоҳурда,  
Оқ мармар кафтида кумуш зилоли.  
Сайёҳлар чўмилмиш унда наҳорда,  
Мусамман бошида кулганмиш толе.

Унда чўкиб ётар юлдуз ва осмон,  
Чил-чил синган каби моҳтоб ойнаси.  
Оби кавсаридан ором топмиш жон,  
Мармардай совуқмиш кумуш сийнаси.

Ҳавзи мусамманнинг таги ҳам мармар,  
Ҳатто қум зарраси кўринмас унда.  
Саҳнига ташласанг бир дона гавҳар  
Овора бўлмасдан топурсан тунда.

Камалак сингари порлаб фаввора,  
Етти хил сув оқмиш шаршарасидан.  
Манго гулобини ичсанг бир бора,  
Кўнгил эриб кетар манзарасидан.

Тиниқ ойинадир ҳавзи мусамман,  
Фаввора — килрикка қўниб олган ёш.  
Лоҳурда икки кун бўлдимۇ меҳмон,  
Муздай сийнасига мен ҳам қўйдим бош.

## ШАЛИМАР БОҒЛАРИ

\*

Шалимар<sup>1</sup> боғлари — шодлик боғлари,  
Тасаввур қилолма сизсиз Лоҳурни.  
Сиздаги фаввора ақлим боғлади,  
Ё сиздан олганми дунё баҳорни!

Муаттар бўйини уфуриб жамбил,  
Мени ошифта-ю ҳайрон айлади.  
Сабухий шабада яйратиб жисмим,  
Кўнглимни бир лаҳза вайрон айлади.

Ҳавзи мусамманда юзлаб фаввора  
Мармар нилуфардан отилар кўкка.  
Инжу донасига бўлиб овора,  
Юрагим сиғмайди бугун кўкракка,

Оқ мармар шийпонлар нақшу нигори  
Мени михлаб қўйди ер меҳварига,  
Ораста расталар қизғиш мармари  
Поёндоз бўлдийкин қайси парига?

Ҳовуз бўйидаги Тахти Тоус<sup>2</sup> ҳам  
Эҳтимол, дунёда эрур ягона.

---

<sup>1</sup> Ш а л и м а р — Шодлик дегани.

<sup>2</sup> Т а х т и Т о у с — Шоҳ Жаҳон ўтирадиган  
оқ мармар чорпоқ.

Нақшу безагига лол қолур одам,  
Антиқа санъатга бўлиб парвона.

Мармар Тахти Тоус кимсасиз бугун  
Садафдай товланиб, сақлайди сукут.  
Ва лекин толеи эмаскан нигун,  
Асрлар сўнгида бўлмади унут.

Шалимар боғларин саҳни кенг ғоят,  
Тош девор қуршаган уни ҳар ёндан.  
Серсоя дарахтлар сўйлар ҳикоят,  
Кўнгил завқ олади чимзор маскандан.

Ҳавзи мусамманда оқ мармар супа,  
Машшоқлар куйидан маст бўлган замин.  
Чарх уриб тонггача қушдай раққоса,  
Эҳтимол саҳнида ўйнаган қадим.

Шалимар боғларин юзини балким,  
Кўролмай ўртанган аҳли фуқаро.  
Ахир, киролмаган бу ерга ҳар ким,  
Осмон билан ерча — шоҳ билан гадо.

Боғ саҳнин тарк этиб кетди салтанат,  
Шоҳ Жаҳон номи ҳам олисда қолди.  
Инглизлар ҳам унда қуриб айш-ишрат,  
Лоҳурнинг бошига не савдо солди.

Бугун-чи, очиқдир боғ дарвозаси,  
Шалимар ҳуснига халқ берар оро.  
Оламни тутгандан кўрк, овозаси  
Сайр этдим Шалимар боғлари аро.

## ИЛОН ҰЙНАТУВЧИ

\*

Илон ўйнар жўр бўлиб куйга,  
Тўлғонади тилини чўзиб,  
Одам солар уни минг кўйга  
Томошабин ичагин узиб.

Мийиғида кулганча морбоз  
Ғаров найни ҳадеб пуфлайди.  
Илон ўйнаб, толганда бир оз  
Бахшиш дея оғиз жуфтлайди.

Чой чақани олган заҳоти  
Илонини ўйнатар куйга.  
Бу морбознинг недир гуноҳи,  
Ҳаёт уни солса шу кўйга.

Равалпинди.  
1970.

## ЛОҲУР ҚИЗЛАРИ

•  
Қора парда ичра пинҳон  
    гулдай рухсорлар,  
Қуёш юзин кўрмай чекар  
    зулму озорлар.  
Иқбол боғин сайр этмай,  
    тутқун қуш каби  
Хазон бўлиб кўринадир  
    гулгун баҳорлар.  
Ишқ шевасин ёдлаб тунлар  
    ёр васли билан  
Кўзга уйқу қуши қўнмас  
    субҳи наҳорлар.  
Ҳаёт дарё мисол оқар  
    қилмасдан парво,  
Лек дарёнинг ёқасида  
    сувига зорлар.  
Оёқ-қўли боғлиқ янглиғ  
    чекиб оқ-нола,  
Чиқмай ислон измидан ҳеч  
    тутқуну хорлар.  
Олмоқ учун гулгун юзда  
    қора пардани,



Имкон топмай оворадир  
алами борлар.  
Қалбда пинҳон дарди вулқон  
бўлиб портласа,  
Қуёш юзин кўрар бир кун  
ойдай рухсорлар.

1970

## СЕНИ СУРОҚЛАБ..

✱

Оқ мақбара сийнасида навбаҳор чечаклари,  
Ва лекин оқ мрамор каби совуқ эди бу мазор,  
Бунда тошга битилгандай муҳаббат эртаклари,  
Еш бир йигит нолишидан тош ҳам чекарди озор..

... Дарду ғамдан йироқ эдинг, маъно эдинг сўзимга,  
Сухбатимга чироқ эдинг, зиё эдинг кўзимга.

Қўлларингни тароқ қилиб, сочимни тарар эдинг,  
Оғир ишлар бошга тушса, кунимга ярар эдинг.

Кўзларимга гард қўндирмай даво эдинг дилимга,  
Киприк билан олар эдинг тикан кирса қўлимга.

Бир кун агар кўрмай қолсанг, шому саҳар йиғлардинг,  
Айрилиқнинг даштларида юрагингни тиглардинг.

Мени танҳо қолдиришинг, мени ташлаб кетишинг,  
Дард-ҳасратда толдиришинг, кўнглим ёшлаб кетишинг,

Булоқ кўзин бекитгандай қалб мавжин тиндиришинг,  
Тегирмоннинг тошларини елкамга миндиришинг,

Билсам эди, шол бўлсанг гар оёғимдан кечардим.  
Сенга қелган бало захрин менинг ўзим ичардим.

Кўзинг кўрмай қолганида кўз бўларди кўзларим,  
Босган изинг адаштира, йўл бўларди изларим.

Соқов бўлиб сўзломасанг берар эдим тилимни,  
Қалбинг урмай қолай деса, берар эдим дилимни.

Афсус, афсус, билмай қолдим, қолдим тамом ғафлатда,  
Шунча азоб, қийноқ борми биринчи муҳаббатда!

Энди сени Шалимарга<sup>1</sup> сўроқлаб боролмайман,  
Сенинг ишқий хатингни ҳам варақлаб қаролмайман.

Суратингга термуламан, дилда азоб, соғиниш,  
Суратингга сиғинаман, дилда изтироб, ёниш.

Илк бўсанинг тотти ҳали лабимдан кетмаганди,  
Гунча каби севгимиз ҳам муродга етмаганди.

... Оқ мақбара сийнасида навбаҳор чечаклари,  
Ва лекин оқ мрамар каби совуқ эди бу мазор,  
Бунда тошга битилгандай муҳаббат эртаклари  
Ёш бир йнгит нолишидан тош ҳам чекарди озор.

---

<sup>1</sup> Бор.

## ВАТАНГА ҚАЙТИШ



Дўстгинам, Ватанга жонни тикканмиз,  
Кўнгил орзулари фидо ўшанга.

*А. С. Пушкин.*

Машриқ сафари ҳам тугади охир,  
Ҳар қалай, оз қолди Ватан васлига.  
Ризқим сочилганкан мисли жавоҳир  
Бегона юртларнинг баланд-пастига.

Сайёд излагандек оҳу сайдини  
Мен илҳом парисин ахтардим Ҳинддан.  
Кўнгилга битгандек Тагор байтини,  
Қомуси Машриқни тингладим ринддан.

Покистон мулкида Иқбол девонин  
Эъозлаб, кон топган янглиғ қувондим.  
Файз<sup>1</sup> билан сайр этиб ғазал уммонин  
Тилсимот дунёсин сеҳрига қондим.

Мени мафтун этган ранго-ранг олам,  
Тушимда кўргандек туюлар бугун.  
Кўчаларга сиғмай қалқиган одам  
Танишдай кўринар бугун мен учун.

---

<sup>1</sup> Файз Аҳмад Файз — Покистон прогрессив шоири,  
«Халқлар ўртасида Тинчликни мустаҳкамлаш учун»  
Халқаро Ленин мукофоти лауреати.

Сеҳрли дунёда нурга чулганиб,  
Йироқларда қолди Деҳли-ю Агра,  
Жайпур билан Бомбай завқига қониб,  
Қалбим парвоз этар Калькутта узра.

Боғларга бурканиб имлайди Лоҳур,  
Исломобод ётар тоғларга пайваст,  
Равалпинди бағрин безаб хурмозор,  
Манго гулоби-ла қалбим этар маст.

Денгиз қирғоғидан Қарочи бу кеч  
Минг кўз билан боқар термулиб менга.  
Хаёл уммонини тарк этолмай ҳеч,  
Мен ҳижрон қўшиғин куйлайман унга.

Ва лекин қалбимда висол умиди,  
Она юрт соғинчи кўтарар исён.  
Мени банд айлаган Шарқнинг удуми:  
Отадан минг карра азиздир меҳмон.

Қанча азиз бўлмай, меҳмонман ахир,  
Эртага кетурман бугун бўлмаса.  
Она-Ватан меҳри қалбим эзадир,  
Дарё мавж урмагай тўлқин бўлмаса!

Ахир, ўз инини қўмсайди қуш ҳам,  
Одам боласи-ку, қуш эмас, ахир!

Узга элда мадад беради туш ҳам,  
Ватанга қайтишим туш эмас, ахир!

Бу рост-ку! Ахир қалб парвоз олдилан  
Ҳар хил ўйга ботса, йўқдир чораси.  
Ахир, дил ўртанса мунгли чолғудан  
Бир дилбар куй бўлур унинг давоси.

Мен эса маст бўлиб Машриқ сеҳридан  
Ҳали ўзимга ҳам келганимча йўқ,  
Ва лекин она юрт қайноқ меҳридан  
Жудо бўлиб, гулдек сўлганимча йўқ.

Тириклик зийнати сув бўлган каби  
Шу меҳр қалбимга бахш этар ҳаёт.  
Тошдан қаттиқ эрса одамзод қалби  
Нечун гулдай нозик эрур баъзи вақт?

1

Бугун қалбим титрар гул япроғидай,  
Бугун ҳатто унга қил ҳам сиғмайди.  
Нозик дард йўқ каби дил фироғидай,  
Ватан жамолини кўнглим қистайди.

Ватан соғинчидай дард йўқ оламда,  
Бу дардга ҳеч кимса беролмас бардош.

Кўнгил ҳам сўзингга кирмай аламда,  
Уни овутолмас ҳатто ватандош.

Бу дардга ошино бўлдим мен ҳам  
Давосин топмадим, нетай, Машриқда.  
Ҳижрон кечасида чекса ҳам алам,  
Висол умиди бор, ахир, ошиқда.

Шу висол умиди қалбимга ҳамдам,  
Танимга қуввату кўзларимга нур.  
Дардимга бир лаҳза бўлгандай малҳам,  
Соғинган руҳимга бахш этар сурур.

Мен ҳам бир фарзандман, сенга, эй Ваган,  
Фарзанд-ку, она деб жон қилар фидо.  
Бегона юртларда кезса-да, шўх шан,  
Сенсиз торлик қилур унга бу дунё.


Дунё торлик қилур менга ҳам бугун,  
Сўнгсиздай кўринур ўйласам сену.  
Васлингга етмоққа қолса ҳам бир кун  
Ҳижрон азоблари қийнайди мени.

Ўн беш кун тузингни тотмадим, Ватан,  
Ва лекни минг бора ёд этдим сени.  
Сен билан фахр этиб юрдим ҳар қачон,  
Меҳрингга зор этиб қўймадинг мени.

Машриқ сафари ҳам тугади охир,  
Фақат йироқдаман сендан бугунча.  
Сен менсиз яшашинг мумкиндир, ахир,  
Мен сенсиз яшолмам ҳатто бир кеча.

Қарочи,  
12. XI. 70.





# ҚУЁШ ФАРЗАНДИ

Юз сонетдан тузилган дoston



Водийларни яёв кезганда  
Бир ажиб ҳис бор эди манда..

ҲАМИД ОЛИМЖОН

## МАҚСАД



### I

Ўзбек халқин олтин бешиги,  
Қуёш билан эрур баробар.  
Бешик узра бир онаизор,  
Тилларида — ҳаёт қўшиғи.

Етти иқлим унинг ошиғи,  
Алласига зору интизор.  
Фарзандига қилиб жон нисор,  
Дўсту ёрга очиқ эшиги.

Бешигини тебратиб шодмон,  
Онаизор тунлар уйғоқдир,  
Жонга берур алласи дармон.

Қалби унинг сўнмас чироқдир,  
Меҳри эса туганмас бир кон,  
Умидлари тонгдай порлоқдир.

## II

Тонгдай порлоқ умид билан  
Она бешик тебратар.  
Бешикдаёқ бизга дилдан  
Она қўшиқ ўргатар.

Шодлигини куйлаб шўх-шан,  
Қалбимизни нурлатар.  
Қўшиқ билан жуда улкан  
Чўққиларга ўрлатар.

Шовуллаган дарёларни  
Мурғак дилга этиб жо,  
Очар сирли дунёларни.

Умр қасрин қилиб бино,  
Тинглаб турфа наволарни,  
Сеники, дер, ёруғ дунё.

### III

Ҳумо қушин қўндириб бошга,  
Пешонамиз силаб ёшликдан,  
Қалбимизни чулғаб оташга,  
Узоқ тутиб бағри тошликдан.

Йўлимизни улаб қуёшга,  
Дилни холи қилиб ғашликдан,  
Ҳамроз этиб ёру сирдошга,  
Сабоқ бериб дўст-қардошликдан,

Зуваламиз пишитган мушфиқ  
Онаизор Ўзбекистондир,  
Унга донм қилурмиз қуллуқ.

Бошимизда ул соябондир,  
Шунинг учун дард-ғамимиз йўқ,  
Жони эса жон ичра жондир.

#### IV

Ким кашф этмиш Ўзбекистонни,  
Қайдан бино бўлмиш бу диёр?  
Шарққа маёқ бундай маконни,  
Яратгандир қайси бунёдкор?

Боши узра кулган осмонни  
Ким айламиш тонгдек беғубор?  
Мафтун айлаб шу кенг жаҳонни,  
Ким мушча ҳам этмиш бахтиёр?

Жаҳон ичра қўйиб қутлуғ ном,  
Ким ўпгандир пешонасини,  
Саодатга йўллаб субҳу шом?

Бу ҳаётнинг кошонасини  
Халқимизга ким этган ишғом,  
Олтин айлаб остонасини?

## V

Шу хусусда ўйладим узоқ,  
Қўндирмасдан шаънига ғубор.  
Ўз-ўзимдан сўраб неча бор  
Хаёл ичра ғарқ бўлдим бироқ.

Таралгандай қуёшдан шафақ,  
Бағрим бўлиб кетди лолазор.  
Шам қошида бош эгдим бедор —  
Мисли дондан эгилган бошоқ.

Аммо дилга бериб тасалло  
Чақнатдию руҳимда чақмоқ,  
Она ердан келди бир садо.

Зулмат бағрин айлаб яқо чок,  
Инқилобнинг фарзанди гўё —  
Ўзбекистон туғилмиш қувноқ.

## VI

Шунинг учун қалбида янграб  
Инқилобнинг буюк хитоби.  
Бошин силаб ҳар шому саҳар  
Парвонадир Ленин офтоби.

Осиёда тенгсиз бу кишвар,  
Шарқнинг олтин меҳроби эрур.  
Ер қалбига бўлгандай меҳвар  
Токи жаҳон тургунча турур.

Чунки уни кашф этиб Ленин,  
Пешонасин ўпган субҳидам,  
Бахти кундай туғилди дуркун  
Истиқболин этгали кўркам.

Шунинг учун бу гўзал диёр  
Юрагида Ленин меҳри бор.



## VII

Шу диёрда туғилиб мен ҳам  
Бешигида улғайдим ғамсиз.  
Тонгни кутиб олмадим шамсиз,  
Ҳамдард бўлди қалбимга қалам.

Қоғоз билан бўлдим у улфат,  
Дурдай сочдим сўзларим унга.  
Ором бермай ҳисларим менга,  
Парвоз қилди кабулар сифат.

Колумб бўлиб, янги бир қитъа —  
Кашф этмадим халқимга, лекин,  
Унинг олтин бешигин бугун  
Тўрт фаслда солдим сонетга.

Сонетларим — сенга, эй Ватан,  
Гулдастадир ўн тўрт чамандан.

## БИРИНЧИ ФАСЛ

\*

### VIII

Ўзбекистон фасллари —  
Тўрт оғайни ботирдир.  
Унинг девкор насллари  
Ҳар бир ишга қодирдир.

Ўзбекистон фасллари  
Сеҳргару соҳирдир.  
Мармар нақшли қасрлари  
Дунё ичра нодирдир.

Тўрт фасл келса тугал  
Файзли бўлур дастурхон.  
Бир-бирига бермай гал  
Тўй қилур ҳар хонадон.

Фасллар — йил саховати,  
Насллар — эл саодати.

## IX

Одамзоднинг умри ҳам  
Тўрт фаслдан иборатдур.  
Инсон учун бу олам  
Мангулик бир иморатдур.

Бу оламда ҳар одам  
Ҳаёт учун омонатдур.  
Туғилиши — лек байрам,  
Улими нақ қиёматдур.

Бу Ватанда умрбод  
Одам унга ҳашаматдур.  
Яшар эркин ва озод.

Умр боғи — фароғатдур,  
Қайғу-ю ғам бўлиб ёт,  
Яшамоқ бир саодатдур.

## Х

Шу саодат менга бўлиб ёр,  
Она юртим қилдим сайру боғ.  
Садоқатим айлаб зар шиор,  
Жамолига термулдим хумор.

Водийларда кўйлаб бахтиёр,  
Юрагимда қолмади ҳеч доғ.  
Тонгларини кўриб беғубор,  
Қуёшини қутладим бедор.

Ошиқона кездиму яккаш,  
Сайёҳ каби билмадим ором  
Илҳом деган парининг дардкаш

Юрагида қўзғатмадим ғаш.  
Лек ичдиму гулоб тўла жом,  
Ловуллади бағримда оташ.

## XI

Шу оташда жисмим ёнадир,  
Томиримда гупуради қон.  
Оташ ичра қалб тўлғонадир,  
Отилгудай кўксимдан вулқон.

Кўзларимда оташ беомон,  
Алангада жон ўртанадир.  
Қабутардай излаб ошиён  
Руҳим аро шеър уйғонадир.

Борлиғимни чулғаб ҳаяжон  
Унутамаи гўё ўзимни,  
Қучоғингда, эй, ота макон.

Остонаи гга бош уриб шодмон  
Сендан олиб сабру тўзимни,  
Қилай дейман бағрингни бўстон.

## XII

Тўзим берсин жонингга сенинг,  
Ёруф бўлсин пешонанг.  
Шон қўшилсин шонингга сенинг,  
Олтин бўлсин остонанг.

Доғ тушмасин номингга сенинг,  
Тўлмасин ҳеч паймонанг.  
Жон бўлайин жонингга сенинг,  
Бузилмасин кошонанг.

Томир бўлай қонингга сенинг,  
Бўлмайин ҳеч бегонанг.  
Шароб бўлай жомингга сенинг,

Синмасин ҳеч пиёланг.  
Дур бўлайин қонингга сенинг,  
Омон бўлсин пешонанг.

### XIII

Пешонангнинг омонлигидан  
Менинг бағрим бутундир.  
Шодлигининг уммонлигидан  
Қайғуларим кукундир.

Кўрагининг осмонлигидан  
Қўлим кўкка устундир.  
Бағринг бахтга ошёнлигидан  
Нон-насибам тўкиндир.

Дастурхонинг очиқлигидан  
Кўпдир дўсту қардошим.  
Ризқу рўзинг сочиқлигидан

Меҳмондан чиқмас бошим.  
Умринг — тугал кўшиқлигидан  
Шеъриятдир сирдошим.

## XIV

Сирдошимга — юрагимда боримни  
Муножотдай куйлаб берар тилгинам.  
Нохун билан черта-черта торимни  
Тош кўнгилни эритади қўлгинам.

Дўстларимдан пинҳон тутган зоримни  
Сирдошимга ошкор этар дилгинам.  
Чорбоғимга қадам қўйган ёримни  
Висолидан баҳраманддир гулгинам.

Фанимларга бомба бўлган қаҳримни,  
Оҳангидан англаб олур элгинам.  
Сўз мулкида бунёд қилган қасримни,  
Субҳидамдай ойдин этур йўлгинам.

Гар сирдошим бўлмаса, мен бир умр  
Ҳаётимни қилолмайман тасаввур.



## XV

Сен ҳам сирдош онасан, Ватан,  
Жондан ортиқ кўраман сени.  
Сен ҳам ўтда ёнасан, Ватан,  
Балолардан асрай деб мени.

Мен ҳам сенга бўлай деб содиқ,  
Керак бўлса, кечурман жондан.  
Юрагингга тегмасин деб ўқ,  
Жанггоҳларда кўкси қалқонман.

Сен бўлмасанг, қораяр қуёш,  
Юлдузлар ҳам сўнади сенсиз.  
Айланади кулга тоғу тош,  
Дарёлар ҳам тинади сенсиз.

Сенсиз кўнглим бўлмагай обод,  
Сенсиз менга сўнади ҳаёт,

## XVI

Она дерлар азиз Ватанни,  
Бу сўзнинг ўз ҳикмати бордир.  
Ватан деса берасан жонни,  
Ватансиз кенг дунё ҳам тордир.

Жон дегани — бу юрак эрур,  
Юракнинг-ку, бешиги шандир.  
Кўкрак унга қалқондай турур,  
Юрак учун кўкрак ватандир.

Инсон учун юрак — бу жондир,  
Жонга ҳаёт бахш этади қон,  
Қон билан жон бир жону тандир.

Жондай азиз эрур бу Ватан,  
Ватан билан инсон инсондир,  
Инсон билан чамандир Ватан.

## XVII

Туғилганда жажжи бир гўдак  
Ватан тўлиб кетади нурга.  
У қанчалар бўлмасин мурғак  
Хусн бўлуш шу қутлуғ ерга.

Еш онага топилиб эрмак  
Нафас олар у билан бирга.  
Чақалоғин ойдай келинчак  
Ишонади на кўк, на ерга.

Тетапоя бўлгунча гўдак,  
Алла айтар у бешик узра.  
Бўлсин дея ботир, довюрак  
Алпомишдан сўйлайди сўнгра.

Одам бўлгач, ишониб лекин →  
Топширади унга Ватанин.

## XVIII

Сени ҳам топширди менга ишониб,  
Икки дарё оралиғида.  
Акс этди тимсолинг нурга чулғаниб,  
Кўзларимнинг қорачиғида.

Жон риштанг жонимга қолди боғланиб,  
Ёшлигимнинг дарёлиғида.  
Ва ишқинг чирмашди дилга тўлғониб,  
Ишқдан кўнглим яролиғида.

Энди сўзонаман бағрим доғланиб,  
Икки ўтнинг оралиғида.  
Қалбимни маҳв этар ишқ яроқланиб,

Қолдим икки шамшир тиғида.  
Тиғи-паррон бўлмас лек жон сақланиб,  
Жон ичра жон юрт тупроғида.

## XIX

Қалбимнинг риштаси сендан узилса,  
Толеим қаро бўлур.  
Умрим кошонасин нақши бузилса,  
Юрагим яро бўлур.

Айрилиқ даштида сарсон кезилса,  
Дардим бедаво бўлур.  
Қўнглимда нотавон оҳанг сезилса,  
Рангим қаҳрабо бўлур.

Туз берган тузлиғинг чоки сўкилса,  
Дил пора-пора бўлур.  
Жон ичра жонимда жонинг эзилса,

Қўз ёш ситора бўлур.  
Қошингда ғанимлар боши эгилса,  
Умрим бебаҳо бўлур.

## XX

Умримнинг бебақолиги  
Сенинг кароматингдан.  
Андуҳим бебақолиги  
Сенинг шарофатингдан.

Дунёнинг сарвафолиги  
Сенинг мурувватингдан.  
Ёримнинг бежафолиги  
Сенинг муҳаббатингдан.

Кўнглим мусаффолиги  
Сенинг пок ниятингдан.  
Ҳаётим кайф-сафолиги

Сенинг саодатингдан.  
Уйимнинг ҳам рўшнолиги  
Сенинг маърифатингдан.

## XXI

Ҳар юртнинг ўз урф-одати бор,  
Минг йилларнинг меваси.  
Ҳар элга ўз тили ҳукмдор,  
Хилма-хилдир шеваси.

Табиати, об-ҳавоси ҳам  
Турли-туман яралган.  
Халқин шаклу шамойили ҳам  
Бошқа-бошқа ясалган.

Ҳар элу юрт урфи, тилини  
Асраб келган қадимдан.  
Ва узмаган оёқ-қўлини  
Ўзи турган заминдан.

Унга ризқ-рўз берган шу замин  
Умрига ҳеч бўлмаган зомиң.

## XXII

Зомин бўлмай умрининг ривожига,  
Оқ ювиб-оқ тараган.  
Гард қўндирмай инсонлик гултожига,  
Заҳмат чекиб, қараган.

Бериб ҳунар тешасин нажжорига<sup>1</sup>,  
Бино қуриб, яйраган.  
Паноҳ бўлиб, ҳаттоки тужжорига<sup>2</sup>,  
Бозорида яраган.

Дарё бўлиб қондирган чанқоғини,  
Ва нон бўлиб, тўйдирган.  
Ёғду бўлиб порлатган чироғини.

Меҳр бўлиб, фарзандин ҳам суйдирган,  
Чаман қилган боғини  
Ва ишқ бўлиб юрагин ул куйдирган.

---

<sup>1</sup> Дурадгор.

<sup>2</sup> Савдогар.



### XXIII

Шу ишқ ўти сўнмоқни ҳеч билмагай,  
Сўнса ҳамки тоғлардаги лавалар.  
Юрак эса куйса ҳам кул бўлмагай,  
Кул бўлса ҳам тош деворли қалъалар.

Унга вулқон лаваси тенг келмагай,  
Тоғлар эса заррасида ловуллар.  
Қалб гулшани ўтида лек сўлмагай,  
Қўмир бўлиб қолса ҳамки каъбалар.

Бу бир ишқким, қуёшдай боқий умри.  
Еғдусидан қалблар бўлиб мунаввар,  
Қаҳкашонга етар ҳатто кўз нури.

Бу бир ишқким, у билан тирик башар,  
Ишқдан тонмас, мард ошиқнинг ҳеч бири,  
Боши узра ғаним тутса ҳам ханжар.

## XXIV

Қилай десам сенга ишқимни изҳор  
Жисмим аро жон ўйнар.  
Бестун гардундай гумбази даввор,  
Томиримда қон ўйнар.

Бир ошиқ дардига бўлиб гирифтор,  
Жумлаи жаҳон ўйнар.  
Рақиблар қатлига қўлин қилиб дор,  
Сарви хиромон ўйнар.

Муҳаббат майндан маст бўлиб диёр,  
Боғ ила бўстон ўйнар.  
Бир қатраси тушса, чайқалиб бедор

Дарёю уммон ўйнар.  
Қоғозга тўкилиб инжудай ашъор,  
Қўшиғу дoston ўйнар.

## XXV

Достон ўйпар «Шашмақом»нинг ҳаволарига,  
Ишқимни ошкор айлаб.  
Гоҳ «Дилхиروج», гоҳ «Муножот» наволарига  
Мени гирифтор айлаб.

Санчар, қаро туннинг барги қаболарига,  
Кипригимни хор айлаб.  
Ва роз айтар субҳидамнинг саболарига  
Ошиқ дилни тор айлаб.

Юз тутарман офтобнинг ёғдуларига,  
Қаддимни чинор айлаб.  
Шафақ рангин кўчираб дил туйғуларига,

Ишқимни шиор айлаб.  
Гул чекарман Ургут тоғин чўққиларига,  
Қаламим меъмор айлаб.

## XXVI

Қаламим меъмор айлаб бир иморат яратдим,  
Ва Ургут чиноридан қўйдим унга тўрт стун.  
Биллур деразаларин кун чиқишга қаратдим,  
Тонг билан кўрса офтоб, қилсин дедим минг афсун.

Ғазгоннинг мрамарини камалакдай порлатдим,  
Қалам билан нақш ўйиб, жило бердим куну тун.  
Унда илҳом торини юз мақомда янгатдим,  
Йўқлаб келса меҳмон гар қалбга дедим: шароб сун!

Шу бинога ошиқиб келаётир тўрт карвон,  
Алпомишдай елкалаб тўрт фасл бисотини.  
Тўрт карвонни етаклаб келаётир бегумон,

Сарлавҳам мисли сарбон йўрғалатиб отини.  
Мақсадим муродига етказолса беармон,  
Карвонлар карнайчиси чалар тўй баётини.

## XXVII

Шу армон отида жавлон уриб,  
Қамчисин ўйнатар бир чавандоз.  
Улоқни тақимлаб, пойга қуриб,  
Кўзларни қувнатар бир чавандоз.

Эгарга ёпишиб, отин суриб,  
Шамолдан ҳам ўзар бир чавандоз.  
Халойиқ қийқиран қарсак уриб,  
Чортоқни қўзғатар бир чавандоз.

Издан от қўйиб, ўқдай учиб,  
Тулпорин қамчилар не чавандоз.  
Бедовлар кишнаиди тупроқ кечиб,

Ғолибни қаршилар гуррос овоз.  
Тўйбоши Чортоқда уни қучиб,  
Пойига тўшайди гул поёндоз.

## XXVIII

Тулпорим ўйнатиб шеър майдонида  
Узангига оёқ тираб турибман.  
Алпомишнинг қони қайнар қонимда  
Чавандозлар билан пойга қуриб ман.

Эгарда даст туриб ёвқур бургутдай,  
Ҳавода қамчини ўйнатиб бугун,  
От қўйиб боряпман ловуллаб ўтдай,  
Олмос туёғидан чақнатиб учқун.

Отим парвоз айлаб кўзлар йироқни,  
Бедовлар тўпидан ўзиб кетгали.  
Тақимига босиб олган улоқни  
Чаптаст чавандоздан узиб кетгали.

От сурмоқ осонмас бу майдон ичра,  
На бу майдон, балки, бу дoston ичра.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

\*

### XXIX

Чув, йўрғам! Сафаринг бехатар бўлсин,  
Тошга урилмасин олмос туёғинг.  
Сен билан ишларим ўнгидан келсин,  
Йўл юриб толмасин сира оёғинг.

Йўрғанг олис йўлни яқинроқ қилсин,  
Ўтдай ёниб турсин кўзинг-чироғинг.  
Сени кимки кўрса ҳаваси келсин,  
Доим омон бўлсин суянган тоғинг.

Хуржунимнинг икки кўзи тўладир,  
Бирيدا кўзаю, бирисида нон.  
(Сафарда нону сув керак бўладир).

Дала-туз сен учун сахий дастурхон.  
Дарё — сув, саз ўтлоқ — неъмат берадир,  
Бор бўлсак, тунашга топурмиз макон.

### XXX

Бу макон — боболар хоки туроби,  
Биз учун мозийдан аждодий мерос.  
Авлодлар сиғинган олтин меҳроби,  
Унга бош қўймоқлик ўзи муқаддас.

Тошқин дарёларин бўлиб мироби,  
Тупроғин тўтиё қилмоқ бизга хос.  
Қайноқ оғушида ернинг меҳвари,  
Аорта сингари олмоқда нафас.

Биз учун етти ёт эмас бу макон,  
Заррадай сочилган унга қонимиз.  
Бизни ҳеч бегона демас бу макон,

Жонига туташиб кетган жонимиз,  
Ўз уйимиз янглиғ ҳар бир хонадон,  
Биз эса сафарда бир меҳмонимиз.



### XXXI

Меҳмон келди бош эгиб остонанга,  
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.  
Меҳмон билан бахт келди кошонанга,  
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.

Ишқ шаробин узатмай жононанга,  
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.  
Уйқу қуши қўнмайин мужгонингга,  
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.

Оёғига майлига қўй сўймагил.  
Бемаҳалда келса ҳам бу меҳмонинг,  
Бир кечага жой бериб, кел, сийлагил.

Пешин ё шом бўлмади ҳеч имконим,  
Ҳориб келдим, кўчада, кел, қўймагил,  
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.

## XXXII

«Кимсан?» — деган нидо келди чорбоғдан,  
Ит ҳуриди, занжирини узгудай.  
Отим кишнаб, ўт чақнатди туёқдан,  
Мезбонимнинг дарвозасин бузгудай.

Чорбоғда нур чақнаб кетди чироқдан,  
Чол сиймосин кўрсатди у кўзгудай.  
Паноҳ излаб келганим-чун йироқдан  
Бу хонадон туюларди эзгудай.

Дарвоза ланг очилдию оқсоқол  
Ҳузуримга пешвоз чиқди шодумон.  
Бир дақиқа мендан сўраб ҳол-аҳвол:

«Бош устига, келинг,— деди,— эй меҳмон.  
Бир кечамас, минг кечага бемалол,  
Қолсангиз ҳам тораймас бу хонадон».

### XXXIII

Минг кечамас, бир умрга айлар меҳмон,  
Мени бу юрт тупроғи.  
Дастурхондай файзиёбу дориломон  
Менга бу юрт қучоғи.

Йўлларимни рўшно айлаб ҳар бир инсон,  
Ёғду сочар чироғи.  
Шарқу шимол лол қолгулик боғу бўстон  
Дарёларин қирғоғи.

Мен шу юртнинг тупроғида топдим камол  
Билмай не ғам, не кулфат.  
Бу ёш жоним ниҳол каби билмас завол.

Ва умримга ҳамроз бўлиб шеърү санъат,  
Қалбларни айлаб қамал,  
Мен шу юртдан олгум яна кучу қудрат.

### XXXIV

Она юртим, бўлсанг омон,  
Ранг-рўйим сомон бўлмас.  
Сен яшасанг шоду хандон,  
Қаддим сира камон бўлмас.

Сенинг бағринг жаннатга кон,  
Жаннат мангу хазон бўлмас.  
Хазонсиз боғ бўлса макон,  
Кўнглимда ҳеч армон бўлмас.

Мен уфқни олдим нишон,  
Умидларим пайҳон бўлмас.  
Оёғимга берсанг дармон,

Сафарим ҳам ёмон бўлмас.  
Қалб не деса — этгум дoston,  
Бу дostonда фиғон бўлмас.

## XXXV

Фиғон бўлмас, тоғни зирқиратгудай,  
Қулатгудай чинорни.  
Кўздан мотам ёшин тирқиратгудай,  
Мунғайтгудай диёрни.

Фиғон бўлмас, кўлни денгиз қилгудай,  
Тўхтатгудай дарёни.  
Бағри қон анордек қалбни тилгудай,  
Инграгудай дунёни.

Фиғон бўлмас, кунни қорайтгудай,  
Солгудай зулумотни.  
Заррадай ёғдуга зор этгудай,

Сўндиргудай ҳаётни.  
Фиғон бўлмас, дилни зор қақшатгудай,  
Қилгудай қиёматни.

## XXXVI

Фигон бўлмас ва лекин бир дард бўлур,  
Шодлик наҳрин пўртанаси бамисол.  
Уммон бўлиб юракларда чайқалур,  
Қондек оқур юракларда безавол.

Бу бир дардким, ишқсиз қалбга ишқ бўлур,  
Парвоз қилсанг, қанот берур, эҳтимол.  
Хаёлингни ўғирлаган мушк бўлур,  
Кўксингни тоғ қилур, қаддинг бўлса дол.

Гам тошингни оташ бўлиб эритур,  
Куёш бўлиб берур сенга табассум.  
Кўз ёшингни севинч бўлиб қуритур.

Ҳаёт бўлиб, боқар сенга шўх, маъсум,  
Соқий бўлиб, ишқ шаробин узатур  
Ва дардингга ҳамроз бўлур ул, дўстим.

## XXXVII

Бу — шеър дарди, бу шеър ишқидур  
Бир юракни минг тилим қилган.  
Бу — шоирлар қалбин ашқидур,  
Оқ қоғозга дурдай тўкилган.

Бу — кабутар — кўкда чарх урган,  
Туйғуларнинг олов рақсидур.  
Олмос тўшли қояга қўнган  
Бургут парвоз ўйлар кўшқидур.

Бу — дарёга чўккан камалак,  
Қаҳқашондан учган юлдуздур.  
Бу — онасин излаган гўдак.

Бу — туғёнваш, бедор денгиздур,  
Наслимизга мерос келажак,  
Бу — юлдузлар бекинган кўздур.

### XXXVIII

Кўзларим уммонига юлдузлар чўкканида,  
Ботганида қалбимга қуёш,  
Томиримда жўш урган дарёлар эпкинида  
Тараганда сочин қаламқош,

Ернинг ризқу рўзини булутлар тўкканида,  
Бойчечаклар чиқарганда бош,  
Деҳқонлар чигитни саралаб экканида,  
Топилганда гўзага сирдош,

Бошоқ бағрини ёриб, дунёни кўрганда дон,  
Бўлганида дастурхон тўкин,  
Узумнинг кўз ёшлари хумни қилганда макон,

Сўйилганда қўйлар тўй учун,  
Сени кашф этиб менга кўзларим, Ўзбекистон,  
Жамолинга айлади мафтуң.



### XXXIX

Жамолинг васфини тинглаб эл аро  
Камалак рангидан жило изладим.  
Ўхшашинг тополмай, бергали оро  
Қўлингга наврўздан хино изладим.

Сени Қаҳқашонда деб бир ситора,  
Бу олам саҳнидан бино изладим.  
Кулган толеингни қилмай деб қаро,  
Илми табобатдан Сино изладим.

Сени деб субҳидам чиқиб гулзора,  
Ҳуснингдан маст бўлиб, раъно изладим.  
Қўнгил сирин ошкор қилиб якбора,

Шеър билан дардингга даво изладим,  
Завқ ила боққанда аҳли шуаро  
Навоний сингари наво изладим.

## XI

Наво излаб, кездим чорбоғ ичинда,  
Сархуш этди гуллар мушки анбари.  
Қорачиғ маскани қароғ ичинда,  
Санчилди кўнгилга кўзлар ханжари.

Наво излаб, кездим чорбоғ ичинда,  
Лол қилди чашмалар оби кавсари.  
Дарада порлаган чароғ ичинда  
Хаёлим оҳудай кезди сарсари.

Булоқнинг игнадай кўзида ёғду,  
Асов шаршарада ўтли бир туйғу  
Сеҳрини англадим сўроқ ичинда.

Харсанг тош кўкида сеҳргар санъат,  
Булбул навосида ҳажру муҳаббат —  
Оҳангин тингладим мен тоғ ичинда.

## XLI

Ўзбекистон — серқуёш мамлакатдур,  
Далалари — тўкин-сочин дастурхон.  
Бахти кулган мангулик салтанатдур,  
Юрагида ёли бор бир паҳлазон.

Табиати — баҳорга башоратдур,  
Фирдавс монанд боғларидур гулистон.  
Ўсимлиги дардларга табобатдур,  
Об-ҳавосин шайдосидур Хуросон.

Дарёлари — умрига саодатдур,  
Қалб меҳрининг косасидур чашмаси.  
Бойлигига — тупроғи кафолатдур.

Тонг насими — боқий умрин нашъаси,  
Табассуми — элимга садоқатдур,  
Юлдузлари — орттирган дўст, ошнаси.

## XLII

Ургут тоғларидан ташласам назар,  
Кўзимга оқариб Чотқол кўринди.  
Бағримдан қазиб ол, дегандай жавҳар,  
Чотқол нигоҳида висол кўринди.

Фарғона васлига ошиқиб саҳар  
Қурама бошида ҳилол кўринди.  
Боботоғ бағридан изласам олқор  
Аму тўлқинлари зилол кўринди.

Залворли тоғларнинг сукутларида  
Чолларни маст этган хаёл кўринди.  
Юксакка талпинган бургутларида

Умрлар кўкида Зухал кўринди.  
Тоғма-тоғ сайр этган булутларида  
Она ер кўзига иқбол кўринди.

### XLIII

Тоғлар — она, дарёлар — фарзанд эрур,  
Фарзанд билан она қалби туташдур.  
Она тахти — ҳаётда манги турур.  
Фарзанд унга содиқликда қуёшдур.

Фарзанд билан ул ҳаёт завқин сурур,  
Она меҳри — оби-ҳаёт, оташдур.  
Фарзанд қалби қуёш бўлиб сочар нур,  
Она меҳри она ерда талошдур.

Она тоғлар фарзандидур ҳар дарё —  
Сир ва Аму, Сурхон, Чирчиқ, Зарафшон  
Ўзбекистон қалбига меҳригиё.

Фарзандларин ардоқлаб, ота макон  
Не истаса, бўлур шу чоқ муҳайё,  
Ёзмоқ учун элга тўкин дастурхон.

## XLIV

Тоғлар ҳам одамга ўхшаб кетади,  
Улар ҳам она-ер фарзанди, ахир.  
Одамдай, суҳбатни қўмсаб кетади,  
Айби шу — тоғ қилиб яратган тақдир.

Ўрнидан жилолмай, ўксиб кетади,  
Гўё оёғига солинган занжир.  
Одам кўрса, кўнгли юмшаб кетади,  
Сўзлай деса, унинг тили йўқ, ахир.

Тоғлар ҳам одамдай яшайди гўё,  
Баҳра топиб сувдан, ҳаводан, нурдан  
Кўзларига гўзал кўринар дунё.

Тоғлар кўкси баланд эрур ғурурдан,  
Фарзанд бўлгани-чун Заминга, аммо  
Одамдек узолмас оёгин ердан.

## XLV

Тоғлар дарёларни йўллаб сафарга,  
Изидан боқади бир умр бедор.  
Дарёлар боғларни чулғаб баҳорга,  
Тоғлардек уйқуни билмайди зинқор.

Дарёлар дош бериб хавфу хатарга,  
Чанқоқ чўллар учун этар жон нисор.  
Тоғлар буркаганча бошини қорга,  
Навбаҳор бағрини айлар лолазор.

Оналар фарзандин кутгандек зор-зор,  
Дарёлар қайтишин кутмайди тоғлар.  
Далалар бағрида йўқолса агар,

Болам деб, зор қақшаб ўтмайди тоғлар.  
Балки, одамлардан бўлиб миннатдор,  
Армонсиз умрни қўмсайди тоғлар.

## XLVI

Замин томирига қондир дарёлар,  
Юрак урмас қон бўлмаса.  
Жисм аро жонига жондир дарёлар,  
Тан мурдадир жон бўлмаса.

Унга оби-ҳаёт, нондир дарёлар,  
Ҳаёт кулмас нон бўлмаса.  
Ҳаёт неъматига қондир дарёлар,  
Дунё хароб қон бўлмаса.

Олтин бошоғига дондир дарёлар,  
Хирмон бўлмас дон бўлмаса.  
Сўнмас шуҳратига шондир дарёлар,

Бахти кулмас шон бўлмаса.  
Ҳаёти — зар афшон тонгдир дарёлар,  
Тонг отмагай тонг бўлмаса.



## XLVII

Дарёларнинг қўлларидур ирмоқлар,  
Ирмоқларнинг умри қисқа инсондай.  
Дарёларнинг дудоғидур қирғоқлар,  
Қирғоқларнинг ёноқлари бўстондай.

Дарёларнинг кўзларидур чироқлар,  
Чироқларнинг нурига ул ошёндай.  
Дарёларнинг манзилидур боғ-роғлар,  
Боғ-роғларнинг бағри кенгдур уммондай.

Шу уммоннинг висолига етгунча,  
Қирғоғидан тошиб келур дарёлар.  
Замин вужудига сингиб кетгунча,  
Тоғу тошдан ошиб келур дарёлар.

Ирмоқ бўлиб бўзласа ҳам сўнгги бор,  
Она ерни мангу айлар бахтиёр.

## XLVIII

Ва лекин дарёлар бўлса ҳам сероб,  
«Дарёлар бўйида эдик сувга зор»<sup>1</sup>.  
Бир челак сув учун бўлардик хуноб,  
Ташналик комида чекардик озор.

Еримиз сувсираб эди жингиртоб,  
Хирмонлаб дон олмай, эдик оч-наҳор.  
Ҳолимиз сўргувчи йўқ эди мироб,  
Мироб бўлганда ҳам эди нобақор.

Энди-чи, дарёлар оқур шарқираб,  
Сув сероб, ер сероб, серобдур дон ҳам.  
Пешонамиз кундай қолди ярқираб,

Она еримизга ўзимиз ҳакам.  
Энди чироғимиз ёнур парпираб,  
Ўзимиз зиёбахш инсони аъзам.

---

<sup>1</sup> Катта Фарғона канали ҳақидаги шеърин мак-  
тубдан.

## XLIX

Сувдан — нур, тупроқдан дур олмоқ учун  
Халқимиз чиқарди бир ёқадан бош.  
Орзу-армонлари бўлмасдан куқун  
Толеи кўкида порлади қуёш.

Фарғона жигари бўлганида хун,  
Ташналик — кўксига отганида тош,  
Она-ер дудоғи қовжироқ, беун,  
Йиғлай деса, кўздан чиқмаганда ёш,

Оёққа қалқиди бутун мамлакат,  
Фарғона кўксида қолмасин деб доғ.  
Асрий чўл қўйнида қурди салтанат,

Ёғдудан тахт ясаб, эрдан эса боғ.  
Бугун шу каналдан жон олур ҳаёт,  
Сув ва нур — бу элда кўз ила қароғ.

## L

Сувга ҳам, нурга ҳам бўлмайлик деб зор  
Кетмон билан отландик жангга,  
Бу ҳолни тушида кўрмаган диёр:  
«Раҳмат,— деди халқим,— отангга».

Фарғонага бериб акс-садо  
Аҳли Зарафшон ҳам «ҳайт!» деб қўзғалди.  
Каттақўрғон уммонин барпо  
Қилгали қўлига кетмонин олди.

Кетмон билан қазидик канал,  
Кетмон билан бунёд айладик уммон.  
Асрий орзу топди-ю амал  
Уз бахтин яратди қўли гул инсон.

Мўъжизакор наслимиз учун  
Афсонага ўхшар бу гаплар ёгун.

## LI

Кетмон билан бўғдик дарёни,  
Фарҳод ГЭСига ҳам яради кетмон.  
Чўмилтгани нурга дунёни,  
Дарёга гов бўлди минг-минглаб Дўнон.

Замбил, аравада ташиб келдик тош,  
Елкамизда қоп-қоплаб қумни.  
Тупроқ қазисак гар қорайгунча қош,  
Тонгда кутди бетон ҳужумни.

Цемент қориб, бўлди қўлимиз қадоқ,  
Иродамиз ўтда тобланди.  
Порлагунча ўзбек уйида чироқ  
Қалбимизда ёғдуси ёнди.

Сув ва нур жангида ёлиб, музаффар  
Халқимиз бошида бугун нур чамбар.

## LII

Нурлар чамбаридан кўзим қамашиб,  
Оби-ҳаёт наҳрин кузатаман жим.  
Тўлқинлар мавжида ёғду улашиб,  
Оқ кемада сузиб бормоқда халқим.

Хаёлим карвони қолур адашиб,  
Зангор уфқларда сайр этар руҳим.  
Парвона сингари зиё талашиб,  
Чироққа ўзини ураётган ким?

Бу — нурга талпинган қалбдир — исёнкор,  
Оқ кемага қўлин узатиб турган.  
Ёинкч бир ҳовуч сувга бўлиб зор,

Дашту биёбондан қудуқ қидирган,  
Йўқ, бобом руҳи бу — вазмин, улуғвор,—  
Набираси уйин чарогон кўрган.

### LIII

Чароғон уйимнинг қошида тоғлар,  
Дарёлар мавж урар қир, даласида.  
Тоғларга тутшиб порлар чироқлар  
Пахтакор юртимнинг ҳар хонасида.

Мени сармаст этган анвойи боғлар  
Завқи бор қалбимнинг таронасида.  
Толеи ёр бўлиб, бахти чарақлар  
Музаффар халқимнинг пешонасида.

Бугун ул забт этди юксак юлдузни,  
Қўл билан яратди олтин — тупроқдан.  
Амрига шай қилиб дарё, денгизни,

Оламга нур берди Ильич чироқдан.  
Нурдай муқаддас деб нон ила тузни,  
Гербига кўрк берди олтин бошоқдан.

## УЧИНЧИ ФАСЛ

\*

### LIV

Ўзбекистон водийлари — поёни йўқ оқ денгиз,  
Оқ денгизнинг тўлқинлари тошиб ётар қирғоқдан.  
Қирғоқдаги хирмонлари — маёқдир кеча-кундуз,  
Кеча-кундуз ёғду порлар кўкни ўпган маёқдан.

Марваридин ўз қаърида пинҳон сақласа денгиз.  
Оқ денгизнинг жавоҳири кулиб боқар чаноқдан.  
Денгиздан дур излаганлар баъзан йўқолса беиз,  
Оқ денгизнинг ғаввослари мамнун она тупроқдан.

Гар денгиздан дур тополмай, ғаввослар чиқса ғамгип,  
Оқ денгизнинг соҳиблари олтин ортур карвонга.  
Ва лекин денгизчилар портга қайтгандай мамнун  
Оқ денгизнинг кемалари ошиқади хирмонга.

Олтин кузнинг оғушида жимирлайди оқ денгиз,  
Гавҳар терган ғаввосларин қалби каби пок денгиз.



## LV

Пахтани пайваста айлаб бошоққа,  
Бошига тож кийди ўзбек деҳқони.  
Кўз нурин, қалб қўрин тўкиб чаноққа,  
Пахтадек пок бўлди унинг имони.

Шу деҳқон юртига боқсанг маҳлиё,  
Кумушкон оламдан кўзинг қамашар.  
Оқ тоғлар бошидан балқиган зиё  
Сеҳридан бир дамда ақлинг адашар.

Гар пахта бўлмаса, юртимнинг ҳатто  
Қўркини тасаввур қила олмайсан.  
Колумб янглиғ гарчанд қилсанг-да хато

Юртимни пахтасиз кашф этолмайсан,  
Магелландек кезсанг дунёни ҳатто  
Пахтазорин четлаб ҳеч ўтолмайсан.

## LVI

Пахтанинг қадимий ватани бу ер,  
Бу ерда илк дафъа туғилган пахта.  
Олтин бешигида кундан эмиб нур,  
Одамзод меҳрига йўғрилган пахта.

Биринчи чигитни қадаган инсон  
Ўзбек шажарасин ибтидосидир.  
Балки, бу, янги бир даврдан нишон,—  
Ибтидо асрнинг интиҳосидир.

Тупроқ бағрин ёриб, ниш урганда ул  
Инсон манглайида нур балқигандир.  
Қўшқулоқ ғўзани силаганда қўл,  
Балки, шодлигидан ер қалқигандир.

Балки, тўнғич чаноқ очилган замон  
Чаккасига тақиб олгандир инсон.

## LVII

Бу қутлуғ мўъжиза, буюк кашфиёт  
Инсон заковатин битта меваси.  
Замонлар баҳрида долғали ҳаёт  
Тўфонини енгган ақл кемаси.

Инсон идрокига Замин бериб тан,  
Муборак пойига қўйди бошини.  
Кашфига бағрини қилдию ватан,  
Кафтида кўтарди ўз наққошини.

Ва лекин қилмади замон эътибор,  
Қотиблар этмади номин якқалам.  
Чигитни кашф қилган уста соҳибкор  
Кимлигин унутиб юборди олам.

Бугун-чи, Номанлум, эй, буюк Инсон,  
Қошингда бош эгар ҳур Ўзбекистон.

## LVIII

Пахтажон! Сени кашф қилган соҳибкор  
Сенга мос бағри кенг маскан яратди.  
Кўм-кўк кенгликлар-ла қил деб ифтихор,  
Дарёлар бўйида чаман яратди.

Сенга тоғу тошни қилса гар макон,  
Унсанг ҳам, тўймасдинг қуёш нурига.  
Дудоғинг очилмай, ўртанарди жон,  
Афсус қилар эдинг, балки, умрингга.

Шуниг учун яйраб қулоч от дея  
Сўнгсиз всдийларни берди амрингга.  
Саратон офтоби сочганда зиё  
Ҳайрон қолсин деди бардош-сабрингга.

Бу маскан, пахтажон, Ўзбекистондир,  
Сувию, тупроғи танингга жондир.

## LIX

Бошингга қўнди-ю бир кун ҳумоюн,  
Насими Инқилоб эсди боғингдан.  
Ёлвориб пойингга ёпишди ҳуюн,  
Мени ҳайдама деб энди боғингдан.

Қуюн ҳам, вабо ҳам бўлди бадарға,  
Дори-дармон берди танингга мадор,  
Япроғинг сарғайиб мисли васарға,  
Чаноғингдан олтин кўрсатди дийдор.

Сен ўсган ернинг бу — кумуш кулгуси,  
Меҳнат гулзорининг оппоқ гулидир,  
Бу — қуёш ёғдуси, ернинг севгиси,  
Кафтида дур тутган инсон қўлидир.

Бобо деҳқон кўнгли бўлгани-чун оқ,  
Сен оқсан, юзингда заррача йўқ дор.

## LX

Сени деб от сурдик Мирзачўлга биз,  
Саҳрони уйғотди ёшлик сурони,  
Бошланса ҳам янги ҳаёт бўрони,  
Кўзларин уқалаб, ҳеч чўкмади тиз.

Чўл билан олишдик, туриб юзма-юз,  
Оташ моторлардан тинчи йўқолди.  
Барини йиғолмай, сўнг қочиб қолди,  
Ёшлик ҳужумидан чекиниб сўзсиз.

Чўл судраб барини қочмоқда ҳамон,  
Ёшлик қувиб борар уни изма-из,  
Изида чайқалар пахтазор — денгиз.

Чўлни таниб бўлмас, бугун ул бўстон,  
Ҳатто пойтахти бор — шаҳри Гулистон,  
Муҳтарам меҳмонга тутгувчи нон-туз.



## LXI

Мирзачўл — биз учун азиз, муқаддас,  
Доҳийнинг нигоҳи тушган диёрдир.  
Шунинг-чун бир умр шод, бахтиёрдир,  
Дийдорин кўрмоқни ким қилмас ҳавас.

Бу диёр поёнсиз — кўзлар илғамас,  
Чайқалиб мавж урар кумуш пахтазор.  
Ҳокими мутлақдай унга пахтакор —  
Меҳнат салтанатин қурганлиги рост.

Кемалар жиловин тутган капитан  
Юрагида ёнган оташ, эҳтирос,  
Тоғ-тоғ хирмон учун—буюк бир ихлос.

Унинг журъатига олам берур таъ,  
Лозим бўлса, бошга кўтарур Ватан,  
Ва солур пойига гулдан поёндоз.



## LXII

Мирзачўл, бугунги ҳусну жамолинг,  
Элни қилур маҳлиё.  
Жаҳон аро топган қадру камолинг,  
Кўзларига тўтиё.

Дунёга бергусиз тахту аъмолинг,  
Тупроғинг эрур кимё,  
Сирдарё бўйидан эсган шамолинг,  
Юрт жонига мўмиё.

Машриққа кўрк берган дўстлик чиноринг,  
Фарҳод чироғидан нурли виқоринг,  
Ленин заковатидан.

Довруғинг оламга дostonлиги ҳам,  
Халқингнинг бахтиёр инсонлиги ҳам,  
Ленин саодатидан.

### LXIII

Мирзачўлга ўхшаб Қарши дашти ҳам  
Қовжираб ётарди сув илинжида.  
Ранглари сарғайиб Аму пинжида,  
Қақроқ лабларига тегмас эди нам

Фалакка ёлворган чўли муаззам  
Хумдонга ўхшарди айни саратон.  
Жазирада азоб чекмасин деб жон,  
Инсон ҳайнқарди қўйғали қадам.

Кимсасиз, ҳувиллаб ётган бу тупроқ  
Дардини ичида сақларди мудом,  
Одамзод қошида бўлгандай мулзам.

Мулзам эди чўлдан инсон ҳам бироқ,  
Ерни қаттиқ дерди, осмонни йироқ.  
Чўл каби ташнайди, ахир, ўзи ҳам.

## LXIV

Қаршидан ранг олган чўли Шеробод,  
Бағрига дурина сочибди Сурхон,  
Дурдан тоғ қилмоқни ўйлаб Шоймардон  
Тонг билан сурибди Шерободга от.

Курашдан иборат бўлган бу ҳаёт  
Қайнатибди уни ўз қозонида.  
Пахтакор қонини кўриб жонида,  
Қарчиғай йигитдан сўрабди нажот.

Ёлвориб, пойига бош қўйибди чўл,  
Қўлингдан келса гар қил дебди обод,  
Кун келиб айларман мен ҳам сени шод.

Шоймардон ҳам, чўл ҳам бериб қўлга-қўл,  
Азалий сирдошдай тилашгач оқ йўл,  
Олтин хазинасин очмиш тилсимот.

## LXV

Пахта деб, билмадик иссиқ-совуқни,  
Чўлларнинг шохини олдик қайириб.  
Доимо нишонга отолдик ўқни,  
Замин доғин ювдик, шўрдан айириб.

Зарафшон зар қилди чўли Маликни  
Ва бизга жилмайди, устин шай қилиб.  
Ёзёвон чўлида бор қилдик йўқни,  
Қолмадик зоғ учмас чўлдан ҳайиқиб.

Чўл бугун бизларни қилур имтиҳон,  
У қанча жасорат, мардлик гувоҳи.  
Пўлат худди ўтда тоблангансимон  
Биз чўлда тобландик, чўллар нигоҳи —

Ёрқин истиқболдан сўзламоқдадир,  
Оқ тоғлар чўққисин кўзламоқдадир.

## LXVI

Пахтажон! Сен мангу туганмас қонсан,  
Ҳам тошиб ётибсан чаноқдан сутдай,  
Дала-туз зийнати — барака-қутдай,  
Дастурхон кўркига кўрк берган нонсан.

Элим томирида гупурган қонсан,  
Инсоний гурури, шараф, фахрисан,  
Покиза виждони, номус-орисан,  
Қалбида мавж урган ҳаётбахш жонсан.

Безавол умрнинг силсиласида  
Ялангтўш кўксини безаган шонсан,  
Кўзига зиёсан, эрксан, имонсан.

Қон-қардош элларнинг онласида,  
Ўрта Осиёнинг пок сийласида  
Қуёшдай балқиган Ўзбекистонсан.

## LXVII

Сен жондош элимнинг усти бошисан,  
Кийинтирсанг етар дунёни ҳатто.  
Пояндоз бўлурсан ойга қадар то,  
Сен инсон ҳуснининг бир наққошисан.

Сен унинг юзисан, кўзу қошисан,  
Нигоҳбон киприксан қорачиғига.  
Егдусан ҳаётин шамчироғига,  
Тупроқни дур қилган чўнг бардошисан.

Ҳазрати инсондай қўли гул меъмор,  
Ҳаёт иморатин мрамор тошисан,  
Ўзбекнинг Самарқанд, Кешу Шошисан.

Халқим умри ила умринг баробар,  
У сени, сен уни этмай хору зор  
Евга эгилмаган мағрур бошисан.

## LXVIII

Момиқдай юмшоғу жисми жаҳонинг,  
Қалбингдаги чигит тошдай қаттиқдир.  
У фашист кўксига қадалган ўқдир,  
Бунга кафил эрур сенинг имонинг.

Чаноққа сиғмайин қилган туғёнинг,  
Юлдузга ишқингни айлади пайванд,  
Бошингда кулдию эрки аржуманд,  
«Восход» кемаси ҳам бўлди ошёнинг.

Сен билан Гагарин учди фазога.  
Бир лўппи чаноғинг ўпгач мезбонинг,  
Қувончдан таниннга сиғмади жонинг.

Довруғинг таралиб яна дунёга,  
Бодроқдай очилиб боқдинг самога,  
Космосни забт этди Ўзбекистонинг.

## LXIX

Пойтахти азимни қилгин деб обод,  
Сенга мос жой топдик улуғ шаҳардан.  
Бир ҳайкал ўрнатдик сенга мрамрдан,  
Фаввора сингари қайна, деб абад.

Мрамр жон топди-ю наққош, меъмрдан,  
Чаноқ тимсолида кўргизди жамол.  
Навий қасрида топдингу камол,  
Бошинг кўкка етди зўр ифтихордан.

Ранго-ранг товланиб камадак мисол  
Чаноқ фавворадан отилар инжу.  
Инжумас, она ер қайноқ меҳри бу,  
Шу меҳр туфайли эл топмас завол.

Пахтажон! Чаноғинг қилиб фаввора,  
Сенга ҳайкал қўйдик бу олам ора.



## ТУРТИНЧИ ФАСЛ

\*

LXX

Киндигимиз қони томган бу тупроқ  
Етти пуштимизни йўргаклагандир.  
Бу тупроқ ҳидини туйган кунданоқ  
Қалбида муқаддас бир ўт ёнгандир.

Олтин бешигида тебратгани чоқ  
Тақдиримиз ипин турмаклагандир.  
Болалик боғида ўйнатиб қувноқ  
Орзумиз ниҳолни куртаклатгандир.

Чашма сувидан ҳам покроқ меҳрини  
Она сути билан сингдириб жонга,  
Қалбимизга солган севги сеҳрини.

Бу тупроқ ёр қилиб эрку имонга,  
Тотдириб ҳаётнинг завқ, шукуҳини,  
Жонни фидо айлар ота маконга.

## LXXI

Ота макон сарҳади бор дунёдир,  
Бу дунёда — умр ўлчовли.  
Ҳашаматда лол қолгулик бинодир,  
Бу бинода — умр сийловли.

Умр эса салт тулпордай чопагон,  
Тизгинидан бўлмагай тутиб.  
Бу шундайин бекатсиз бир хиёбон,  
Ҳаёт сени турмайди кутиб.

Йилнинг фасли каби ҳаёт саҳнаси  
Бир маромда турар айланиб.  
Шу саҳнада умрнинг ҳар лаҳзаси  
Истиқболга қучоқ очар шайланиб.

Ота макон — ворисли бу иморат,  
Умр отин изларидан иборат.

## LXXII

Инсон умри қисқа қуш уйқусидай,  
Минг йилни безайди шу умр баъзан,  
Ҳаёт ишқи унга гар бўлса мезон,  
Дилга завқ бахш этар шеър туйғусидай.

Баъзан ғаним тутган май оғусидан  
Яраланган қушдай озор чекар жон.  
Энг ширин орзулар бўлай дер хазон,  
Булбул кўз ёшидек эл қайғусидан.

Ғам тошни эритар шодлик оташи,  
Дардчил дилга ҳаёт бағишлар дармон.  
Эзгулик — умрнинг эрур наққоши.

Умр бу — уфққа йўл олган карвон,  
Тоғни кўтарса ҳам етар бардоши,  
Карвон ўтса, вале қилмангиз армон.

### LXXIII

От изини босган каби той,  
Аждодлар умрини айладик давом.  
Туғилгандек баланд тоғда сой,  
Тоғдек оталарга суяндик биз ҳам.

Оталар «Эрк!» деган муқаддас сўзни  
Унутмади худди қасамдай.  
Инқилоб жангида юмса ҳам кўзни,  
Юлдузлари сўнмади шамдай.

Умр кошонасин айлаб чароғон  
Шу юлдузлар порлаб турибди.  
Авлодлар йўлига бўлиб чароғбон,  
Саодатга ёрлаб турибди.

Оталар юлдузи кўлиб, ярқираб,  
Халқим кўксин турибди безаб.

## LXXIV

Халқимнинг бахтига бўлиб раҳнамо,  
Бошини силади бир Буюк инсон.  
Шу инсон қалбидан нур эмди гўё  
Зулмат гўшасида озор чеккан жон.

Улуғ рус халқидан топдию нажот,  
Тақдирига қилди тақдирин пайванд.  
Ўзбек ҳам эл аро қозондию от,  
Дўстлик неъматидан бўлди баҳраманд.

Шу дўстлик халқ аро бўлдию кўприк,  
Нону туз тотолди бир дастурхондан.  
Мангу пайванд янглиғ кўз ила киприк,  
Халқим ажралмас ҳеч дўст-қадрдондан.

Дўстлик уйин бунёд қилмаса Ленин,  
Халқлар қону қардош бўлмасди бугун.

## LXXV

Дўстлик уйин<sup>1</sup> пойдевори метиндап,  
Мармардан остонаси.  
Мангуликка ажралмайди заминдан  
Бу ҳаёт кошонаси.

Бу уйнинг ўз соҳиби бор — қон-қардош,  
Тили ҳам турли-туман.  
Диллар аро кўприги бор, асрдош,  
Бу, рус тили — бир уммон.

Дўстлар учун эшиклари ланг очиқ,  
Ёзиғлик дастурхони.  
Ғанимларга дарчаси ҳам берк-ёпиқ,  
Йўқдир ҳатто туз-нони.

Дўстлик уйи — бу Советлар диёри,  
Инқилоб ифтихори.

## LXXVI

Дўстлар билан бу уй файзли ва обод,  
Қайғу-ғамдан бегона.  
Саҳнига ҳатто гард қўнмагай абад,  
Шодлик билан дугона.

Бир майизни, ахир, қирқ бўлиб еган,  
Оғайнилар уйи — бу  
Дўст учун ҳаттоки жонидан кечган.  
Оғайнилар уйи — бу.

Бу уйда барча эл фарзанди тенгдир,  
Ёт эрур ирқий низо.  
Соҳиби хонанинг кўнгли ҳам кенгдир,  
Дунё дарди бўлур жо.

Бу уйни дунёнинг бешиги дебон  
Қалбдан садо берур жон.

## LXXVII

Дўст синалар дерлар сафарда,  
Дўстсиз бошим — тузсиз ошимдир.  
Сафардаги хавфу хатарда  
Менга содиқ дўст — йўлдошимдир.

Елкам ҳатто кўтарар тоғни,  
Тиргак бўлса дўстим ёнимда.  
Саҳродан ҳам топгум булоқни,  
Дўст меҳрини сезсам қонимда.

Бу дунёнинг шодлигу ғамин  
Дўстлар билан кўрурман баҳам.  
Ўтказмайин дўстсиз бир дам  
Дардларига бўлурман малҳам,

Кимки дўстга бўлмаса содиқ,  
Ҳаёт узар кўкрагига ўқ.



## LXXVIII

Содиқ дўстлар топдию халқим  
Отланди бир улуғ сафарга.  
Таниб олди — дўст ким, душман ким  
Ва гов бўлур кимлар зафарга.

Дўст ниқобин кийган душманни  
Илинтирди ўз тузоғига.  
Оёғига солиб кишанни,  
Ҳибс айлади лаънат тоғига.

Қамчи босиб сафар отига,  
Яна йўлга ошиқди дўстлар.  
Бир сафарким, жасоратига  
Етмагайдур дунёда сўзлар.

Бир сафарким, дунё кўрмаган,  
Йўлларидан ҳатто юрмаган.

## ЎХХІХ

Бу сафарда занжир ҳалқасисимон  
Дўстлар сафи яна жипслашди маҳкам  
Туғаноқ бўлганда йўлига душман,  
Дўстлар кулфатни ҳам кўришди баҳам.

Фашизмни айлаб ер билан яксон,  
Дўстлигига ҳатто юқтирмади гард.  
Муштинар онанинг фарзандисимон  
Музаффар бир жомни сипқорди не мард.

Яна дўстлик уйин ҳуснига оро,  
Баҳорни нақш этди манзарасига.  
Мағрур парвоз айлаб юлдузлар аро  
«Космос» сўзин чекди шажарасига.

Халқимиз бўлмаса бунча қон-қардош,  
Дўстлар бир ёқадан чиқармасди бош.

## LXXX

Ўзбекистон— қардошликка маёқдир,  
Байналминал — тилидан ҳеч тушмағай.  
Дўстлик деса — бахт кўкида чароқдир,  
Булоғи ҳам дўстликсиз ҳеч жўшмағай.

Лозим бўлса, заҳар ичар дўст учун,  
Оташдан ҳам эсон-смон чиқажак.  
Қуёш етмас музлик кечар дўст учун,  
Тоғларни ҳам даст кўтариб, йиқажак.

Енганидан қардошликнинг чироғи,  
Пахта тоғи кўк тоқига устундир.  
Дўстга макон бўлганидан тупроғи,  
Ўзбекистон бағри бугун бутундир.

Ўзбекистон — Шарқда дўстлик кўзгуси,  
Ушалгандир бунда Ленин орзуси.

## LXXXI

Ўзбекистон — ярим асрдан буён  
Қудратли бир гўзал ўлкадир.  
Янгроқ овозини тинглайди жаҳон,  
Бахтин топган республикадир.

Қутлуғ пойтахти бор — Тошкенти азим,  
Янги Шарқнинг чўнг дарвозаси.  
Ун икки вилоят қилади таъзим,  
Ҳар қитъада бор овозаси.

Ўзбекистон рамзи — байроғи ҳам бор,  
Герби ҳам бор, кўрса-кўргудек  
Унда пахта, буғдой бошоғи ҳам бор,  
Уроқ-болға — Гербин кўркидек.

Гимни бор — дунёга қўшиқ бўлгулик,  
Оҳангига ҳавас қилгудек.

## LXXXII

Дўстлик шаҳри дея Тошкент олди ном,  
Тошкентда қардошлар қалбин қўри бор.  
Ўзбек диёрига буюк эҳтиром,  
Меҳр ила муҳаббат, кўзин нури бор.

Жасорат шаҳри деб Тошкент олди ном,  
Тошкентда мардликка қўйилди ҳайкал.  
Машъум зилзиладан олиб интиқом,  
Қардошлар Тошкентга беришди сайқал.

Дўстлик ва жасорат бунда ёнма-ён,  
Юрак ва ақлдек, ҳунару зако.  
Вайрона уйлардан қолмай ном-нишон,  
Алпдай қад ростлади минглаб кошона.

Дўстлик диёрида туғилди Тошкент,  
Ва дўстлар меҳрига йўғрилди Тошкент.

### LXXXIII

Тошкентда — Лениннинг шаънига лойиқ  
Мармардан бир қаср қурдик — ягона!  
Доҳийни зиёрат қилган халойиқ  
Қалбига нур сочар ўша кошона.

Муаззам бешикдай ақлу закога,  
Она ер кафтида кулмиш улуғвор.  
Шарқнинг ҳайкалидай ўлмас даҳога,  
Навоий қасрига боқар пурвиқор.

Доҳий ҳаётининг дорилфунуни,  
Мангу бир умрнинг қомусидир бу.  
Лениндан миннатдор насллар уни,  
Қорачиби янглиғ асрагай мангу.

Ўрта Осиёга бўлиб зўр маёқ,  
Бу қаср Шарқ уфқин айлагай порлоқ.

## LXXXIV

Елғиз отнинг чанги чиқса ҳам  
Донғи чиқмас дейди халқимиз.  
Дўст топмаса содиқ ва ўктам,  
Чиқмас эди донғи шубҳасиз.

Дастурхони бўлса-да тўкин,  
Меҳмонига ёзмаса агар,  
Дўст изига зор бўлиб бир кун,  
Сарғаяди ранг-рўйи баттар.

Якка чинор бўлиб кўрса кун,  
Синар эди бели бўрондан.  
Тўпиғига чиқмаса тўлқин,  
Яшин урар эди осмондан.

Яхшиям бор, қаторда нори —  
Мангу содиқ дўст-биродари.

## LXXXV

Гар қаторда бўлса норинг,  
Юкинг ерда қолмас, дерлар.  
Ҳамроҳ бўлса биродаринг,  
Оёғинг ҳам толмас, дерлар.

Дўстлик бўлса туғ, шиоринг,  
Ғаним чангал солмас, дерлар.  
Буюк бўлса аҳд-қароринг,  
Кўзларинг ҳам олмос, дерлар.

Дўстлар сенга бўлса мадор,  
Қайрилмагай қанотинг ҳеч.  
Дўстга этсанг жонинг нисор,

Ҳаётингда бўлмас ўкинч.  
Дўстинг агар чиқса агёр,  
Бошинг узра ўйнар қилич.



## LXXXVI

Дўсти кўплигидан қўли ҳам баланд,  
Кўксига қадаган эрк юлдузини.  
Ўрол билан қалбин этгали пайванд  
Ер остидан топди газ денгизини.

Дўстлик уйин яна қилгали обод  
Қизилқум тилсимин очди кўзини.  
Мурунтовнинг бўлиб мушкули кушод,  
Кўзларига суртди дўстлар изини.

Қардешларга тутиб нон ва тузини,  
Қаддини ростлади шаҳри Зарафшон,  
Қизилқум даштида мисли паҳлавон.

Тинглаб Мурунтовнинг юрак сўзини,  
Оламга намойиш айлар ўзини  
Тилло шаҳристонда дўсту қадрдон.

## LXXXVII

Москва қалбига туташдир бугун  
Ўзбекистон йўллари.  
Саодат нуридан ойдин куну тун  
Ўзбекистон йўллари.

Куну тун дарёдай уради тўлқин  
Ўзбекистон йўллари.  
Ҳатто бир дақиқа билмайди тиним  
Ўзбекистон йўллари.

Кўприк янглиғ боғлар Шарқу Шимолни  
Ўзбекистон йўллари.  
Кўз етмас уфқдай чулғар хаёлни  
Ўзбекистон йўллари.

Дўстлик йўлидир бу бўстон йўллари,  
Ўзбекистон йўллари.

## LXXXVIII

Бу йўлдан кўп карвон ўтган.  
Олис манзилни кўзлаб.  
Бу йўлдан кўп сарбон ўтган  
Юрак дардини сўзлаб.

Уша карвон йўли бугун  
Менинг йўлимга туташ.  
Уша сарбон дили бугун  
Менинг дилимга туташ.

Мендан сўнг ҳам бу кенг йўлдан  
Утар не-не карвонлар.  
Эрк машъалин қўймай қўлдан

Утар не-не сарбонлар.  
Дўстлик мадҳин куйлаб дилдан  
Утар не-не инсонлар.

## LXXXIX

Ҳар Ватаннинг ўз фарзанди бор,  
Ҳар фарзанд ўз юртида ҳоким.  
Умри бўлиб юз йилга пойдор,  
Кўзга суртар она юрт хокин.

Она юртда қутлуғ бир маскан  
Уни доим тортар ўзига.  
Қай чамани қилмасин Ватан,  
Илҳақ бўлар пону тузига.

Юрагида дарди бўлса гар  
Шифо берар унга шу маскан.  
Гар айтмаган бўлса ҳам алёр,  
Шу масканда куйлайди шўх-шан.

Ўзбекистон — қутлуғ бир диёр,  
Унда менинг ўз масканим бор.

## ҲС

Тоғ билан рўбарў менинг деразам,  
Боғ кўчам бош қўйган унинг пойига.  
Жанубга қараган нақшин дарвозам  
Остонаси туташ Ургут сойига.

Шу сойнинг биллурдек оби зилоли  
Тоғ билан қалбимни қилолди пайванд.  
Олмос чўққидаги кўкнинг ҳилоли  
Менинг хаёлимга ташлади каманд.

Шундан тоғ этди-да асиру шайдо,  
Мени ҳаловатдан этгали жудо,  
Шеър дардини солиб қўйди қалбимга.

Бу дард бир умрга тинчитмас асло,  
Унга мен ҳаётдан ахтариб даво,  
Шу тоғдан тош қўйдим шеърий қасримга.

—

## ХСИ

Ургутнинг тоғида ўлиб осмонни,  
Юлдузга кифт тутган юксак чўққи бор.  
Уни забт этолган ботир ўғлонни  
Кафтида кўтарар бу тоғли диёр.

Шу чўққига нузли сўқмоқ йўл кетган,  
Саробдек жимирлаб олади кўзни.  
Одамлар ҳайрондир, дастлаб ким ўтган,  
Ким кашф айлаб, жумард санаган ўзни.

Унга сл байроқни қадамоқ учун,  
Қўрқмасдан баҳорги дўл ва чақмоқдан  
Дастлаб бобом юрган ўша сўқмоқдан.

Шу сўқмоқда менинг қадамим бугун,  
Не керак, чақмоқли йўлдан қўрқмоқдан,  
Чўққини забт этгум ўша сўқмоқдан.

## ХСІІ

Тоғни кўрсам, отам тушар эсимга,  
Отам суяб турар мени ҳам тоғдек.  
Қўл урсам, шу тоғда қайси тилсимга,  
Ганжинаси қайнаб чиқар булоқдек.

Отамнинг қалби ҳам шу тоғга монанд,  
Унда ҳам мен муштоқ дурри-гавҳар мўл.  
Бир умр шу дурни терсам-да гарчанд,  
Унинг хазинаси тугамас буткул.

Тоғнинг ҳам отамдек боши узра қор,  
Отам ҳам тоғ каби девқомат, ўктам.  
Тоғга зийнат бўлиб яшнаса чинор,  
Отамнинг кўрки — мен, акам ва укам.

Мени суяб турар икки улкан тоғ,  
Икки тоғ аро мен — қайнаган булоқ.

## ХСIII

Меч қайнар булоқман, қалбим кўзини  
Тош билан ёполмас қаттоки ғаним.  
Қаърида дур бўлиб ётган сўзини  
Кўзин қаросидай асрар маҳзаним.

Дилда туғён урган ҳис денгизини  
Ёт кўздан сақлагай кўкрагим маним.  
Тўлқинлар бағрида кўриб ўзини  
Қалъаи кўнгилда яйрар бу жоним.

Мен қайнар булоқман, қирғоқларимдан  
Бир лаҳза узилмай дўсту қадрдон,  
Жавоҳир теради юракларимдан.

Оламга сочъандек заррин Зарафшон,  
Мавжланиб оқаман дил боғларидан,  
Қалб дурин халқимга этгали эҳсон.



## XCIV

Менинг кўнглим тилсимотга ўхшайди,  
Ул оламга боқар икки туйнукдан.  
Юрт дийдорин тўйиб кўрмоқ қўмсайди,  
Қош остига қўнган юлдуз ул кўкдан.

Менинг кўнглим тилсимотга ўхшайди,  
Дарчасини очишга ким қилур эрк.  
Тилим унга калит бўлмоқ истайди,  
Қалб амрисиз очилмагай қулфи лек.

Менинг кўнглим тилсимотга ўхшайди,  
Анор каби қирмизи ранг, бағри қон.  
Чўғдай ҳислар гурлаб ён деб қистайди,  
Гурлаб ёнсанг, умринг бўлур чароғон.

Ёниб ўтар умрим маним бегумон,  
Кўнгили ичра Ватан меҳри, дейди, ён!

## ХСV

Бу меҳр сут билан кирган қонимга,  
Чиқар фақат жон билан.  
Шеърият туйғусин қўшиб жонимга,  
Қалбга кирган қон билан.

Ноз-неъмат бахш этиб дастурхонимга,  
Обод қилган нон билан,  
Зарра гард қўндирмай пок имонимга,  
Мени қутлар шон билан,

Бу меҳр шуъласи порлаб кўзимда,  
Ҳаётни айлаб жонон,  
Менга бир тахт қурган ернинг юзинда.

Шу тахтда суриб даврон,  
Бахтингни кўролдим ризқу рўзимда,  
Қуллуқ сенга, Онажон!

## ХСVІ

Сени севгачимни жонимдан ортиқ  
Изҳор қилолмасам шеър билан агар,  
Майли, бошларимдан сочма сийм<sub>у</sub> зар,  
Мени фарзандим деб санамагин, йўқ

Бу олам гулларин қилмасам тортиқ,  
Ўстирган дарахтим бермаса самар,  
Агарда тилимдан ёғмаса гавҳар,  
Болам деб қошимда қилмагин қуллуқ.

Бешигим бошида айтган аллангни  
Шеър билан узолмай, бўлсам қарздор,  
Унутгин, онажон, мендай болангни.

Умрим бўлолмаса умрингга пойдор,  
Гар кўкка совурсам олтин лаҳзангни,  
Мени оқ қилгину ғам чекма зинҳор.

## МУРОД

\*

### ХСVII

От айланиб топгандай қозигини,  
Қайда бўлсам мен юртимга келурман.  
Сайёҳ кўзга суртгандай озигини,  
Юртим хокин мен тўтиё қилурман.

Дарё тоғдан пойини узмагандай,  
Мен ҳам ундан оёқ узиб кетолмам.  
Ўз элида одамзод тўзмагандай,  
Мен ҳам элсиз бирор тоғдан ўтолмам.

Олма узоқ тушмагай дарахтидан,  
Сувсиз ерда унмас чинор ниҳоли.  
Фарзанд кечмас онанинг тож-тахтидан.  
Ҳатто элдан айрилмас юрт шамоли.

Булбул гулга айтгандай оҳу зорин,  
Мен сўйладим юртимга дилда боғин.

## ХСVIII

Фикр отин жиловин ясаб нурдан,  
Туёгини олмос тоғдан йўндирдим.  
Ғўс<sup>1</sup> чинорин эгар қилиб қўндирдим,  
Узангисин ўрнатдим мен темирдан.

Хуржунига дон солиб она ердан,  
Изларида турфа гуллар ундирдим.  
Қалбимни бир чавандоздай миндирдим,  
Сакраб ўт деб дуч келса Аму, Сирдан.

Чавандозга беқасам тўн кийдириб,  
Шоҳи белбоғ боғлаб қўйдим белига.  
Чўст дўппида кўрган кўзни куйдириб,

Қаламимни тутқаздиму қўлига —  
Субҳидамда боғ аро от қўйдириб,  
Умид билан боқдим унинг йўлига.

---

<sup>1</sup> Ургутдаги қишлоқ.

## XCIX

Үн тўрт йўлни бир даргоҳга туташтириб,  
Ой бориб, қайтди омон.  
Ҳар бир йўлда ҳаётбахш бир оташ кўриб,  
Кўнгли бўлди нурафшон.

Үн тўрт йўл бу — ўн тўрт юртнинг элчисидир,  
Элчига йўқдир ўлим.  
Бир юракнинг ўн тўрт юртга севгисидир,  
Севгига йўқдир ўлим.

Элчи билан севги ўлим билмас экан,  
Ўлим билмас шеърият.  
Шеърият деб санчилса ҳам қалбга тикан,

Роҳатбахш бу азият.  
Үн тўрт юртни қондош айлаб, сен-ла, суҳан,  
Яратдим бир мамлакат.

## С

Бу мамлакат икки даҳа,  
Иборат тўрт вилоятдан.  
Қалб меъмори боқар танҳо  
Ҳашамдор юз иморатдан.

Бу мамлакат шоҳи эрур  
Юрак деган бир валломат.  
Тожи-тахти мангу турур,  
Мангу эрур бу мамлакат.


Бу мамлакат пойдевори  
Ўзбекистон тупроғидан.  
Иморатин нақш-нигори  
Кўзларимнинг қароғидан.

Бу мамлакат — ушбу дoston,  
Мен кашф этган Ўзбекистон.

1973—1974. Ургут — Тошкент.







ТОЖ МАҲАЛ  
ДОСТОН



## МУҚАДДИМА

✱

Мулки Ҳинд тупроғида,  
Жамнанинг қирғоғида  
Саёҳат этганимда  
Ва тонгни кутганимда  
Тож Маҳал кошонаси,  
Бинолар шоҳонаси  
Кўзим сеҳрлаганда,  
Қалбим муҳрлаганда,  
Бошимдан учиб хаёл,  
Боққанимда ҳайрон, лол,  
Ухшаши йўқ обида  
Оқ мрамор сийнасида  
Кўрганимда ўзимни,  
Унутиб бор сўзимни,  
Тож Маҳал тарихини  
Ва унинг таърифини  
Жамнадан сўрганимда,  
Хаёлчан турганимда,  
Руҳимни этиб рўшно  
Ердан келди бир нидо.  
Қалбимни солиб ўйга,  
Уч юз йиллик мозийга  
Мени ул бошлаб кетди,  
Бағрим оташлаб кетди.

Уша нидо оташи,  
Мижжамга қўнган ёши  
Уч йилдан бери менга,  
Ором бермас кўнглимга.  
Шунинг учун, дўстларим,  
Менинг қора кўзларим,  
Кўнглим қулфини очиб,  
Сухан гавҳарин сочиб,  
Сизга бугун беармон  
Сўзлаб берай бир дoston.

1

Ҳумоюн учган боғдан,  
Ҳиндиқуш деган тоғдан  
Нарида бир диёр бор,  
Қуёш билан баробар.  
Шу диёр шому саҳар  
Машриққа бўлиб сарвар,  
Қулоч ёзиб уммонга,  
Бешик бўлиб инсонга,  
Бериб унга ризқу рўз  
Ва тегмасин дея кўз,  
Эртақлар тинглаб Гангдан,  
Маст бўлиб шўх оҳангдан  
Шатранж илмин ўргатган,  
Шарқ бешигин тебратган  
Ҳиндистон тарихини,  
Бир жаҳон таърифини

Дилга сифмай қувончи,  
Дўстга ортиб ишончи  
Сўзлар экан оламга,  
Завқ бериб бор одамга.

## II

Шу диёрда бир замон,  
Эл яшаб дориломон,  
Довруғи дoston бўлиб,  
Ҳар изи бўстон бўлиб,  
Оламни қилиб қойил,  
Барчани этиб мойил,  
Сувлиқ билан сув ичиб,  
Этик билан сув кечиб,  
Ниҳол экиб, боғ қилиб,  
Ўз кўнглини чоғ қилиб,  
Иморат қилиб тошдан,  
Қўрқмай суву оташдан,  
Марду майдон бўлишиб,  
Ҳар куни тўй қилишиб,  
Қўшиғу алёрига,  
Агранинг ёр-ёрига  
Рақсга тушиб қизлари,  
Анор бўлиб юзлари,  
Кўнгилларни шод қилиб,  
Рақси бирлан мот қилиб,  
Товусдай товланаркан,  
Оташ бўлиб ёнаркан.

Унда аҳли шуаро  
Сайр айлаб боғ аро  
Эл кўнглидан дур излаб  
Ва унга дардин сўзлаб,  
Тўқиб шеър у қасида  
Яшар экан осуда.  
Шу днёрда бир шаҳар,  
Агра деган зўр шаҳар,  
Сирдош бўлиб Деҳлига,  
Жамнанинг соҳилида  
Эъзозлаб Тож Маҳални,  
Кўзлаб Миррих, Зуҳални.  
Моҳтобдан эмиб ёғду,  
Бошидан учиб қайғу  
Қуёшга чиқиб пешвоз,  
Ҳуснига бериб пардоз,  
Донги кетиб дунёга,  
Кўзи тўлиб зиёга,  
Сураркан даври даврон,  
Қойилкан унга жаҳон.

### III

Элдан кўнгли тўқ бўлиб,  
Ғанимлари йўқ бўлиб,  
Осмонга етиб боши,  
Элликдан ошиб ёши  
Топиб обрў, эътибор,  
Яшаб шоду бахтиёр,

Адолатли шоҳ бўлиб,  
Саодатли шоҳ бўлиб,  
Етимлар бошин силаб,  
Халойиққа эрк тилаб,  
Қазиб ариқ, каналлар,  
Гоҳо битиб ғазаллар,  
Қуриб қасру иморат,  
Унда қилиб тижорат,  
Баҳам кўриб бир нонни,  
Ҳинд бирлан мусулмонни  
Тенгу иноқ қилгали,  
Дўсту ўртоқ қилгали,  
Будда бирлан исломдан,  
Бошқа-бошқа оламдан  
Янги дунё қилгали,  
Бир дин бино қилгали  
Недир ҳузур-ҳаловат,  
Билмай роҳат-фароғат,  
Кўнглин қийнаб не армон  
Яшар экан Шоҳ Жаҳон.

Юртни обод қилса ҳам,  
Элини шод қилса ҳам,  
Тож-тахтдан кўнгли тўлмай  
Баъзан юлдузи кулмай,  
Боши чиқмай ғавғодан,  
Шайхлар қилган низодан  
Жигар-бағри хун бўлиб,  
Кундузи ҳам тун бўлиб,  
Юраги сиқиларкан,

Тангрига сигинаркан.  
Баъзан эса Аградан,  
Аградаги қалъадан  
Ўзи бино қилдирган  
Бахт юлдузин кулдирган  
Лаъл қалъа қучоғига,  
Деҳлининг гулбоғига  
Кетмоқни истар экан,  
Дил шунга қистар экан.

#### IV

Аградан узоқроқда,  
Фотеҳпур Сякри ёқда  
Шайдо бўлиб наврўзга,  
Ҳатто ишонмай кўзга,  
Гўзалликдан бўлиб маст,  
Жонига этиб пайваст  
От ўйнатиб Шоҳ Жаҳон,  
Кўнглида қолмай армон  
Этарди сайри шикор,  
Юзида ўйнаб виқор.  
Лекин кўкда шу асно,  
Бир булут бўлди пайдо,  
Чақмоқ чақиб, сел ёғди,  
Сел аралаш дўл ёғди.  
Шу булутдай ногаҳон,  
Қирда кўринди бир жон.  
Қора отин ўйнатиб,



Шикор аҳлин ўйлатиб,  
Емғирга қилмай парво,  
Бошига тушиб савдо,  
Ҳовлиқиб келди чопар  
Шоҳ Жаҳоннинг қошига,  
Тоб бермай қарашига  
Икки букилди чопар:

«Мумтоз бегим ҳоли танг,  
Оғир бир дард солмиш чанг.  
Сизни кутар интизор  
Бегим бирлан дўсти-ёр.»  
Чопарнинг бу сўзидан,  
Мунгли боққан кўзидан  
Шоҳ Жаҳон кўкрагига,  
Кўкракмас, юрагига  
Бирдан игна қадалди,  
Завқи гулдай топталди.  
Юзларидан қочиб қон,  
Кўнгли бўлиб паришон,  
Ғамгин боқиб дўст-ёрга,  
Фармон берди навқарга:  
«Келтир саманни дарҳол,  
Бўлмасин бир кори-ҳол.  
Боғи Оромда бу кун  
Ором йўқолмиш бутун»

Таъзимни айлаб бажо,  
Ўқдай учиб шу асно  
Отни келтирди навқар,

Жиловин олди саркор.  
Нивкар эса йўргалаб,  
Узангини тўғрилаб,  
Шоҳ пойига узатди,  
Вазирлар тошдай қотди.  
Отга миниб Шоҳ Жаҳон,  
Бир қамчи босди шу он.  
Ўқдай учиб кетди от,  
Ўқдан ўзиб кетди от.  
Вазирў вузаролар  
Нозирў умаролар  
Шоҳ изидан от қўйиб,  
Ич-ичидан куйиниб,  
Шикорин ташлаб кетди,  
Кўзларин ёшлаб кетди.

## V

Тошқин Жамна бўйида,  
Боғи Ором қўйнида,  
Бугун ўзга ҳол эди,  
Бугун ўзга фол эди.  
Ҳамманинг бўб қадди дол,  
Ғамгину афтодаҳол,  
Кўзлардан ёш тирқираб,  
Диллар толдай зирқираб,  
Давосиз дардга дучор  
Бўлиб қолгандай почор,  
Мумтоз бегим қошида,

Мумтоз бегим бошида,  
Доя бирлан табиблар,  
Халифа-ю, ҳабиблар,  
Бир лаҳза билмай ором,  
Кўнгилларин эзиб ғам,  
Мумтоз бегим дардига,  
Чеҳрасининг зардига  
Тоғиларми даво деб,  
Даволи бир маъно деб  
Бўлишарди гиргиттон,  
Сизга садқа дея жон.  
Ё давосиз бу дардга,  
Қиприкка қўнган гардга  
Малҳам бўларми деб шоҳ!  
Барча унсиз чекиб оҳ,  
Изларига зор бўлиб,  
Сўзларига зор бўлиб,  
Йўлга қараб, термулиб,  
Умидлари кул бўлиб  
Турган пайт, боғ кўчада —  
Қоронғи бир кечада  
Ҳадиксираб кишнар от,  
Сувлиғини тишлар от.  
От сасин Мумтоз бегим  
Эшитиб қолди, балким,  
Ичга ютиб нафасин,  
Кўзларини юмиб, жим,  
Сингиб ойсиз кечага,  
Қулоқ бермиш кўчага.  
Шоҳ Жаҳон кирган замон,

Боғ сари юрган замон,  
Милтиллаб йиғлар шамлар,  
Шам янглиғ ёнар ғамлар.  
Фавворалар тинганди,  
Қўзлари юмилганди.  
Қимир этмас дарахтлар,  
Шивирламас япроқлар,  
Боғ саҳнига сукунат  
Қуриб олган салтанат.  
Фақат шовиллаб Жамна  
Жимликка солар раҳна.  
Қути учиб бу ҳолдан,  
Очилмаган бу фолдан  
Қон қуйилиб бошига,  
Мумтоз бегим қошида  
Пайдо бўлар Шоҳ Жаҳон,  
Адо бўлар Шоҳ Жаҳон.  
Мумтоз бегим ҳоли танг,  
Оғир бир дард солиб чапг,  
Тўшакда ётар эди,  
Аҳволи баттар эди.  
Жаҳонин кўрган замон,  
Танига кирди дармон,  
Қон югурди юзига,  
Келди бир оз ўзига.  
Мумтоз бегим ёнига,  
Малҳам бўлиб жонига  
Тиз чўкди аста Жаҳон,  
Дард-ғамдан ҳаста Жаҳон.  
Силади ёр бошини,

Кўздан артди ёшини:  
«Чекмагил ғам, азизам,  
Утиб кетур бу дард ҳам.  
Кўрмагандай бўлурсан,  
Моҳтоб янглиғ кулурсан.  
Омон-эсон туғилса,  
Бахт нурига йўғрилса,  
Янги фарзанд шаънига,  
Бахтимиз ошёнига  
Қирқ кеча-ю, қирқ кундуз  
Элга тўй бергум шаксиз»  
«Орзуингиз, Шоҳ Жаҳон  
Бўлмасин гулдай хазон.  
Ва лекин бундан олдин  
Бир ўлимдан қолгандим.  
Бу сафар ҳолим хароб,  
Алдагай сизни сароб»  
«Ё раб, ўнгимми, ё туш?  
Учдими ё бошдан ҳуш?  
Кўксима санчма ханжар,  
Май деб узатма заҳар.  
Дерлар, ноумид — шайтон,  
Умид бирлан тирик жон.»  
«Гапингиз ҳақ, подшоҳим,  
Лекин кечинг гуноҳим.  
Кўнглим сезиб турибди,  
Жон-чи безиб турибди.  
Азроил олса жоним,  
Не қилар Шоҳ Жаҳоним?»  
«Ё раб, ўзи не савдо?

Не солди бошга дунё?  
Мурувват қил, эй оллоҳ,  
Гар бўлса менда гуноҳ?  
Қўлингда бўлса дунё,  
Дардига топгил даво!»  
«Мабодо қолсам омон,  
Сизга олам — чароғон.  
Вале, қолмасам омон,  
Васиятим Шоҳ Жаҳон,  
Бажо қилинг, илтимос,  
Мендан ёдгор қолса, бас.»  
«Қўй, ўксима, султоним,  
Сенсиз надир давроним.  
Сенсиз менга тожу тахт  
Зинҳор ато қилмас бахт.  
Сенсиз бу телба дунё  
Бошимга сочмас зиё.  
Сенсиз олам қоронғу,  
Оби зилолим — оғу.  
Сен билан икки жаҳон  
Менга фидо қилур жон.  
Бадбин ўйга бўлма қул,  
Бахтима сен омон бўл.»

## VI

... Доя бирлан табиблар  
Шоҳ Жаҳон сари имлар.  
Бу имо-ишорадан

Музлагандай жону тан  
Мумтоз бегим қошидан,  
Дарду ҳасрат тошидан  
Кўкраги яра бўлиб,  
Юраги пора бўлиб,  
Артиб кўздан ёшини,  
Қўйи солиб бошини,  
Пойидан кетиб дармон  
Зўрға чиқар Шоҳ Жаҳон.  
Бу кеча Боғи Ором  
Кўнглин этолмайди ром.  
Елкасида — тегирмон  
Тошидек гўё осмон.  
Жаҳон ўзин унутиб,  
Айтар сўзин унутиб,  
Телбадек ташлаб қадам  
Жамна сари юрган дам,  
Аҳли сарой жам бўлиб,  
Киприклари нам бўлиб,  
Сўрашиб ҳол-аҳволин,  
Тилаб бегим иқболин  
Шоҳга таскин беришар,  
Дардин баҳам кўришар.

## VII

Тош ҳам эриб оҳидан,  
Яраланган оҳудай  
Мумтоз бегим тўлғонар,

Жисмида бир ўт ёнар.  
«Ҳаёт-мамот!» жангида,  
Қони қолмай рангида  
Улим билан олишар,  
Улим билан солишар.  
Доя ҳовучлаб жонин,  
Тополмай ҳеч имконин  
Бошида мисли посбон  
Волидан меҳрибон.  
Лекин очилмай фоли,  
Баттар бўлиб аҳволч  
Сажда қилиб худога,  
Кўзи тўймай дунёга  
Мумтоз бегим алаҳлар,  
Жон халқумга тиқилар.  
Кўз ёролмай бечора,  
Дардга тополмай чора,  
Дунёдан умид узиб,  
Шоҳ Жаҳон уйин бузиб,  
Уқиб ҳаётга видо,  
Тонг чоғи қилар қазо.  
Ёруғ дунёни кўрмай,  
Унинг завқини сурмай,  
Тўймай она меҳрига,  
Учраб худо қаҳрига,  
Мурғаккина бир гўдак,  
Пешонаси шўр гўдак  
Онаси билан бирга,  
Кўзлари тушмай нурга  
Қазо қилди субҳидам,



Субҳидам ҳам чекди ғам.  
Шу он сочин чангаллаб,  
Даҳшатдан қалтираб лаб,  
Доя хотин дедж «Дод!»  
«Дод!» деб кўтарди фарёд!

## VIII

Кўзига қўнмай уйқу, •  
Кўнглини эзиб қайғу,  
Шам қошида эгиб бош,  
Шамдай тўкиб аччиқ ёш  
Шоҳ Жаҳон бедор эди,  
Бу дунё бекор эди.  
Юрагида оҳу зор  
Берарди унга озор.  
Бегим дардига малҳам  
Бўлолмайин ушбу дам  
Жигари кабоб эди,  
Гўёки бетоб эди.  
Вале, доя фарёди,  
Боғни уйғотган доди  
Бирдан қалбин музлатди,  
Бегим қошига отди.  
Ёр бошида тиз чўкиб,  
Дилдан аччиқ ёш тўкиб,  
Чорасиз қолиб сўнг бор,  
Мотамсаро, дилозор,  
Етим каби мунғайиб,

Кузги гулдай сарғайиб,  
Бандаи осий янглиф  
Кўксин пора этиб тиф,  
Ҳайкалдай қотиб қолиб,  
Мотам ичра йўқолиб  
Беун эди Шоҳ Жаҳон,  
Нигун эди Шоҳ Жаҳон.

## IX

Тонг оқарди. Ва лекин  
Қора эди у букун.  
Боғи Ором — оромсиз,  
Жамна ҳам эҳмас ғамсиз  
Тонг билан бу шум хабар,  
Қора тундай тарқалар.  
Мумтоз бегимдай оқил,  
Донишманд ҳамда фозил  
Аёлни кам кўрган Ҳинд,  
Сурур ила юрган Ҳинд  
Аламда қолган эди,  
Мотамда қолган эди.  
Кун найзага келганда,  
Айни пешин бўлганда,  
Бегим руҳин шод этиб,  
Қайта-қайта ёд этиб,  
Гурас-гурас одамлар  
Масжид сари қадамлар.  
Одам йиғилгач роса.

Уқишдилар жаноза.  
Мумтоз бегимни сўнгра,  
Энг сўнгги йўлга Агра  
Ғамгин узатиб қолди,  
Қалбин музлатиб қолди.

## Х

Кун ботди-ю тун келди,  
Тонг отди-ю кун келди.  
Ойни қувлаб ҳафталар,—  
Йилга камарбасталар  
Ўтишди такрор-такрор  
Мисли чархи кажрафтор.  
Дунёнинг савдосидан,  
Савдо-ю ғавғосидан  
Боши чиқмай Шоҳ Жаҳон,  
Оворадир субҳи шом.  
Каттакон бир мамлакат  
Ундан сўрар маслаҳат.  
У кунни-кун демасдан,  
Ва тунни-тун демасдан,  
Мамлакат ободлигин,  
Ва халойиқ шодлигин,  
Орому фароғатин,  
Иқболу саодатин  
Ўйлаш билан андармон,  
Лекин ранги заъфарон  
Гулдайин сўлган эди,

Сўлиб, кул бўлган эди.  
Мумтоз бегим қисмати,  
Ва унинг васияти  
Оромини бузарди,  
Кўнглин тошдек эзарди.  
Ишқ яратган бахтига,  
Умрининг дарахтига  
Болта урилган кунда,  
Чақмоқда қолган тунда  
Шодлик жоми синганди,  
Ишқ чашмаси тинганди.  
Шу жомни тузатгали  
Чашма кўчин очгали,  
Чегачини излар у,  
Ва миробга бўзлар у.  
Лекин муроди ҳосил  
Бўлмай, фиғон чекар ул.  
Тунлар шамнинг қошида,  
Шамнинг дардли ашкида,  
Ўз дардин кўриб Жаҳон,  
Ютиб лахта-лахта қэн,  
Қогозга мижжа қадаб,  
Мумтоз бегимга атаб,  
Бир мақбара режасин  
Чизар не-не кечасин  
Шу деб ўтказар бедор.  
Бўлиб бегим руҳи ёр  
Чуқур хаёлга толиб,  
Хаёл ичра йўқолиб,  
Шу мақбара дунёда

Бўлиб тенгсиз, ягона,  
Қудрату камоли ҳам,  
Санъату аъмоли ҳам,  
Етти иқлимни ҳайрон  
Қилса дейди Шоҳ Жаҳон.  
Мақбара лойиҳасин —  
Пок севги ойинасин  
Оқибат қилиб адо,  
Ушалиб бир муддао,  
Деҳли билан Лоҳурдан,  
Самарқанду Бухордан,  
Афғону Бадахшондан,  
Кашмиру Хуросондан,  
Эрон бирлан Ироқдан,  
Мисрдан ҳам йироқдан  
Дунёга донги кетган,  
Мақтови элни тутган  
Меъмор билан наққошни —  
Муҳандис, сангтарошни  
Аграга чорлаб бир кун,  
Барчасин этиб мамнун,  
Фазнадан тилло бериб,  
Тилломас, дунё бериб,  
Мақсадин этмиш баён  
Афтодаҳол Шоҳ Жаҳон.

## XI

Агранинг қучоғида  
Жамнанинг қирғоғида,

Дилкушо бир маскан бор,  
Ҳинд мулки эди хумор.  
Шу масканда субҳидам  
Ва халойиқ бўлиб жам,  
Маъқуллаб шоҳ қарорин,  
Мақбара пойдеворин  
Қўймоқ-чун бел боғлади,  
Ўзин ишга чоғлади.  
Аградан узоқлардан,  
Кўз илғамас тоғлардан  
Бир қулоч хартуми бор,  
Қамчи қадар думи бор,  
Мавжудотнинг энг зўри,  
Ва мулки Ҳинд ғурури —  
Филлар карвони билан,  
Филлар сарбони билан  
Йўлларда чекиб азоб,  
Гоҳи қувноқ, гоҳ хуноб  
Бўлиб не-не паҳлавон  
Томирида қайнаб қон,  
Улкан тоғдай залворли,  
Харсанг тошу мраммарни  
Ҳар куни олиб келмиш,  
Йўлларда толиб келмиш.  
Вале азоб чекса ҳам,  
Қаддини ғам букса ҳам,  
Кўнглин бир гўшасида,  
Қалбин оташ сасида  
Бир андиша бор эди,  
Ва бир меҳр ёр эди.



Шу меҳр оташидан,  
Оташин қуёшидан  
Тунини этиб рўшно,  
Мулкига олиб зиё,  
Ғам абрин пора этиб,  
Бахтин ситора этиб,  
Кўнглини қилиб обод,  
Халойиқдан бўлиб шод,  
Ҳиндда топиб эътибор,  
Унга бўлиб зўр меъмор  
Шоҳ Жаҳон яшар эди,  
Зўр тоғи — башар эди.

## XII

Агранинг қучоғига,  
Жамнанинг қирғоғига  
Гўё мулки Ҳиндистон  
Кўчиб келган бегумон.  
Ҳаммасида бир шиор,  
Ҳамда бир аҳду қарор,  
Қасамдай қутлуғ эди,  
Ундан ҳам улуғ эди.  
Улуғ ишга бош қўшиб,  
Дарё сингари жўшиб,  
Билағида кучи бор,  
Юрағида ўти бор,  
Тоғни талқон қилгувчи,  
Ўзини шер билгувчи



Йигитлар, паҳлавонлар,  
Музаффар қаҳрамонлар,  
«Ёху!» дея бел боғлаб,  
Ўз кучини синоқлаб,  
Буюк ишга қўл уриб,  
Ташвишин баҳам кўриб,  
Оромни билмас эди,  
Бир дам тинчимас эди.

### XIII

Бир томонда дунёни,  
Дунёмас, Осиёни  
Қойил қилиб қўйганлар,  
Мармарга гул ўйганлар,  
Чекиб анвойи нақшлар,  
Нақшларга тўкиб ашклар,  
Ато қилиб тошга жон,  
Тош қалбига бериб қон,  
Олам аро тенги йўқ,  
Ҳамда сира сўнги йўқ,  
Антиқа бир санъатни,  
Санъату тилсимотни  
Маҳорат-ла яратиб,  
Элни ўзга қаратиб,  
Кўзларини сеҳрлаб,  
Ақлу ҳушин ўғирлаб,  
Сипқориб ҳинд чойидан,  
Нур балқиб чиройидан,

Хунаридан маст бўлиб,  
Ҳамкору ҳамдаст бўлиб,  
Гул чекарди наққошлар,  
Қуёшга етиб бошлар.

#### XIV

Бир томонда доврўқли,  
Юраги оташ, чўғли,  
Бомбайлик чапдаст ёшлар,  
Деҳлилик сангтарошлар  
Олмос рандаси билан,  
Тош кушандаси билан  
Кўзгудай силлиқ қилиб,  
Ишнинг кўзини билиб,  
Хунарин қиб намойиш,  
Тошга бериб оройиш,  
Доғда қўйиб заргарни,  
Тарошларди мрамарни.  
Бир томонда меъморлар,  
Агра суянган норлар  
Жамна бўйида туриб,  
Файласуфдай ўй суриб,  
Шоҳ Жаҳон лойиҳасин,  
Лойиҳа саҳифасин  
Ғоят муқаддас билиб,  
Кўзга суртгудай бўлиб,  
Кўкси бўлиб чўнг тоғдай,  
Қалби яшнаб гулбоғдай,

Элга бериб фармойиш,  
Кўнгли топиб осойиш  
Тож Маҳал заминнига,  
Заминнинг қадимига  
Тошдан қўяр пойдевор,  
Қўяр бир суюк ёдгор.

## XV

Кун ботару тонг отар,  
Тонг отару кун ботар,  
Ойлар ўтар карвондай,  
Йиллар эса, сарбондай  
Ёшга-ёш қўшиб келар,  
Дарёдай жўшиб келар,  
Неча йилким халойиқ  
Бир лаҳза ҳам тинчи йўқ,  
Агранинг қучоғида,  
Жамнанинг қирғоғида  
Тер тўкиб оворадур  
Ва юраги порадура.  
Лекин тўкилган терлар,  
Манглайдан оққан дурлар  
Йўқолмасдан бенишон,  
Мармар тошда тоچار жон.  
Ниҳол чинор бўлгандай,  
Ғишлар минор бўлгандай,  
Тож Маҳал мақбараси,  
Мақбаралар сараси

Қордай оппоқ мәрмәрдан,  
Ғамдан йироқ мәрмәрдан,  
Мәрмәрлар тозасидан,  
Меъмор андозасидан  
Био бӯлиб борадур  
Ва юксалиб борадур.  
Чор атрофда чор минор  
Мақбарага боқиб зор,  
Одамизод умрининг,  
Умрлар шуурининг  
Ез билан қиш фаслидан,  
Баҳору куз фаслидан  
Бир ғамгин дoston ўқиб,  
Достонин осмон ўқиб,  
Ўтин ясаб оҳидан,  
Ўт чақнаб нигоҳидан  
Сўзлаб берадур унга,  
Бўзлаб турадур унга.  
Мақбараю чор минор,  
Сарҳовузу нақшинкор  
Масжиду мадрасалар,  
Мәрмәр зина, расталар,  
Саройлару ҳужралар,  
Чирой очган муждалар  
Шаҳардан олиб жило,  
Ва унга қилиб имо,  
Мақбарага кўрк бериб,  
Унга сўнгсиз эрк бериб,  
Сўзлаш деб осмон билан,  
Осмондай жаҳон билан

Бош кўтарар болишдан,  
Лекин ҳориб қолишдан  
Меъморлар йироқ эди,  
Иродаси тоғ эди.  
Топиб обрў, эътибор,  
Ҳурматга бўб сазовор,  
Эл аро машҳур эди,  
Машҳуру манзур эди.

## XVI

Мулки Ҳинд аҳволидан  
Ва халойиқ ҳолидан  
Бўлиб доим хабардор,  
Унга қилиб жон нисор,  
Ғанимлар ҳужумига,  
Хатарли хуружига  
Кўксини қалқон қилиб,  
Душманин яксон қилиб,  
Уйлаб юрт ободлигин,  
Ҳамда элнинг шодлигин  
Оворадур Шоҳ Жаҳон,  
Дил порадур Шоҳ Жаҳон.  
Мироблигу меъморлик,  
Шоиру бастакорлик  
Базмига олов ёқиб,  
Оловин лов-лов ёқиб,  
Урду-ю, Ҳинд, Афғонни,  
Қўли гул бор инсонни  
Бир диёрда жам қилиб,

Ва меҳрини шам қилиб,  
Баҳам кўриб ёғдусин,  
Қувончи-ю, қайғусин,  
Дардига шерик бўлиб,  
Кўзига киприк бўлиб,  
Бошин силаб падардай,  
Мурувватли сарвардай  
Кўзу қошдир Шоҳ Жаҳон,  
Элга бошдир Шоҳ Жаҳон.  
Лекин ҳамон эски дард  
Ва кўзига тушган гард  
Сизиллаб сизловуқдай,  
Ёпишиб чирмовуқдай,  
Бағрин эзиб келадир,  
Дардин қўзиб келадир.  
Танҳо қолганда гоҳо,  
Тор бўлиб бу кенг дунё  
Қафас каби қисадир,  
Ва тинчлигин бузадир.  
Шундай ёлғиз дамларда,  
Мунгли боқиб шамларга,  
Дардини очай деса,  
Гавҳардай сочай деса,  
Кўнглидан ўзга зинҳор  
Топилмагай бир дилдор.  
Бу дард ҳам майли эди,  
Замоннинг зайли эди,  
Тан берарди тақдирга,  
Бошин тутиб шамширга:  
Дунё бевафо дерди,

Умр бебақо дерди.  
Ва лекин ўз фарзанди,  
Кўз қораси, дилбанди —  
Аварангзеб не учундир  
Сўнгги кунлар нотинчдир.  
Қадам босади бежо,  
Борми ё бирор режа?  
Ё улғайиб Аврангзеб,  
Бердими ўзига зеб?  
Ё уни кибру ҳаво  
Маст қилдими?  
Муаммо  
Шоҳ Жаҳонни қийнайди,  
Қалбини қиймалайди.

## XVII

Ана-мана дегунча,  
Чол ўрикни егунча  
Ўтиб кетди неча йил,  
Тож Маҳал ҳам муттасил  
Сайқалу жило топиб,  
Юлдузга нигоҳ отиб,  
Сарҳовузу Жамнада,  
Замин бирла самода  
Ўзининг аксин кўриб,  
Сеҳргар ҳуснин кўриб,  
Одамзод санъатидан,  
Беш кунлик ҳаётидан  
Элни қилгандай огоҳ,  
Дунёга бўлиб гувоҳ,

Мумтоз бегим руҳига,  
Шоҳ Жаҳоннинг оҳига  
Қўйилган бир ҳайкалдай,  
Ҳинд мулкига сайқалдай,  
Ёруғ кунлар шамсидай,  
Ойдин тунлар рамзидай,  
Оппоқ бўлиб, беғубор,  
Боқар эди сервиқор.  
Тож Маҳал битган куни,  
Довруғи кетган куни,  
Тилга кириб мусиқа  
Эл кўнглин этди тилка.  
Мумтоз бегим жасадин,  
Ва муздай совуқ танин  
Унга қўйиб беозор,  
Шоҳ Жаҳон чекиб озор,  
Эски дард янгиланиб,  
Киприклари намланиб,  
Қуйи солиб бошини,  
Тогдайин бардошини  
Ғам сели емиргандай,  
Қалби музлаган тандай  
Маъюсу беун эди,  
Кўнгли қаро тун эди.

### XVIII

Кўнглидаги бир армон  
Ушалган кундан буён,  
Дардини унутгандай,  
Ер руҳин шод этгандай



Шоҳ Жаҳон хурсанд эди,  
Лекин кўнгли банд эди.  
Кўнглин банд этган орзу —  
Тож Маҳалга рўбарў  
Ўзи учун мақбара  
Қурмоқ эди якбора.  
У ҳам Тож Маҳал каби,  
Умрига ҳайкал каби  
Олам аро ягона  
Тож Маҳалдай дурдона  
Бўлса деб ўйлар эди,  
Кўнглига сўйлар эди.  
Ва лекин бу мақбара  
Тож Маҳалдай якбора  
Оппоқ мраммрдан эмас,  
Бедоғ мраммрдан эмас,  
Бўлса қора мраммрдан.  
Мотамда қолган ёрдан,  
Мангуга бўлсин ёдгор,  
Деб қилди қатъий қарор.  
Икки мақбара аро  
Шовуллаб оққан дарё,  
Бевақт ҳижронда қолиб,  
Ғам наҳрида йўқолиб,  
Азоб ўтида ёнган,  
Ишқ деб динидан тонган.  
Қанотлари қайрилган,  
Ўлим билан айрилган  
Қалблар кўз ёши мисол,  
Оқиб турсин безавол.

Оқ ва қора мақбара  
Икки қирғоққа зора  
Бир-бирига термулиб,  
Ҳасратлари ўт бўлиб,  
Тутуни қуёшгача,  
Қуёшдай оташгача  
Етмасин деб бир замон,  
Иккаласи бегумон  
Қовушиб турсин дея,  
Халойиқ юрсин дея  
Кўприк қурмоқ даркордир,  
Бу эзгу бир армондир.  
Шу ўй билан Шоҳ Жаҳон,  
Вазири чорлаб шу он  
Мақсадин баён айлаб,  
Меъмори ишга шайлаб,  
Қатъий бериб фармойиш,  
Кўнгли топди осойиш.

## XIX

Яна Агра қучоғи,  
Ва Жамнанинг қирғоғи,  
Дивали айёмидай,  
Машриқнинг маконидай  
Тумонат одам бирлан  
Чайқалиб кетди бирдан.  
Қўлга олиб тешасин,  
Обод этиб гўшасин,

Ҳунарманду меъморлар,  
Сангтарошдай девкорлар,  
Пармакашу наққошлар  
Қўлида ўйнар тошлар.  
Филларнинг нидосидан,  
Халойиқ садосидан  
Илон каби тўлғониб,  
Тўлқинлари чўғланиб,  
Қирғоққа қилиб ҳамла  
Тинчин йўқотди Жамна.  
Дарёни шердай бўғиб,  
Ва бўйинга ип солиб,  
Қирғоғига пойдевор  
Тошини қўяр меъмор.  
Тани чўяндай қизиб,  
Бири биридан ўзиб,  
Қўллари бўлиб қадоқ,  
Кўзлари мисли чақмоқ,  
Офтоб ҳароратини,  
Дунё кароматини,  
Баҳам кўриб субҳи шом,  
Ишлар тумонат одам.  
Мақбара пойдевори,  
Унинг қора мрамари  
Икки газдан ошганда,  
Меъморлар заб шошганда,  
Шом еб ой ҳам ботганда,  
Ва халойиқ ётганда,  
Агра қалъасига тун  
Пардасин ёйгач бутун

Тинмай Жамна гулуси,  
Босиб гафлат уйқуси  
Етганида Шоҳ Жаҳон,  
Қалъада бошлаб исён,  
Аврангзебдай оқпадар  
Бўлиб ҳийлагар агёр  
Қилич кўтарар бирдан  
Қонхўр лашкари бирлан.  
Шоҳ Жаҳонни қийноқлаб,  
Қўлин ерқага боғлаб,  
Жосуслари шу замон  
Ҳибс этади бегумон.  
Отасин тож-тахтини,  
Мулки Ҳинд пойтахтини,  
Гафлатда ишғол қилиб,  
Ҳийлаи ишкал қилиб,  
Қалъа ичра тўкиб қон,  
Ғанимларин беомон  
Утказди оламдан,  
Уч олиб не одамдан.  
Мулки Ҳинд-чи бу ҳолдан,  
Тунги аёз, шамолдан  
Тонгда бўлиб хабардор,  
Еқа ушлаб: «Алҳазар!  
Бошга тушди не бало!»  
Дея кўтарар ғавго.  
Аврангзеб ҳам турмас тинч,  
Қўлидан тушмас қилич,  
Қай ўрда қилса ғавго,  
Бамисоли аждаҳо

Навкарлар от суради,  
Исёнчини қиради.  
Кексаю ёш демасдан,  
Кўзида ёш демасдан  
Олиб элдан интиқом,  
Қилишади қатли ом.

## XX

Мақбаранинг бошига,  
Қора мрамор тошига,  
Қоп-қора бир кечада,  
Садпора бир кечада  
Моҳтоб кўзини боғлаб,  
Юлдузлар кўнглин доғлаб,  
Айюҳаннос солиб кўкка,  
Булутлар кўксин тилка —  
Тилка қилиб, қўлини —  
Гўё илон тилини  
Улжасига чўзгандай,  
Жон риштасин узгандай,  
Яшин тегди ногаҳон,  
Титраб кетди Ҳиндистон.  
Муҳандису наққошлар,  
Меъмору сангтарошлар,  
Ҳунарманду заргарлар,  
Мақбарага сарварлар  
Бошида қилич ўйнаб,  
Қазо кунидан сўйлаб,

Ҳолини хароб қилди,  
Мақсадин сароб қилди.  
Шоҳ Жаҳоннинг эли деб,  
Ҳамда содиқ қули деб,  
Барчасин тум-тарақай  
Қилди Аврангзеб атай.  
Тож Маҳалу Шоҳ Жаҳон  
Мақбарасин бегумон  
Боғлаб жон риштасидай  
Ва ишқ фариштасидай  
Мангуга бедор кўприк,  
Арғувон мрамар кўприк  
Ҳатто қилинмай бино,  
Ғурбатда қолиб дунё,  
Шоҳ Жаҳон армонидай  
Армонли давронидай,  
Хаёлда қолиб кетди,  
Хаёлни олиб кетди.

Кўз ёшин дарё қилиб,  
Субҳи шом гиря қилиб,  
Бош уриб ғам тоғига,  
Ғам тоғин оёғида,  
Ҷамна тўлғониб ётар,  
Тўлғониб, ёниб ётар.

## XXI

Агра қалъасида бир  
Гўшада бўлиб асир  
Кўча-кўйга чиқолмай,

Эл дардини уқолмай,  
Жигари кабоб бўлиб,  
- Кўз ёши зардоб бўлиб,  
Оҳидан ёниб осмон,  
Хазон бўлиб не бўстон,  
Уғлига тутқун бўлиб,  
Сўнгаги ўтин бўлиб,  
Айрилиб тож-тахтидан,  
Бошга қўнган бахтидан,  
Неча йилким Шоҳ Жаҳон  
Жонини ўртар жаҳон.  
Уз пушти камаридан,  
Пушти камар заҳридан,  
Оғуланиб умрбод,  
Орзуси бўлиб барбод,  
Дардидан офтоб куйиб,  
Тунлари моҳтоб куйиб,  
Додин айтиб фалакка,  
Қон йиғлаган юракка  
Тополмай дарду даво,  
Умри ўтиб бенаво  
Занжирбанд шер мисолн,  
Қафасда кечиб ҳоли  
Фурбат ичра Шоҳ Жаҳон,  
Бўлмоқда эди хазон.

Ҳужранинг сйнасидан,  
Қон сирқиб сийнасидан,  
Соқчилар паноҳида,  
Ҳасратли нигоҳи-ла

Кеча-кундуз бечора  
Жамна каби дилпора  
Тож Маҳалга боқиб зор,  
Бағри бўлиб лолазор  
Кўзларидан нур кетиб,  
Қалбидан сурур кетиб,  
Суяниб заранг асо,  
Мадори қолмай асло,  
Қариганда хор бўлиб,  
Ширин сўзга зор бўлиб,  
Аврангзебнинг дастидан,  
Ғанимларин қасдидан,  
Қанотлари қайрилиб,  
Шодлигидан айрилиб,  
Беш кунлик дунё билан  
Бир пуллик дунё билан  
Видолашишдан бўлак  
Илинжи қолмай андак  
Кун ботишин беозор,  
Тонг отишин дилозор  
Кутар эди Шоҳ Жаҳон,  
Ўртанарди Шоҳ Жаҳон.

## XXII

Мулки Ҳиндни қийратиб,  
Бошда қилич ўйнатиб,  
Элга солиб кўп хирож,  
Ҳар даргоҳдан олиб бож,



Сўндириб эрк шамини,  
Синдириб эрк жомини,  
Адолат истаганни,  
Саодат истаганни  
Элдан қилиб бадарға,  
Қўпларин осиб дорға,  
Қон оқизиб Жамнадан,  
Қасос олиб ҳаммадан  
Аврангзеб давру даврон  
Сураб эди шодумон.  
Аврангзеб қилмишидан,  
Қабоҳатли ишидан  
Барча ёқасин ушлаб,  
Пешонасига мушглаб,  
Тополмайин ҳеч имкон,  
Қафасдаги қушсимон  
Чекарди зулму озор,  
Юрагида оҳу зор.

### XXIII

Қудратли бир мамлакат,  
Шарқда тенгсиз салтанат  
Чок-чокидан сўкилди,  
Балхи тутдай тўкилди.  
Вилоятларда исён  
Авж олиб кетди чуvon.  
Шоҳ Жаҳонни деганлар,  
Унинг гамин еганлар

Неча йилким, тиз чўкмай,  
Аврангзебга бош эгмай,  
Қурол тушмай қўлидан,  
Чекинмасдан йўлидан,  
Адолатли замоғни,  
Саодатбахш инсонни  
Орзу қилиб куну тун  
Гоҳ яланғоч, гоҳ юпун  
Ошини ошар эди,  
Бир ўй-ла яшар эди,  
Аврангзебнинг даврида  
Эл бўлиб жабрдийда,  
Канал қазилмай қолди,  
Ҳазал ёзилмай қолди.  
Боғу роғ бўлди хазон,  
Гулзорлар сўлди азон.  
Булбул навоси тинди,  
Кўнгиш навоси тинди.  
Дин бўлди-ю ҳукмрон,  
Санъатга келди қирон.  
Вале. уни қўллаган,  
Тувагини ялаган  
Айғоқчилар бор эди,  
Пойлоқчилар бор эди,  
Қамчисидан қон томган,  
Халойиқ жонин олган  
Саркардаю, навкарлар  
Вазиру нобакорлар  
Пуч ёнғоқ билан қўйнинг  
Тўлдирарди бетиним.

## XXIV

Агра ғавғоларидан,  
Дунё савдоларидан  
Авраңгзеб боши қотиб,  
Оромини йўқотиб,  
Тожу тахтни эплломай,  
Элни қўлга ололмай,  
Хазинани созуриб,  
Ўз ёғига қоврилиб,  
Қўлдан кетиб не ўлка,  
Бошига тушиб кулфат,  
Не қиларин билмасдан,  
Қалъадан ҳеч жилмасдан,  
Тополмай бирор чора,  
Тахт-ла бўлиб овора,  
Барчани билиб душман,  
Қилмишидан пушаймон  
Бўлиб саргардон эди,  
Лек ўзига хон эди.  
Қалби қийноқда қолиб,  
Минг хил сўроқда қолиб,  
Аградан узоқроқда,  
Эл кўзидан йироқда  
Турмоқни кўриб афзал,  
Барча ишни қилиб ҳал,  
Пойтахтини Лоҳурга,—  
Осойишта шаҳарга  
Қўчирмоққа тонг саҳар  
Оқибат қилди қарор.

## XXV

Уша кунн Шоҳ Жаҳон  
Жисмида қолмай дармон  
Тонггача беҳоб эди,  
Беҳобу бетоб эди.  
У тўшакдан туролмай,  
Тож Маҳални кўролмай,  
Юрагидан қон сирқиб,  
Томиридан жон сирқиб,  
Ожизу беҳол эди.  
Оёқлари шол эди.  
Умид узгач дунёдан,  
Дунёю бевафодан,  
Чорлаб мулозимларин,  
Шоҳ Жаҳон айтди арзин:  
«Мулки Ҳиндни умрбод,  
Қиларман девдим обод.  
Қилиб шафқат, андиша,  
Адолатни ҳамиша  
Элимга раво кўрдим,  
Ва юрт ҳолини сўрдим.  
Ўз боламдан оқибат  
Кўрмадим зарра шафқат.  
Сизга шу васиятим:  
Инсонлик омонатим  
Бой бериб қўйсам агар  
Хоҳи кундуз, хоҳ саҳар  
Халойиқ кўрса раво,  
Хоҳишим айлаб бажо,

Тож Маҳалга мени ҳам  
Дафн этинг, вассалом».   
Шундай дея Шоҳ Жаҳон  
Кўз юмди-ю, ўша он  
Жон риштаси узилди,  
Умр уйи бузилди.  
Мулозимлар оҳ чекиб,  
Кўздан аччиқ ёш тўкиб,  
Хабар берди қалъага,  
Ва жар солди Аграга.  
Кун пешиндан оққанда,  
Мағриб сари боққанда  
Аҳли Агра жам бўлиб,  
Бошларини хам қилиб,  
Тож Маҳални кўзларди,  
Етми каби бўзларди.  
Кўпни кўрган кекса Шарқ  
Мотам ичра бўлиб фарқ,  
Қулагандай тиргаги  
Эзиларди юраги.  
Шарқнинг чўнг ўлкасида,  
Халойиқ елкасида  
Юртни босиб зўр сукут,  
Лопиллаб борар тобут.

## XXVI

Шу пайт Лоҳурни кўзлаб,  
Юрак-бағрини тузлаб,

Қочиб элнинг кўзидан,  
Қочиб элнинг сўзидан  
Аврагзебнинг карвони  
Бўғизга келиб жони  
Синднинг биёбонида,  
Понипат майдонида  
Томчи сувга бўлиб зор,  
Ҳиндни қилиб дилозор  
Кезар эди саргардон  
Кўзларига тўлиб қон.  
Қарвонга бўлиб сарбон,  
Ва жисмини қийнаб жон  
Агра чеккан ғамидан,  
Отасин мотамидан  
Қочган каби оқпадар  
Ичгандай оғу-заҳар  
Борарди мотамсаро  
Қисмати бўлиб қаро.  
Аграда-чи, сукунат  
Қурган эди салтанат  
Ҳамма мотамда эди,  
Мотаму ғамда эди.  
Вағиллар эди Жамна,  
Қирғоққа қилиб ҳамла.  
Шоҳ Жаҳон васиятин,  
Унинг эзгу ниятин  
Халойиқ этиб бажо,  
Типч ётгил энди дея  
Тож Маҳал ошёнига,  
Мумтоз бегим ёнига

Дафн этиб, қилиб ёд,  
Ва руҳини этиб шод  
Топшириб қора ерга,  
Юраги яра ерга  
Қайтишдилар айни шом,  
Маъюс тумонат одам.

## ХОТИМА

\*

Эй, қадрдон дўстларим,  
Менинг қаро кўзларим,  
Ҳиндистонда эшитган,  
Мен лойини пишитган  
Достон деган иморат  
Ҳақиқатдан иборат.  
Неча аср ўтса ҳам,  
Кимлар келиб кетса ҳам  
Ҳамон ўша Тож Маҳал  
Қун аро топиб сайқал,  
Бу дунёни лол этиб,  
Минг йилни хаёл этиб,  
Сўзлашиб офтоб билан,  
Юлдузу моҳтоб билан  
Севгига маёқ бўлиб,  
Меҳмонга муштоқ бўлиб,  
Донг таратиб дунёга,  
Эртак сўйлаб дарёга  
Боқиб турар пурвиқор,  
Виқорида сеҳр бор.

Мумтоз бегим, Шоҳ Жаҳон,  
Икки озор чеккан йон  
Ишқин нишонасидай,  
Кумуш кошонасидай,  
Қон-қардошу биродар,  
Ўз касбидан бахтиёр  
Меъморлар санъатига,  
Тенгсиз маҳоратига  
Бахш этиб боқий умр,  
Сиймосидан ёғиб нур,  
Тоғиб Ҳинда оройиш,  
Кўркин қилиб намойиш  
Биродарлик рамзидай,  
Вафодорлик шамсидай  
Мангу турур бегумон  
Тошга битилган дoston.

1970—1973.

Агра — Тошкент





## УРГУТ ВА БУРГУТ

✱

Асл поэзия ҳаёт янгироғидир. Шу важдан одам тугилган кундан то сўнги нафасигача поэзия билан тотув ва дарддош. Бу — она алласидан бошланади. Алла оҳанглари оғушида гўдак маст уйқуга кетади. Алла она орзулари, она хаёлларининг шеърий ифодасидир. Кейин гўдак эртақларга қулоқ солади — кўз олдига янги ва лол қолғулик хаёлий дунё порлаб келади: йўлбарслар, наҳанглар, аждарлар, жодугарлар, тилсимлар, семурғлар ва ҳаммасидан устун инсон... Бу гўдак хаёлини узоқларга олиб қочғувчи шеърият. Кейин у тўйларда лапар ва ёр-ёр, мотамларда йўқлашларга дуч бўлади. Алифбо уни Ойбек ва Ҳамид Олимжон шеърлари орқали Навоий ва Отойти кўчасига бошлаб келади, кейин Пушкин ва Маяковский кўчаси... Сабза мўйлов чоғида дил дардини ўзи ҳам қофиядош сўзларда ифодалаш зинасига оёқ қўяди. Севги ҳам, айрилиқ ҳам, ранж ҳам, шодлик ҳам, меҳр ҳам, кек ҳам, олчоқлик ҳам, олижаноблик ҳам, қўрқоқлик ҳам, ғазабу тангилик ҳам шеърда жаз этиб юракдан олади.

Бутун инсон орзулари, инсон туйғуларининг шеърий ифодаси дунё халқларининг шеъриятида бор ва борган сари нафислик, теранлик касб этмоқда.

Қобиллик, шоирлик одамга она сути — она табиатдан сийлиқ бўлса, шеър одамзоднинг ҳаётга гавҳардек тансиқ тортиғидир.

Барот Бойқобил 1960 йили кузда ўн кунлик семинарга келган ёш қаламкашлар ўртасида энг умидли ва келажаги борлардан бўлди. Барот келтирган тўпламни ўша семинарда нашрга тавсия этдик ва ёзувчилар сафига тавсия этилган тўрт ёш ичида Барот ҳам бор эди. Барот семинарда синфбоши ҳам эди. Кейин билсам, у

Ленин стипендияси олиб ўқигувчилардан экан. 1962 йилдан Барот Тошкентда. Мен унинг китобларини ўқиб, кузатиб бораман. Ҳар янги китоб Барот учун янги бир поғона, янги марра десам ҳолис гап бўлади.

Барот шеърляти — ёшлик, бугундан рози, эртанги кунга ишонч, Ватанга ошиқлик шеърлятидир. Одам умрида ёшлик шеърга энг иноқ даврдир. Ёшлик ўзи шеър. Ёшликнинг ҳар қадами, меҳнату ботирлик, Ватанга фидойилик, кексаларга хурмат, ота-она бурчи, аскарлик бурчи, билимга ташналик, севги ва интизорлик, вафо ва умуман юксақ, одамийлик, ватандошлик, яратишга қодирлик, ўринли ғурур туйғуси ва ўринли ўч туйғуси, инқилобий романтика — ҳаммаси ёшликка ҳос шеърлят.

Барот ўз тенглари ва шеърлят шайдолари даврасида хурмати бор, тиниб-тинчимас, назирачилик поғонасидан сакраб ўтган, оригиналликка аҳил, орлик — номуслик шоирлардан. Барот кўп ўқийди, кўп изланади, эл кезади, йўл юради. Шу важдан у ўзгани такрорлашга зор эмас, мавзу доираси кенг. Шакли бой, ранг-баранг, фикрлар равон, мақсад очиқ. Чигил гап йўқ, жумбоқ йўқ. Гоявийлик, замонавийлик томирда қондай...

Шундай шоирлар борки, тайёрга айёр, ўйлаб, бош оғритиб, тўлқинланиб, қора терга тушиб, уйқудан кечиб, янги гап айтишдан жуда узоқ. Уларда истеъдод йўқ, дейиш хато. Истеъдод ва қобилият етиб — ортулик. Фақат ижоднинг энг осон ва уят хили ботқоғида. Улар янги мавзу, янги тимсол, янги шеър пайдо бўлса, бас, дарҳол ўхшашини дўндиришга ёқа ушлаб ҳайрон қолгулик даражада уста... Уларнинг ақли кемтик, норасо дейиш хато. Ўқиш ва изланишга вақти йўқ дейиш ҳам хато. Фақат етук китобхон хурматини оёқ ости қилаётибди, демак, ўзини қарғиш ўқларига ҳадаф қилаётибди, десак беҳато бўлади. Барот шу важдан китобхон хурматига сазоворки, у изланишда, уринишда, яратишда, янги гап айтишда, зинама-зина юксалишда:

Шамга ўхшаб кетар менинг ҳам умрим,  
Мен ҳам тунлар шамдек милт-милт ёнаман.  
Сўзлар туркумига сингиб кўз нурим,  
Оқ қоғоз бетига эриб томаман.  
Бир жажжи хонани айлаб чарогон,  
Шам ёнар пирпираб, умридан ризо.  
Мен қоғоз бағрини этгум қора қон,  
Одамлар бўлсин деб шеъримдан ризо.

Баротнинг адабиёт даргоҳига келганига ўн йил бўлди — ўн китоб бўлди. Барот шеърларида туркман қумларидаги ҳарорат, тожик тоғларидаги ажиб саринлик, Қора денгиз қирғоқларидаги жаннатий ором, Ҳиндистон обидаларидаги мрамар мўъжиза, Украина шаҳарларидаги гўзаллик — дўстлик тароналаридек жарангдор. Айниқса, Ўзбекистон, туғилган диёр мақтовлари — Самарқанд ва Ургут тасвирлари эсда қолгулик. Барот шеърларида ёшликка хос қайноқ севги, совет одамига хос вафо, бахт қўшиқларидек ёқимлилик жуда ёрқин. Барот қаер ҳақида ва нима ҳақида ёзмасин, негизда одам ва ҳаёт бор. Барот кезади. Кезаркан, кўрганлари ва юрагига чўғ солганларини шеърга олади. Мавзуида кенглик, шаклда ранг-баранглик ҳақида айтдик. Унинг сонет машқларини («Сонетлар»), ҳам ватандошлик пафоси тўлғун «Муҳаббат хиёбони» китобларини (кейинги китоблари-да!) кўзда тутялман. Барот қаламига тегишли «Урта Осиё» шеъри дўстлик ҳам ватандошликнинг жўшқин, жарангдор қасидаси. Бу Ҳамид Олимжондан ўрганишнинг энг юксак намунаси! Озгина сайқал билан (шакл жуда меҳнат талаб!) умрзоқликка айла-нишига ишонаман.

Қаёнга боқмайин — кумуш пахтазор,  
Боғларда сайр этар оқилу доно.  
Бўстондан гул узар ёшлар бахтиёр,  
Олқиш бўлсин сенга, эй буюк даҳо!  
Урта Осиё!

Тўрт қутлуғ пойтахтда — тўрт жигар, қондош,  
Менга қучоқ очиб дейди:— Марҳабо!  
Олтин остонада мамнун эгиб бош:—  
Салом сизга дейман, эй, қадим Бобо!  
Урта Осиё!

Барот шеърларида севги мотивлари ҳам янги, ўзига хос, ўйноқи. Бу ўзгага ўхшамасликка ўта киришганлик белгиси:

Муҳаббат аталмиш бир хиёбондан  
Мен сени изладим, сен эса мени.  
Кўнгилга саодат битган дostonдан  
Мен сени сўзладим, сен эса мени.  
Ошиқлар қадами етмаган қирдан  
Мен сенга гул тердим, сен эса менга.  
Аму бўса олиб тургандек Сирдан  
Мен сенга қўл бердим, сен эса менга.

Севги ҳақидаги «Дарё ва мен» шеъри ҳам мисол бўл-  
гулик:

Мармар қояларга уриб тўшини.  
Ошиқар дарё.  
Йўқотиб қўйгандай эсу ҳушини.  
Тош йиқар дарё.  
Кўксидан сув эмас, сачрайди инжу  
Олтин қумлоққа.  
Қалбига сиғмайин тошар севинчи  
Икки қирғоққа.  
Босилар манзилга етгани сайин  
Асовлиги ҳам  
Жилмайиб, қумликка сингади майин  
Оловлиги ҳам.  
Васлингга етгунча мен ҳам, азиз ёр,  
Дарёдек тошдим.  
Кўксингга бошимни қўйгунча илк бор,  
Дарёдек шошдим.

Барот шеърларида Самарқанд, Ургут ва бургут ўзак тема. Бу тушунарлик ва фахр этарлик. Хушҳаво, сўлим ўша туққан диёр ва меҳнаткаш инсон ҳамма чинакам шоирлар ижодида ўзак мотив бўлгани сир эмас.

Барот меҳнатида ва ғайратида камолот жараёни жуда ярқираб турган пайт. Мен ургутлик навқирон ва азамат бургутнинг дадил қанот ёзиб, янги чўққилар эгаллашига дилдан тилакдошман.

## МИРТЕМИР

Ўзбекистон ССР халқ шoirи

1973 йил, 5 октябрь.



## МУНДАРИЖА



### Я Н Г И С О Н Е Т Л А Р

Олтин тўй (Сонетлар гулчамбари)	7
«Ун беш ога-ини ўн беш ўлкадан»	22
«Доҳийнинг қошига келгунча она»	24
«Булутлар пода-пода...»	25
«Қорлар эриб...»	26
«Шеърят ҳам катта майдондир»	27
«Андижон кўксига Навоий боғи»	28
«Андижондан изладим...»	29
«Уғлига сеп йиғди она неча йил»	30
«Уч космонавт ҳалок бўлди дафъатан»	31
«Пахтазор қўйнига...»	32
«Сир ва Аму учрашмас асло»	33
«Йигит дея олганимда ном»	34
«Бир йигит қирқ йилда бўлади бино»	35
«Мен сенга бир тахт яратдим»	36
«Сен юлдуз бўлсанг гар Арши Аълода»	37
«Кундуз ҳам тун янглиғ қародир сенсиз»	38
«Кўзингдан сачраган севги учқуни»	39
«Уйим сенсиз — кулбаи хароб»	40
«Севги деган сеҳрли уммон»	41
«Андижонда битта уй бор»	42
«Ўзбекистон бўйлаб кезар куз бобо»	43
«Қадаҳдаги шароб эмас, гулобдир»	44

### ШАРҚ ГУЛДАСТАСИ

#### Туркум

Ҳиндистон дарвозаси	47
Фил	49
Бахт устунни	50

Севги худоси . . . . .	52
Висол даричаси . . . . .	54
Жамна . . . . .	55
Мармарга ўйилган дoston . . . . .	57
Сурайё юлдузига . . . . .	60
Боғи Ором . . . . .	64
Ўлик шаҳар (Баллада) . . . . .	67
Арабия денгизига . . . . .	71
Ватан ҳажрида . . . . .	73
Элифанта . . . . .	77
Шамол қасри . . . . .	79
Бомбай . . . . .	80
Бенгалия . . . . .	83
Калькутта чироқлари . . . . .	85
Калькуттада Ленин ҳайкали (Баллада) . . . . .	88
Тагор уйида . . . . .	95
Рикшалар . . . . .	96
Кутб минордаги ўйлар . . . . .	99
Ҳиндистон сонетлари . . . . .	101
Қарочи . . . . .	110
Гул ва ханжар . . . . .	112
Иқбол мақбарасида . . . . .	113
Шарқ афсонаси . . . . .	114
Ҳавзи мусамман . . . . .	116
Шалимар боғлари . . . . .	117
Илон ўйнатувчи . . . . .	119
Лоҳур қизлари . . . . .	120
Сени сўроқлаб . . . . .	122
Ватанга қайтиш . . . . .	124

### ҚУЁШ ФАРЗАНДИ

Сонетлардан тузилган дoston

ТОЖ МАҲАЛ (Дoston)

Ургут ва бургут. Миртемир . . . . . 281



*На узбекском языке*

\*

*БАРОТ БАЙКАБУЛОВ*

**ВОСТОЧНАЯ РАДУГА  
СТИХИ И ПОЭМЫ**

\*

Редактор О. Матжонов  
Рассом Қ. Башаров ва М. Кагаров  
Расмлар редактори Н. Холиқов  
Техн. редактор М. Мирқосимов  
Корректор М. Аҳмедова

\*

Босмахонага берилди 10/XII-74 й. Босишга рухсат этилди 8/I-1975 й. Формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 9. Шартли босма л. 9. Нашр л. 7,46. Тиражи 35 000 P10162. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 177—74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг  
Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари бўйича давлат комитетининг 4-босмахонасида  
тайёрланган матрицадан 1-босмахонасида. № 1 қоғозга  
босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.  
Заказ № 738. Баҳоси 5-муқовада 80 т. 7-муқовада 90 т.  
7-муқовада мелов. қоғозига 1 с. 30 т.